

O'ZBEKISTON **ISSN 2181-502X** QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№12, 2024

Agrar-iqtisodiy, ilmiy-ommabop jurnal



**2025-YIL
ATROF-MUHITNI ASRASH VA
“YASHIL” IQTISODIYOT YILI**



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ жамоаси

**барча юрtdошларимизни, сув хўжалиги ходимларини,
фермер ва дала меҳнаткашларини**

**Асосий қонунимиз қабул қилинган кун ва
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги
ходимлари кун** билан табриклайди.

**Юртимиз тинч, ҳаётимиз янада фаровон бўлиб,
Ватанимиз гуллаб-яшнайверсин!**



ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли юртдошлар!

Ҳурматли деҳқон ва фермерлар, аграр соҳа жонкуярлари!

Жонажон диёримизда дала ишлари, жорий мавсум якунига етиб бораётган ушбу қутлуғ айёмда сизларни ва кўпмиллатли бутун халқимизни Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Фидокорона меҳнати билан тупроқдан ноз-неъмат ундириб, халқимиз дастурхонини тўкин қилиб келаётган сиздек миришкор деҳқон ва фермерлар, моҳир боғбон ва чорвадорларга, омилкор агроном ва механизаторлар, кластерларнинг тажрибали раҳбарлари ва ходимлари, соҳанинг ҳурматли фахрийларига ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилақларимни билдираман.

Азиз дўстлар!

Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар, ер ва сув ресурслари тақчиллиги қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ана шундай мураккаб шароитга қарамасдан, жорий йилда сизларнинг машаққатли меҳнатингиз билан юртимизда 9 миллион тонна дон, 3 миллион тоннадан ортиқ пахта, 16 миллион тоннадан зиёд сабзавот ва полиз, 5 миллион тонна мева ва узум, 4 миллион тонна картошка, 15 миллион тоннадан кўп гўшт ва сут, 30 минг тонна пилла етиштирилгани – чинакам қаҳрамонлик намунаси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Бунинг учун сизларнинг шаънингизга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Албатта, бундай улкан ютуқларга эри-

шишда кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ривожига берилаётган юксак эътибор, тармоқда туб таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, ишлаб чиқариш муносабатлари замон талаблари асосида йўлга қўйилаётгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганини барчамиз яхши тушунамиз.

Айниқса, соҳага илғор агротехнологиялар, илм-фан ва инновация ютуқлари кенг жорий этилаётгани ижобий натижа бермоқда. Бу йил 100 минг гектар майдонда касаллик ва зараркунандаларга чидамли серҳосил ғўза навлари экилиб, улардан мўл ҳосил етиштирилгани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ғаллачиликда ресурс тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш натижасида ўртача ҳосилдорлик биринчи марта 85 центнерга етказилди. Олти мингдан ортиқ тажрибали фермерларимиз бу борада 90-100 центнерлик маррани забт этганларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ресурсларни тежайдиган интенсив технологиялар асосида 50 минг гектар майдонда сабзавот етиштирилиб, ҳосилдорлик анъанавий усулга нисбатан 200-250 центнерга ошгани, соф даромад гектаридан 6-8 минг долларни ташкил этгани ҳам муҳим ютуқларимиз қаторига киради.

Йил давомида қишлоқ хўжалиги субъектларига 18 триллион сўм имтиёзли кредит ва 176 миллиард сўм субсидия ажратилгани, умумий қиймати 3,6 триллион сўмлик 11 минг 600 дона юқори унумли замонавий техника ва агрегатлар етказиб берилгани ҳам мавсумни самарали якунлашда муҳим омил бўлди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришларига мослаштириш, уларнинг салбий таъсирини юмшатиш

мақсадида илк бор Миллий дастур қабул қилинди. Унинг ижросини таъминлаш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш учун хорижий молия ташкилотларидан 160 миллион доллардан ортиқ маблағлар жалб этилмоқда.

Бу йил қишлоқ жойларда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича 343 та янги лойиҳа ишга туширилгани диққатга сазовордир.

Шунингдек, деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун 75 минг гектар ер майдонлари 180 минг нафардан ортиқ ижтимоий муҳтож аҳоли ҳамда ёшларга бўлиб берилгани ва 200 мингдан зиёд иш ўрни яратилгани қишлоқда бандликни таъминлаш, реал даромадларни ошириш, камбағалликни қисқартиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Томорқачиликда даромадни ошириш мақсадида 5145 та маҳалла “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида ихтисослаштирилди.

Чорва наслини яхшилаш ва маҳсулот ҳажмини кўпайтириш учун аҳолига 40 минг бош қорамол, 82 мингта қўй ва эчки етказиб берилди, четдан 260 минг бош зотдор моллар олиб келинди.

Қадрли дўстлар!

2025 йилни мамлакатимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилганимиз албатта бежиз эмас.

Бутун тақдири ва истиқболи ер-сув ресурслари билан чамбарчас боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги учун бу қарорнинг аҳамияти қанчалик катта эканини сиз, азизлар айниқса яхши тушунасиз.

Ҳеч шубҳасиз, мазкур йил бўйича қабул қилинадиган давлат дастури соҳани барқарор ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигида “яшил” технологияларни қўллаш, экологик тоза маҳсулотлар етиштириш бўйича янги имкониятлар очади.

Аграр соҳани илм-фан асосида ривожлантиришни тизимли йўлга қўйиш, унинг

барча тармоқларидаги инновацион фаолиятни интеграциялаш мақсадида келгуси йили Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясини ташкил этамиз.

Ўтган йиллардаги ижобий тажриба давом эттирилиб, яна 100 минг гектар ер деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун аҳолига бўлиб берилади. Пахтачиликда 40 фоиз майдонда Хитойда ўзини оқлаган илғор тажриба жорий этилади.

Халқаро ҳамкорларимиз билан биргаликда кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилади.

“Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси такомиллаштирилиб, маҳсулот етиштирувчиларга “бир дарча” тамойили асосида комплекс хизмат кўрсатиш тартиби йўлга қўйилади.

Қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, қишлоқ аҳли учун янги иш ўринлари яратиш борасидаги ишларимиз ҳам изчил давом эттирилади.

Хурматли деҳқон ва фермерлар, соҳа ходимлари!

Кўриб турганингиздек, олдимизда улкан вазифалар турибди. Уларни амалга оширишда сизлар фаол иштирок этиб, ўз куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангиз билан қишлоқ хўжалиги ривожини янги босқичга олиб чиқишга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман.

Сиз, азизларни бугунги файзли байрам билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат, олижаноб фаолиятингизда улкан зафарлар тилайман.

Ҳалол меҳнатингиз, азму шижоатингиз учун яна бир бор катта раҳмат. Доимо соғомон бўлинг, умрингиздан барака топинг, кадрдонларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти



“Янги тахрирдаги Конституциямизда Ўзбекистоннинг беш устуни, яъни суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгилаб қўйилди, унинг мазмуни тубдан такомиллаштирилиб, янги боб ва моддалар билан бойитилди”, деб таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари. Президентимиз ушбу ғояларни ҳаётга тадбиқ этиш, давлат ва жамият ўртасида муво- занатни таъминлаш, бунча қонунчиликни янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини барча чиқишларида алоҳида қайд этиб ўтмоқда. Ҳақиқатан ҳам, замонавий демократик ён- дашувларга кўра, Конституция бу – ижтимоий шартнома, яъни халқ ва давлатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этган аҳднома ҳисобланади.

КОНСТИТУЦИЯДА

тадбиркорлик ва мулк ҳуқуқининг кафолати

Конституцияда инсоннинг барча ҳуқуқлари каби унинг мулкка бўлган ҳуқуқлари ҳам алоҳида мустаҳкамланган. Жумладан, Конституциянинг 54-моддасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади деб белгиланган. Унда шахсий ҳуқуқлар билан бирга фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқлари ҳам кафолатланган.

Жамиятнинг иқтисодий негизи Конституцияда алоҳида боб сифатида берилган. Ўзбекистонда 2022 йилдан эътиборан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш бошланган эди. Шу билан деярли бир вақтда, эълон қилинган янги Конституция лойиҳасининг бирламчи версиясида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни хусусийлаштириш мумкин эмаслигига ишора қилинган эди. Якуний талқиндан бундай чеклов олиб ташланди ва ерни хусусийлаштиришга оид норма қуйидагича шаклга келтирилди: “Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин.

Конституциянинг бирламчи лойиҳасида мавжуд бўлган: “Хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди ҳамда бекор қилинмайди”, – деган нормани Конституциянинг якуний лойиҳасига киритмасликка қарор қилинди.

Конституциянинг 66-моддасида “Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф

этади”, деб ҳисобланган. Шунга кўра, шахс бир томондан мулкка эга бўлса, иккинчи томондан мулкни тасарруф этишда турли муносабатларга киришади. Мулк дахлсизлигининг таъминланиши, мулк эгасининг ўз мулкига нисбатан қонун билан берилган кафолатга боғлиқ. Ҳеч ким қонунда белгиланганидан ташқари ўз мулкидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Конституциянинг 67-моддасида “Давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлайди. Тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли”, деб мустаҳкамлангани тадбиркорлик давлат иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучи эканлигидан далолат беради.

Янги Конституция тадбиркорлик, хусусан фермерлик билан боғлиқ янги муносабатларни ҳуқуқий асосларини кафолатлади. Ерни хусусий мулк сифатида фуқаролик муомаласига киритди. Шахснинг мулкдор бўлиш ва иқтисодий бақувват бўлиш имкониятларини кенгайтирди. Мансабдор шахслар фуқароларнинг мулки билан боғлиқ муносабатларга фақат қонун доирасида аралашishi мумкинлиги белгиланди. Хусусий мулк муқаддас неъмат сифатида кафолатланди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганидек, “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш” ғояси нафақат давлат бошқарувини тўғри ташкил этишга хизмат қилади, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш, одамларда келажакка ишонч ҳиссини кучайтиради.

Инсон бахтли бўлиши, ўзини эркин ва озод ҳис қилиши, ўз мулкни эркин тасарруф қилиши, ҳаётдан рози бўлиши, ўзи ва фарзандларининг хавфсиз жамиятда яшashi кафолати айнан Конституция нормалари устувор бўлган жойдагина таъминланади.

Бобоқул ТОШЕВ,

юридик фанлар доктори, профессор.



Бахтияр ЖУЗБАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Сув хўжалиги вазири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республиканинг барча туманларида “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари фаолияти йўлга қўйилди. Янги тузилмаларнинг ташкил топиши сувнинг аниқ ҳисоб-китоб қилиниши, энг муҳими, сув таъминоти кўп йиллардан буён муаммо бўлиб келаётган 35 та ҳудуддаги салкам 36 минг гектар ерга сув етиб боришини таъминлади.

Бутун республика бўйича эса, 2024 йилда дала меҳнатқашларига салкам 5 миллиард куб метр ёки лимитда ажратилган 100 фоиз сув етказиб берилди. Сувчиларимизнинг машаққатли меҳнатлари эвазига жами 155 минг гектарга яқин майдонга экилган пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан, томорқалардан мўл ҳосил олинди.

ВАТАН РАВНАҚИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Маълумки, бутун минтақамиз бўйлаб йил сайин кучайиб бораётган сув тақчиллиги Оролбўйи ҳудудларида яна ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Бу эса, биз — мироблардан мавжуд сув ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, оби-ҳаёт исрофгарчилигига йўл қўймаслик, замонавий ва илғор сув тежамкор технологиялар ва усулларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо қилмоқда.

“

Ўтган йилнинг 29 ноябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган йиғилишда 2024 йил “каналларни бетонлаш бўйича зарбдор йил”, деб эълон қилинган эди. Давлат раҳбарининг ана шу ташаббусига жавобан жорий йил Қорақалпоғистон Республикасида ҳам сув йўқотишларни камайтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Масалан, Хўжайли туманидаги “Ташли жап” ва “Ширин жап” каналларини бетонлаш ишлари якунига етказилди. Бу борадаги ишлар Нукус шаҳри марказидан оқиб ўтувчи “Дўстлик” каналида жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Сув йўллари бетонлаш, ирригация-мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш эвазига 27 ярим минг гектар ер майдонининг сув таъминоти яхшиланишига эришилади.



СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИМИЗ ҲАМ АНЧА САЛМОҚЛИ. ЖУМЛАДАН, ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА ЖАМИ 17 МИНГ 229 ГЕКТАР МАЙДОНДА СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ. 3 МИНГ 474 ГЕКТАР МАЙДОН ТОМЧИЛАТИБ, 2 МИНГ 898 ГЕКТАР МАЙДОН ЁМҒИРЛАТИБ, 502 ГЕКТАР МАЙДОН ДИСКРЕТ УСУЛИДА, 10 МИНГ 355 ГЕКТАР МАЙДОН ЭСА, ЭГИЛУВЧАН ҚУВУРЛАР ВА ПЛЁНКА ТЎШАБ СУҒОРИЛИШИ НАТИЖАСИДА ВЕГЕТАЦИЯ МАВСУМИДА 472 МИЛЛИОН КУБ МЕТР ОБИ-ҲАЁТ ИҚТИСОД ҚИЛИНДИ.



Қорақалпоғистонлик сувчилар бугунги куннинг яна бир муҳим мавзуи - “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларда ҳам фаол иштирок этишмоқда. Лойиҳанинг куз мавсумида тизимимиз бўйича 221 минг туп қўчат экишни зиммамизга олганмиз.

2021-2023 йилларда туманларимиз сув тармоқлари ва иншоотларига жами 986 та “ақли” сув қурилмалари ўрнатилди. 280 дан ортиқ шундай технологиялар эса, насос станцияларида сув ва электр энергияси сарфини “онлайн” режимда мониторинг қилиш учун дастак бўлмоқда.

Мелиоратив кузатув қудуқларига ўрнатилган 890 га яқин «дайвер» қурилмалар эса, ер ости сизот сувларининг сатҳи, уларнинг минераллашуви ҳақида онлайн режимда тезкор ва аниқ маълумотларни етказиб бераётир. Ушбу жиҳозларнинг вазирлик серверига интеграция қилингани ирригация-мелиорация соҳаларида амалга оширилаётган ишларни янада самарали бўлиши, “сув текин эмас”, деган тамойилнинг қарор топишида муҳим ўрин тутаяпти.



Давлат-хусусий шерикчилик йўналишида ҳам муайян ишларни амалга оширдик. Сўнгги уч йил мобайнида жами қиймати 164,8 миллиард сўмни ташкил этган 52 та лойиҳа бўйича битимлар имзоланди ва насос станциялари хусусий секторлар бошқарувига берилди.



Хулоса ўрнида шуни таъкидлашим керакки, ўзининг умри ва фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги тизимига боғлаган ҳар бир юртдошимиз – соҳа раҳбарларидан тортиб, то оддий ишчи-ҳодимгача – ўз зиммасига элу юрт ва она заминни оби-ҳаёт билан таъминлашдек шарафли ва залворли вазифа юкланганини ҳис қилади. Ана шу – Ватан равнақида даҳлдорлик ҳисси ютуқларга пойдевор бўлиши шубҳасиз!

Фурсатдан фойдаланиб, мен мамлакатимиз аграр соҳасининг барча тармоқларида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизни қорақалпоғистонлик жами мироблар номидан Қишлоқ хўжалиги ҳодимлари байрами билан самимий қутлайман.

СУВ – ТЕКИН ЭМАС

Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар доирасида 2024 йилдан бошлаб сув ҳўжалиги ташкилотлари томонидан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига сув етказиб бериш хизматлари учун тўловлар бекор қилинди.

Қишлоқ ҳўжалиги ерларини суғориш ва балиқ ўстириш учун фойдаланиладиган сув ҳажми, шу жумладан деҳқон ҳўжаликлари ва қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларга эга бўлган жисмоний шахслар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 1 куб метр сув учун 100 сўм этиб белгиланди. Янги тартибга кўра, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан Давлат бюджетига тушган тушумнинг 40 фоизи Сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини молиялаштириш, уларнинг балансидаги объектларни сақлаш ва техник ҳолатини яхшилаш харажатларига йўналтирилади.

Сув етказиб бериш хизматлари мутахассисларининг сув солиғини белгилашнинг ҳуқуқий асослари, уни ҳисоблаш ва ундириш механизми бўйича билимларини ошириш мақсадида ўқув курслари йўлга қўйилди. Сув ҳўжалиги вазирлиги, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан амалга оширилаётган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси” ҳамда Сувчилар мактаби ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу тадбир 2024 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтмоқда ва барча туман “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари қамраб олинган.

Янги тартибга кўра, Сув ҳўжалиги вазирлиги Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 25 мартга қадар вегетация даври учун ва 25 сентябрга қадар куз-қиш даври учун сув манбаларининг сувлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳудудлар кесимида қишлоқ ҳўжалиги экинларини суғориш учун сув олиш лимитларини тасдиқлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги ва Қишлоқ ҳўжаликлари вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳамда ҳудудий қишлоқ ҳўжалиги бошқармалари ҳар йили 1 апрелга қадар вегетация даврига ва 1 октябрга қадар куз-қиш даври учун якуний истеъмолчилар кесимида экинларни суғориш учун сув олиш лимитларини ҳудудлар бўйича тасдиқланган лимит доирасида ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун халқ депутатлари туман Кенгашларига киритади.

Истеъмол қилинган сув миқдори ҳисобини юритмаган (юритишдан бош тортган) қишлоқ ҳўжалиги

маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари учун сув солиғи базаси халқ депутатлари туман Кенгашлари томонидан тасдиқланган лимитларга нисбатан икки баробар оширилган ҳолда ҳисобланади.

ШУ БИЛАН БИРГА, 2025 ЙИЛДАН БОШЛАБ:

сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда ҳамда суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиғи ставкасига 0,5 камайтирувчи коэффициент;

сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда ёки суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиғи ставкасига 0,7 камайтирувчи коэффициент;

балиқчилик учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиғи ставкасига 0,7 камайтирувчи коэффициент;

сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинмаганда ҳамда суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланмаганда сув солиғи ставкасига 1,5 оширувчи коэффициент қўлланилади.

Сув етказиб бериш хизматлари ҳар йили 10 декабрдан кечиктирмай солиқ органларига, шунингдек, қишлоқ ҳўжалигида, шу жумладан балиқчилик ҳўжаликларида сув ресурсларидан фойдаланувчи юридик шахсларга сув ресурсларидан кутилаётган фойдаланиш ҳажми тўғрисидаги тақрибий маълумотларни тақдим этиши шарт. Бу солиқ органларига сув истеъмоли ҳақида тушунчага эга бўлиш ва солиқ мажбуриятларини аниқроқ ҳисоблаш имконини беради. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва даромад олиш учун мўлжалланган қишлоқ ҳўжалиги ер участкаларига эга бўлган деҳқон ҳўжаликлари ва жисмоний шахслар учун солиқ солинадиган базани аниқлаш учун сув ресурсларидан кутилаётган фойдаланиш ҳажми тўғрисидаги маълумотлар кейинги йилнинг 20 январидан кечиктирмай юборилиши керак.



Солиқ тўловчилар

• **Ҳуқуқи**

- маълумот олиш;
- солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;
- ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган суммалари қайтариш;
- белгиланган тартибда солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш;
- солиқ текширувини ва аудитини ўтказишда ҳозир бўлиш ва даъватномадан олиш;
- қонунчиликта зид талабларини бажармаслик;
- Шикоят қилиш ва бошқалар.

• **Мажбурияти**

- солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида тўлаш;
- чақирув хатини олганида солиқ органига келиш;
- харидорга ҳисоб-фактураларни, чекларни ёки унга тенглаштирилган ҳужжатларни бериш;
- Солиқчиларни маълумот олишга шaroит яратиш ва тўққонлик қилмаслик;
- солиқ ҳисоботларини уч йил мобайнида бут сақлалишини таъминлаш ва бошқалар.



Ваколатли органлар


• **Ҳуқуқи**

- солиқ ҳужжатларини талаб қилиш;
- солиқ текширувлари ва назорати ўтказиш;
- солиқ солиш объектларини сақлаш билан боғлиқ жойларни қўздан кечирish;
- мол-мулкни инвентаризация қилиш ва назорат ўдчовларини ўтказиш;
- фото- ва видеотасвирга тушириш, тушунтиришлар ҳамда маълумотлар олиш;
- экспертизи жалб этиш, экспертиза тайинлаш;
- солиқ қарзини мажбурий ундириш;
- судларга даъволар киритиш ва бошқалар.

• **Мажбурияти**

- солиқ тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиш;
- Тўловлар назоратини амалга ошириш;
- солиқ тўловчиларга ёрдам бериш;
- ҳуқуқбузарликни бартараф этиш тўғрисидаги тақлифлар киритиш, дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- солиқ сиринга риоя этиш;
- солиқ тўловчининг талабига биноан маълумотномани бериш ва бошқалар.

Экин тури ва фойдаланиш шароитига қараб сув солиғи ҳисоби 2025 йилда



Фермерлар ҳолати	Экин тури	Козф.	Сўғориш меъёри	Сув солиғи
Фермер 1 СТТ+СЎВ	Боғ	0,5	2700	1,35
	Ўза	0,5	3100	1,55
	Сабзавот	0,5	5700	2,85
Фермер 2 СТТ	Боғ	0,7	4400	3,08
	Ўза	0,7	5000	3,5
	Сабзавот	0,7	8700	6,09
Фермер 3 СЎВ	Боғ	0,7	4400	3,08
	Ўза	0,7	5000	3,5
	Сабзавот	0,7	8700	6,09
Фермер 4	Боғ	1	4400	4,4
	Ўза	1	5000	5
	Сабзавот	1	8700	8,7
Фермер 5. Ҳисоб юритмаган	Боғ	1,5	4400	6,6
	Ўза	1,5	5000	7,5
	Сабзавот	1,5	8700	13,05

Сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш билан шуғулланувчи балиқчилик хўжаликлари учун солиқ солинадиган база табиий ва сунъий сув манбаларидан олинган сув ҳажми билан ушбу манбаларга қайтарилган сув ҳажми ўртасидаги фарқдан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Бундай ҳолда, коллектор ва дренаж тармоғига юборилган сув ҳажми ҳисоб-китоблардан чиқариб ташланади. Солиқ солинадиган базани аниқлашнинг ушбу усули сувнинг ҳақиқий истеъмолини ҳисобга олишга ва сув объектларига қайтариладиган сувга солиқ солинмаслигига ёрдам беради.

Шўр ювиш учун фойдаланиладиган сув ресурслари, агар улар белгиланган ювиш ҳажмларидан ошмаса, солиққа тортилмайди. Шунингдек, коллектор ва дренаж тармоқларидан олинган сув

ресурслари солиққа тортилмайди. Мазкур истиснолар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватлаш ва шўрланган ерларнинг ҳолатини яхшилашга қаратилган бўлиб, бу сув ресурслари танқислиги шароитида қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Малака ошириш курсларида сув хўжалиги соҳасининг қуйи бўғинида олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг самараси ҳақида ҳам батафсил тушунтиришлар берилмоқда.

Абдусамат УБАЙДУЛЛАЕВ,
“ТИҚХММИ”МТУ катта ўқитувчиси,
Биродаржон БУРХОНЖОНОВ,

“Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси” раҳбари ўринбосари.

ҒАЛЛАЗОРЛАРДА ДЕКАБРЬ ОЙИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ЭНГ МУҲИМ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР

Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли минтақа тупроқ-иқлим шароитларида экилаётган акеарият бошоқли дон экинларининг маҳаллий ҳамда хорижий навларини потенциал ҳосилдорлик имконияти гектаридан 100-120 центнерни ташкил этади. Шунинг учун ғаллакор ва мутахассисларнинг асосий вазифаси кузги бошоқли дон экинларини декабрь ойида сифатли парваришlash билан ўсимликларни ташқи муҳитнинг ноқулай, стресс омилларига чидамлилигини ошириш ва маҳсулдорлигини юқори бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Дунё амалиётида кўп йиллик тажриба натижаларига кўра кузги бугдойни қишлоғга тупланган ҳолда кириши, ниҳолларнинг совуққа чидамлилигини ошириши, илдиз тизимининг яхши ривожланиши ҳамда эрта баҳорги найчалаш даврига ўтишида ўсимликда старли миқдорда озиқа моддалар билан таъминланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Республикамизда 2025 йил ҳосили учун экилган кузги бошоқли дон экинларини декабрь ойида парваришlashда ғаллачиликка масъул мутахассислар, кластер ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари қуйидаги энг муҳим агротехник чора-тадбирларни амалга оширишлари лозим.

– Суғориладиган ерларга экилган бошоқли дон экинларининг ўсиш ва ривожланиш давларини аниқлаш мақсадида ғалла майдонларини доимий мониторингдан ўтказиб туриш зарур. (тўла туплаган, 3-4 барг, 1-2 барг ҳосил қилган, униб чиқмаган майдонларни аниқлаш).

– Қишки парваришда асосий эътиборни ғалла майдонларида мақбул кўчат қалинлигига эришиш, тўла ниҳоллар униб чиқмаган дала қисмларига қўшимча уруғ экиш йўли билан тўла кўчат олишга эришиш лозим.

– Кузги бошоқли дон экинларини декабрь ойида тўғри ва ўз вақтида парвариш қилиш орқали ўсимликнинг ташқи муҳит ноқулай шароитларига чидамлилигини ошишини ҳамда маҳсулдорлигини эса юқори бўлишини таъминлашга эришиш мумкин.

– Айрим сабабларга кўра, экиш олдида фосфорли ва калийли ўғитлар берилмаган ғалла майдонларга гектаридан 100-120 центнер ҳосил олишни ҳисобга олган ҳолда фосфорли (105-150 кг/га) ва калийли (70-100 кг/га) ўғитларнинг йиллик меъёри берилиши керак.

– Ғалланинг ўсиш жараёнида тупроқда азот, намликни етишмаслиги натижасида туплаган майдонларда ғалланинг барги сарғайиши ёки майсаларнинг ривожланиши сустлашиши кузатилади. Бундай майдонларга гектарига физик ҳолда карбамид ўғитидан гектарига 100 кг дан, агар аммиакли селитра ёки сульфат аммоний минерал ўғитлар билан гектарига 150 кг меъ-

ёрларда озиқлантирилиб, суғоришни шарбат усулида амалга оширилса ўсимликларни тиним даврига (қишга) яхши ҳолатга ўтишини таъминлайди.

– Эрта муддатларда экилган ва ғалласи ер устини тўлиқ қоплаган майдонларда ҳаво ҳарорати 5°C ва ундан юқори бўлганда гектарига карбамид минерал ўғити билан гектарига 10-12 кг ёки таркибида гумин кислотаси мавжуд бўлган Гео Гумат препаратини гектарига 1,0 литр, УзГуми препаратини гектарига 0,5 литр, Гумимакс препаратини эса гектарига 0,4 литр меъёردа суспензия тайёрлаб сепиш тавсия қилинади.

– Эрта экилган тўла туплаган ғалла майдонларда азотли ўғитлар билан озиқлантириш ишларини амалга оширмаслик керак. Чунки ушбу майдонларни азотли ўғитлар билан озиқлантириш ўсимликнинг ўсишини тезлаштиради ўсимликда қанд моддаси камайиши натижасида уларни совуққа чидамлилигини пасайтиради.

– Суғориш ишларини амалга оширганда ғалла майдонларини кўллатиб ёки узоқ вақт сув қўйишга йўл қўймаслик зарур.

– Декабрь ойининг энг муҳим агротехник тадбирларидан яна бири ўртача бир гектар майдонга 5 тоннадан маҳаллий ўғит жамғаришдир. Ҳар 5 гектар майдонга биттадан маҳаллий ўғитни шарбатга айлантириш учун хандаклар қазиб, далага чиқарилган маҳаллий ўғитларни хандакларга солиб устидан 5-10 см қалинликда кўмиб қўйиш лозим.

– Шунингдек, кечки муддатларда экилган, ривождан орқада қолган, қишлоғга тупламасдан кирган, сийрак униб чиққан майдонларга гектарига камида 7-10 тоннадан маҳаллий ўғит чиқаришни ташкил этиш лозим.

– Жорий йил декабрь ойининг ўтган йилларга нисбатан илиқ, кам ёғин бўлиши кутилишини инобатга олган ҳолда ғалла майдонларини сув билан таъминлайдиган ички ариқларни қўл кучида тозалаш, чопиш ҳамда ғўза қатор ораларига экилган майдонларда далани ғўзапоядан тозалаш ишларини тўлиқ тугатиш мақсадга мувофиқдир.

– Шунингдек аҳоли чорва ҳайвонлари томонидан ғаллазорларни пайҳон қилинишининг олдини олиш мақсадида четан тўсиқларнинг мавжудларини қайта таъмирлаш, қўшимча четан тўсиқлар ўрнатиш ҳамда 20-30 гектар майдонга 1-2 нафар дала қоровуллари тайинлаши керак.

– Ғалла майдонлари атрофларини мунтазам равишда бегона ўт қолдиқларидан, дарахтларнинг қуриган пустилоғи ва шохларинидан тозалаш ишларини амалга ошириш лозим, чунки улар

асосий зарарли ҳашарот, зараркунандаларнинг қишлаб чиқадиған жойи ҳисобланади.

– Жорий йилнинг декабрь ойининг бирмунча илиқ келаётгани боис зараркунанда, ҳашаротларнинг ўтган йилга нисбатан бирмунча кўп бўлиши башорат қилинмоқда. Шунинг учун ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядлари ходимлари билан ҳамкорликда мунтазам кузатувлар олиб бориш, касалликлар аломатларини аниқлаш ва уларга қарши кураш ишларини амалга ошириш лозим. Шунингдек, ҳар бир гектар ғалла майдонига талаб этиладиган фунгицидлар ва петицидлар, гербицидлар захираларини яратиш зарур.

Юқоридаги агротехник чора-тадбирларни республикамизнинг ғаллачиликка ихтисослашган кластер ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан ўз муддатида сифатли амалга оширилиши келгуси йилда ғалладан мўл ва сифатли дон ҳосил олишга замин яратади.

Зокир ЙЎЛДОШЕВ,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти илмий ходими.

ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

Юртимизда фидокорона меҳнат қилаётган олимлар ва тадқиқотчиларни, аграр соҳа меҳнаткашларини касб байрамлари – **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ ВА КОНСТИТУЦИЯ КУНИ** билан қутлайди.





КООПЕРАТИВ ДЕҲҚОНЛАР БИРЛАШУДИР

Хўш, қонун қабул қилинишига зарурат нимада эди?

Кейинги пайтларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, одамларни ишли ва даромадли қилиш мақсадида аҳолига 260 минг гектар ер ажратилди. Натижада ҳудудларда минглаб деҳқон хўжаликлари пайдо бўлди. Бу, ўз навбатида, мазкур хўжаликлар ўртасида алоқаларни йўлга қўйишни тақозо қилмоқда.

Жумладан, 2021-2024 йилларда 785,5 мингдан ортиқ янги деҳқон хўжалиги ташкил этилди. Шунингдек, ҳозир юртимизда 5,6 миллиондан ортиқ бошқа қишлоқ хўжалиги субъекти (671 та агрокластер, 91,7 мингта фермер хўжалиги, 5,5 миллион томорқа ер эгаси) фаолият юритмоқда.

Кооператив аъзоларининг зарур моддий ресурсларни улгуржи харид қилиши, комплекс маркетинг ва логистика тизимлари яратилиши ҳисобига харажатлар 35-40 фоиз қисқаради. Масалан, Германияда 5-10 йиллик таҳлилларга кўра, кооперативлар харажатлари ўртача 35 фоиз қисқарган.

Бизда 1998 йилда қабул қилинган “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги қонун бор эди. Лекин у маънан эскирган, замонавий корпоратив бошқарув талабларига мос келмай, бошқарув эски колхоз тизимига асосланганди.

Мамлакатимизда жадал ислохотлар натижаси ўлароқ сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида тўлиқ бозор механизмлари асосланган янги тизим яратилиб, ривожлантирилляпти. Шу жиҳатдан олганда, жорий йил 8 ноябрь куни Президентимиз томонидан имзоланган “Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида”ги қонун соҳа ривожига қаратилгани, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлагани билан аҳамиятлидир. Бинобарин, янги кооператив тизимида қишлоқ хўжалиги мулкдорлари, айтилик, фермер хўжаликлари ёки деҳқонлар ўзаро бирлашиб ишлаши бир хўжалик имкони етмаган масалаларни ҳамжиҳатликда ҳал этиши мумкин.

Қонунга зарурат борлигини ўрганиш, қонун лойиҳасини мукамал ишлаб чиқиш мақсадида ҳудудлардаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиш юзасидан 20 та туманда 15 минг 400 ишлаб чиқарувчи ўртасида сўровномалар ўтказилди. 18 та туманда махсус семинарлар ташкил этилди. Кооператив қонунчилиги бўйича германиялик халқаро экспертлар ҳамда маҳаллий олимлар, етук мутахассислар ва бевосита ишлаб чиқарувчилар жалб этилди.

“

Қонун 60 моддадан иборат бўлиб, унда қишлоқ хўжалиги кооперативи фаолияти билан боғлиқ барча масалалар ва тўғридан тўғри амал қилувчи нормалар қамраб олинган. Аввало, қишлоқ хўжалиги кооперативи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошириш учун пай усулига, жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган мустақил тижорат ташкилоти экани мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

У ўз фаолиятида халқаро умумэтироф этилган тамойилларга асосланади. Ихтиёрий ва очик аъзолик, аъзолар томонидан демократик назорат, иқтисодий иштирок, кооперативлар ўртасида ҳамкорлик, жамият учун ғамхўрлик принциплари шулар сирасига кирилади.

“

Кооператив аъзолар ҳамкорлигини кенгайтириб, муаммоларга биргаликда ечим топишда катта ёрдам беради. Йирик экспортчилар ҳар бир маҳсулот етиштирувчи билан алоҳида-алоҳида эмас, балки уларни бирлаштирган кооператив билан шартнома тузади. Натижада “БИР КОНТУР — БИР МАҲСУЛОТ” асосида экин жойлаштирилиши таъминланади.



Бундан ташқари, маҳсулотларни экишдан то бозорга чиқаришгача бўлган жараёнда ўзига хос занжир яратилади. Кооператив фаолиятини янги форматда ташкил қилади. Аъзоларига зарур ресурсларни етказиб, агрономия, бухгалтерия хизматлари кўрсатади, сертификатлар олади ва маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга чиқаради. Яъни кооперативнинг асосий фаолияти қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатишдир. Улар маҳсулот етиштириш ва унга қўшилган қиймат қўиш билан бирга, ўз аъзоларига зарур моддий ресурсларни етказиб бериш, маркетинг ва логистика хизматларини ҳам таклиф қилади.

“

Кооператив аъзоларининг энг кам сони 7 нафар жисмоний ёки юридик шахс этиб белгиланмоқда. Қолаверса, у манфаатларидан келиб чиққан ҳолда топ менежерларни, халқаро экспертларни, малакали мутахассисларни ёллаши мумкин.

Эндиликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини вертикал етказиб бериш занжирларини яратиш мақсадида интеграциялашган қишлоқ хўжалиги кооперативлари тузилади. Ушбу янги норма маҳсулотни қайта ишлаш, сотиш ва экспорт қилиш бўйича муваффақиятли агробизнеснинг асосини яратиш имконини беради.

Инвестиция киритувчи аъзо кооператив фаолиятида бевосита иштирок этмайди, лекин овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади. Ваколат берилган вакил 200 дан ортиқ аъзога эга бўлган кооперативда бир гуруҳ аъзолар томонидан сайланиб, уларнинг номидан иш юритиш ҳуқуқига эга. Кооперативлар йиллик аудит текширувидан ўтказилади. Аудитор нафақат молиявий-иқтисодий ҳолатни аниқлаши, балки фаолиятида учраётган муаммоларни таҳлил қилган ҳолда маслаҳат хизмати ҳам кўрсатади.

Бу борада давлатнинг ҳам ўзига хос вазифа ва мажбуриятлари мавжуд. Жумладан, аграр иқтисодий сиёсат орқали қулай муҳитни таъминлаш, рағбатлантирувчи ва қўллаб-қувватловчи мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш давлатнинг зиммасида.

Халқаро доирада, хусусан, Германия, Франция ва Японияда кооперативларнинг имижиси ижобий. Уларда тайёрланадиган маҳсулотларга талаб юқори. Умуман, 100 дан ортиқ давлатда кооператив муносабатлар алоҳида қонун билан тартибга солинади. Германия, Нидерландия, Италия, АҚШ, Канада, Хитой, Япония ва Жанубий Кореяда кичик ишлаб чиқарувчиларнинг 70 фоизи қишлоқ хўжалиги кооперативлари орқали хомашё олади, хизматлардан фойдаланади ва ўз маҳсулотларини бозорга чиқаради.

Германияда 1998-2023 йилларда фаолиятини интеграциялаш орқали қишлоқ хўжалиги кооперативлари 25 мингтадан 2,3 мингтага бирлашган, барча аъзолар сони 1,4 миллионни ташкил қилади. Италияда "Понтасиево" виночилик кооперативи узум етиштириш ва вино тайёрлаш билан бирга ўз аъзоларини кредитга уй-жой билан таъминлайди. Болаларни тарбиялаш, ўқитиш ва даволаш хизматларини ҳам кўрсатади.

Қонун билан қишлоқ хўжалиги кооперативларини тартибга солувчи нормалар биринчи марта ягона, кенг қамровли ва осон тушунарли тарзда ҳуқуқий ҳужжатда бирлаштирилди. Бу кооператив муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солади. Қонун ҳужжатларидаги зиддият ва бўшлиқларни бартараф этади. Ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини, ўз ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил этиш, уларни профессионал ва демократик йўл билан бошқариш ҳамда қишлоқ хўжалигида муваффақиятли фаолият юритишини таъминлайди.

Мазкур қонун билан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида мунтазам ривожланиб келаётган замонавий кооператив муносабатлар тартибга солинади. Кооперативларнинг ҳуқуқий кафолати яратилади. Жараёнда кластер корхоналари ва бошқа тадбиркорлик субъектларини ўзаро манфаатли тарзда бирлаштиради.

Бозор механизмларини фаол жорий этиш, эркин рақобат муҳитини шакллантириш, мавжуд табиий ресурслардан тўғри фойдаланиш натижасида қишлоқ хўжалигида инвестиция жозибadorлиги ошади. Ишлаб чиқарувчиларнинг бир жамоа бўлиб муваффақиятларга эришиш, ўз-ўзига ёрдам бериш кўникмалари шаклланиб, манфаатлари таъминланишига шарт-шароитлар яратади.

Агрокластерлар, фермерлар, деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари ва бошқа субъектларнинг кооперация муносабатларида иштироки фаоллашади. Ташиш, сақлаш, қадоқлаш, товар сифатини назорат қилиш бўйича хизматлар ривожланади ва улардан фойдаланиш имконияти кенгайди. Комплекс маркетинг ва логистика тизимлари яратилиши эса ички ва янги ташқи бозорларга чиқиш имконини беради. Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг воситачилик вазифаси орқали агрокластерлар, фермерлар, деҳқон хўжаликлари ва бошқа шаклдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик кенгайди. Муаммоларга биргаликда ечим топилади. Йирик экспортчилар ёки ишлаб чиқарувчилар ҳар бир маҳсулот етиштирувчи билан алоҳида-алоҳида эмас, балки етиштирувчиларни бирлаштирган кооператив билангина ишни ташкил қилади. Ўзаро мувофиқлашган фаолият туфайли жаҳон бозорига чиқишга йўл очилади. Сифат сертификатлари талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар етиштириш, уларни қайта ишлаш ва реализация қилиш имконияти ошади.

Соатмурод ҚУЛМИРЗАЕВ,

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги департамент бошлиғи.

Қонунчиликда янгилıklar

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

"Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори (ПҚ-413-сон, 02.12.2024 й.) қабул қилинди.

● Қарорга кўра:

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари тузилмаларига – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи лавозими;

● туман (Қувасой шаҳар) ҳокимликлари тузилмаларига – ҳокимнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи лавозими киритилади.

● Улар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтириш орқали соҳада давлат иштирокини камайитириш ва инвестициявий жозибadorликни ошириш механизмларини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратади.



Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманида фаолият юритаётган
“Гулчи опа томорқа хизмати” кластери жамоаси юртдошларимизни

8 ДЕКАБРЬ –

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ ва
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ХОДИМЛАРИ КУНИ**

билан муборакбод этади.

Мамлакатимиз гулларга буркансин!



ГЛОБАЛ МУАММОНИНГ

БУГУНГИ ЕЧИМИ

Сўнгги йилларда сайёраимизда кузатилаётган иқлим ўзгаришлари, табиат мувозанатидаги кутилмаган оғишлар дунё ҳамжамиятини ўйлантираётган турли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу айниқса, қишлоқ хўжалиги учун трансчегаравий сувлардан фойдаланадиган мамлакатларда яққол сезилмоқда. Шу боис мамлакатимизда сув танқислиги муаммосини юмшатиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегия”си қабул қилиниб, соҳани ривожлантириш бўйича узоқ муддатли ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш тизими ишлаб чиқилган ва амалиётда уни жорий қилиш ишлари давом этмоқда. Бу борада Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманида ҳам жорий йилда жами 2 минг 266 гектар экин майдонида сув тежовчи технологиялар татбиқ этилган.



Суратда: Тойлоқ туман сув етказиб бериш муассасаси ходими Сардор Саидкулов муассаса директори Бекзод Аҳадов билан

лотлари ва фермерларни рағбатлантирмоқда ва улар тежамкор суғориш усулларининг афзал жиҳатларини англаб етгани боис бу усул тобора оммалашмоқда.



Суратда: (чапдан) Нарпай тумани қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари Ғайрат Исломов фермер Абдурозиқ Мирсаидов билан

“

— Туманимизда 2024 йилда 754 гектар томчилатиб суғориш, 112 гектар ёмғирлатиб суғориш, 750 гектар ерларни лазер усулида текислаш, 650 гектар майдонда кўчма эгилувчан қувурлар ва эгатга плёнка тўшаб суғориш тизимлари жорий этилди, — дейди Тойлоқ туман сув етказиб бериш муассасаси директори Бекзод Аҳадов.

Таъкидлаш жоиз, 2019 йилдан бошлаб сув тежовчи технологияларни жорий этганларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми йўлга қўйилгани, жумладан, субсидиялар ажратилаётгани катта самара бериб, кластер ташки-

“

— Бу технологиянинг устувор жиҳати кўп бўлиб, аввало, сув иқтисод қилиниб, тупроқда намнинг сақланиш даражаси миёрида бўларкан ва жўякда бегона ўтлар бўлмас экан. Асосийси, мавсум давомида экинга бериладиган минерал ўғитлар тежаларкан, техника харажатлари қисқарар экан. Шуларни ҳисобга олиб, келгуси йил 15 гектар экин майдонларимизга томчилатиб суғориш технологиясини жорий этмоқчимиз, — дейди Нарпай туманидаги “Аҳмад Саид” фермер хўжалиги раҳбари Абдурозиқ Мирсаидов.

Албатта, аввало, ҳар бир деҳқон сув қанчалик қимматли неъматлигини, шу билан бирга кам сув сарфлаб, кўп ҳосил олиш воситаси айнан тежамкор технологиялар эканини англаб етиши лозим.

Шуни синовдан ўтказган Самарқанд туманидаги тежамкор фермер, "Мамат агро мева" МЧЖ раҳбари Иброҳим Мирзаев ҳам томчилатиб суғоришнинг афзалликларини чуқур англаб, тасарруфидаги 63 гектар майдонга тўлиқ мазкур технологияни жорий этган. Ҳозирда 30 гектар янги боғ, 15 гектар ток ва 16 гектар сабзавотлар мўл ҳосил бермоқда. Эътиборлиси, фермер бирор марта сув тансиқлигидан хавотирга тушгани

йўқ, сабаб томчилатиб суғориш технологияси унга исталган пайтда экинларини сувга қондириш имконини бермоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунга келиб, вилоятда боғ, пахта ва ғалла майдонларида сув тежовчи лойиҳаларни кенг омалаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Кўзланган мақсад битта: тежамкор суғориш орқали сувдан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва шу орқали нафақат ҳосилдорликни, балки меҳнат унумдорлигини ҳам оширишдан иборат.

Ўз мухбиримиз.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКДАН – ИШЧИЛАР ДАСТУРХОНИГА

Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси тасарруфидаги насос станцияларида ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини кенгайтириш ва шу орқали ишчи – ходимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, Шаҳрисабз туманидаги "Пахтакор", Ғузор туманидаги "Дўстлик", Китоб туманидаги "Анҳор", "Қорабулоқ", "Зарафшон" насос станцияларида иссиқхона усулида лимон етиштириш бўйича тажриба тўпланган.



Бугун "Зарафшон" насос станциясидаги 2 сотихли иссиқхонадан баракали ҳосил олинди. Ушбу станциянинг ҳар бир ходимига 15 килограммдан тарқатилди.

Ёрдамчи хўжаликларда етиштирилаётган чорва ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан насос станция ишчи ва мутахассисларнинг дастурхони тўқинлиги таъминланаяпти.

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ЭКСПОРТ ҚИЛИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР*

*2024 йил 29 ноябрда Президент раёсатидан ўтказилган видеолектор йилликни қосиди.

Дала четларидаги аҳолига берилган
650 минг > 364 минг гектар экспортчи-
тадбиркорларга бириктирилади.

ДАЛА ЧЕТИНИ САМАРАЛИ ИШЛАТГАН ФЕРМЕРЛАРГА:

- Тадбиркорлар рейтингини ҳисоблашда қўшимча балл берилади;
- Ички фитосанитар сертификати бир йил давомида бепул берилади;
- Фермерларга барча ерлари учун ер солиғини икки йилга бўлиб тўлашга рухсат берилади.

"ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК" ДАСТУРИДАГИ 100

миллион сўмгача бўлган кредитлар соддаштирилган тартибда акретилади.

Дала чети ҳисоби, қандай ва қанча маҳсулот етиштирилгани "e-Fito" портали орқали назорат қилиб борилади.

САЙХУНОБОД ТАЖРИБАСИ АСОСИДА
164 та қишлоқ туманларининг > 4 тадан маҳалласига минитехника берилиши белгиланди.

Ким минитракторда хизмат кўрсатса, ўзини ўзи банд қилган бўлади ва уларга мамлакатимизда чиқадиган техника учун 30 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилади.

КЕЛГУСИ ЙИЛДА
шоқ усулида музлатиш, озуқа қўшимчаси тайёрлаш бўйича > 100 миллион долларлик 50 та лойиҳа яшга туширилади.

Йил якунигача КЕЛГУСИ ЙИЛИ
14 минг > 29 минг гектарда

сановатлашган интенсив мевали боғ ва токзорлар барпо этилади.

БУНДАН ТАШҚАРИ:
Қўрғонтепада 300 гектар, Фарона туманида 200, Поп, Янгиқўрғон ва Оқангирон туманларида 100 гектардан сановатлашган интенсив боғ ва токзорлар тайёр қолда тадбиркорларга берилиши белгиланди.

2025 ЙИЛДА
ОРГАНИК МАЙДОНЛАР
10
МИНГ ГЕКТАРГА



КЕЛГУСИ УЧ ЙИЛДА
100
МИНГ ГЕКТАРГА
ЕТКАЗИЛАДИ

Эңдиликда органик майдон ташкил қилган фермер ва деҳқонларга ерни лазер билан текшираш харажати давлат томонидан қўллаб берилади;

"Органик", "Глобал Гап", "Халол", "Кошер" каби сертификатларни олиш харажатлари учун субсидия акретилади;

Йиллик савдо тармоқларида органик маҳсулотлар учун алоҳида расмлар ташкил этилади.



Бахтиёр РАҲМАТОВ,
Зарбдор тумани
“Сув етказиб бериш хизмати”
ДМ директори.

СУВ ВА СУВЧИ ҚАДРЛАНАДИГАН ҲУЖЖАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2024 йилнинг 5 январь кuni “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилиниши мамлакатимиз қишлоқ ва сув ҳўжалиги тараққиёти учун чинакам тарихий воқеа бўлди.

Биринчи галда ўтган асрдан буён халқимиз онгига сингиб кетган “сувнинг эгаси йўқ, сув текин”, деган ақидага барҳам берилди. Аксинча, бутун жаҳонда оби-ҳаёт танқислиги кундан-кунга сезилиб бораётган бир пайтда, Ўзбекистонда “Сув текин эмас!” деган тамойил долзарб шиорга айланди. Ваҳоланки, қадимдан сувга ҳурмат, эътибор қадрият саналиб келган. Эндиликда исрофгарчиликка барҳам берилиб, оби-ҳаётга бўлган муносабат мутлақо ўзгаради.

Иккинчидан, сарфланаётган ҳар бир томчи сувнинг аниқ ҳисоб-китобини олиб бориш тизими яратилди. Тириклик манбаини иқтисод қилиш, унинг исроф бўлишини олдини олиш масаласи юқори поғонага кўтарилди. Сув ҳисобини юритмаган истеъмолчи 2 барабар кўп солиқ тўлаши белгиланди.

Ва ниҳоят, элу-юртни оби-ҳаёт билан беминнат таъминлаб келаётган минглаб сувчи-миробларнинг ҳам заҳматли меҳнати қадр топадиган бўлди. Жойларда “Сув етказиб бериш хизмати” ДМлари ташкил топди. Ушбу тузилмаларни иқтисодий, моддий ва маънавий қўлаб-қувватлаш мезонлари белгиланди. Қарорда қайд этилган битта - сув солиғининг 40 фоизи сувчиларга берилиши ҳақидаги кўрсатманинг ўзи муҳим аҳамият касб этади.

Сўзларимни ўз жамоамиз мисолида давом эттираман. Ўтган даврда ходимларимиз сони атиги 25 нафарни ташкил этарди, бугун 52 нафарга етди. Ойилар ўртача 1 ярим миллион сўмдан 3 ярим миллион сўмга кўтарилди, янги йилдан бошлаб яна ошиши кутилмоқда.

Ходимларимизнинг ишга бўлган муносабати, масъулияти ва қизиқиши ошди. Тизимдан чиқиб кетган тажрибали мутахассислар яна ишга қайтиб кела бошлади. Ёшларнинг соҳамизга бўлган қизиқиши ортмоқда, шу йилнинг ўзига 6 нафар олий маълумотли ёшлар сафимизга қўшилди.

Туманимизда ўтган йили 3 минг 64 истеъмолчига

226 миллион метр куб сув етказиб берилган эди. Жорий йилнинг ортада қолган даврида эса, салкам 4 минг нафари истеъмолчи 250 миллион куб метр сув билан таъминланди. Бу олдинги йилларда ҳисоби бўлмаган ёки текинга берилган миллионлаб куб сувнинг ҳисоби жой-жойига қўйилди, деганидир.

Тасарруфимиздаги “ДМ-2” каналининг 7,2, ички ариқларнинг 175 километрини бетонлашга эришдик. Натижада 25 миллион куб метр сув иқтисод қилинди. Шу сув билан 3,5 минг гектар майдондаги экинлар суғорилиб, қўшимча 70 минг тонна ҳосил олинди.



Жорий йилда туман бўйича солиққа тортилган сув солиғининг 10 фоизи ҳисобимизга ўтказиб берилди. Ўз маблағимиз борлиги боис янги режалар, гоялар, лойиҳалар туғилмоқда.

Масалан, вилоятимиздаги цемент заводидан 200 тонна цемент сотиб олиб, сув йўлларини бетонлашга сарфляпмиз. Кўп вақтлардан буён таъмирталаб бўлган 40 тадан ортқ гидротехник иншоотларимизни қайта тиклаш, ёрдамчи ҳўжалигимизни кенгайтириш, ишчи-ходимларни рағбатлантириш имконияти юзага келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, биз сувчилар учун чинакам тер тўкиб ишлайдиган, унумли ва баракали кунлар келди десак, муболаға бўлмайди.

Мирод



Сувдайин серобликни ким ҳам қилмагай ҳавас,
Чинордай умр кўриш орзуси ҳар дилда бор.
Ўтаётган кунларнинг ҳаммаси бирдай эмас,
Ҳавасу ҳасад ахир билсанг ҳар бир йўлда бор.

Олдидан оққан сувнинг қадрин билмаслар қанча,
Борлигидан ҳар юрак қолса кошки гупуриб.
Ҳар ким ҳам яшаб ўтар ўз умрини билганча,
Кимдир авайлаб сувни, кимдир эса тупуриб...

Муроду мақсадига ҳар инсон бир кун етар,
Машаққату заҳматни енгиб ўтса басма-бас.
Ёруғ орзулар уни нурли тонгда уйғотар,
Ҳаракатда ва шаштда оқар сувдек айнимас.

Кенгликларга малҳамдек етказди ҳиммати,
Миробликда сахийлик, жуда катта ҳикмат бор.
Ҳар томчиси оламнинг бебаҳо дур, зийнати,
Уни авайлаб-асраб, хор этмайди то зинҳор.

Қақшаб ётган қай ерлар интиқу интизордир,
Тарам-тарам ёрилган қўкси узра дард доғи.
Лаблари ташналикдан бир қултум сувга зордир,
Қоронғи бўлиб дунё, ёнмас гўё чироғи.

Бу азобу хорликдан чекиб ётар азият,
Мосуво этиб дарддан кимдир бўлар халоскор.
Фақатгина оламда бунга қодир табиат,
Ва унга фидойижон сувни севган мироб бор.

Унинг қадами етган ҳар қарич ер яшнагай,
Чаманзору боғларга айлангуси кундан-кун.
Дала-дашт пешонаси ажсинларни кўрмагай,
Обу ҳаёт етаклаб қалбдан бахш этар бутун.

У шундайин покдомон, зилолу шаффоф эрур,
Она юртга садоқат, меҳр бериб тўймайди.
Эзгуликни ҳар недан доимо устун кўрур,
Фақатгина ҳеч кимнинг тагига сув қўймайди...

Ўткинчи бу дунёда яхшиликлар яшасин,
Оқар дарё оққандек тўхтамай этсин давом.
Юракларнинг мавжлари эзгуликлар тўшасин,
Боғу бўстон оралаб бағишлаб юрсин илҳом.

Ҳасад отин қамчилаб юрганлар тор-мор бўлсин,
Ҳавас билан боққаннинг сўнмасин чироқлари.
Жон юртимнинг ул сахий мироблари бор бўлсин,
Қуримасин ҳеч қачон меҳру ишқ булоқлари...

Ўткир РАҲМАТ



ФАОЛ МАЪНАВИЯТЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Жорий йил май ойида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши билан ҳамкорликда вазирлик тизимида “Маънавий-маърифий ишлар намунали йўлга қўйилган ташкилот” танлови эълон қилинган эди.

Танловни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом асосида тизимдаги **7 та** олий таълим муассасасининг **206 нафар** профессор-ўқитувчисидан иборат Ишчи гуруҳлари томонидан вазирлик қўйи бўғинларидаги **769 та** ташкилот ва муассаса фаолияти ўрганилди. Баҳолаш яқунларини умумлаштириш ҳамда таҳлил қилиш махсус яратилган tanlov.agro.uz платформа дастури орқали амалга оширилди.

Мазкур танлов яқунларини эълон қилиш, совриндорлар ва номинантларни тақдирлаш мақсадида жорий йилнинг 29 ноябрь куни Тошкент давлат аграр университети мажлислар залида видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Марказий студияда қишлоқ хўжалиги вазири маслаҳатчиси Э.Абдуалимов, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда фаолият юритаётган вазирликнинг тизим ташкилотлари раҳбар ва масъул ходимлари, касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари раислари Республика Маънавият ва маърифат марказининг масъул ходимлари С.Хидиров, ҳамда Ж.Болтаев, Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Э.Байниязов иштирок этди.



Танлов якунларига кўра:

Биринчи ўринга

Уруғчиликни ривожлантириш маркази муносиб топилиб, унга танлов ташкилотчиларининг биринчи даражали дипломи, вазирликнинг компьютер (моноблок), ноутбук, принтердан иборат соврини, Республика Маънавият ва маърифат марказидан китоблар тўплами, Агросаноат мажмуаси ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши томонидан санаторияга 3 та йўлланма;

Иккинчи ўринга

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази муносиб топилиб, унга танлов ташкилотчиларининг иккинчи даражали дипломи, вазирликнинг компьютер (моноблок), ноутбукдан иборат соврини, Республика Маънавият ва маърифат марказидан китоблар тўплами, Агросаноат мажмуаси ходимлари касабаси уюшмаси Республика Кенгашидан санаторияга 2 та йўлланма;

Учинчи ўринга

“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти муносиб топилиб, унга танлов ташкилотчиларининг учинчи даражали дипломи, вазирликнинг компьютер (моноблок)дан иборат соврини, Республика Маънавият ва маърифат марказидан китоблар тўплами, Агросаноат мажмуаси ходимлари касабаси уюшмаси Республика Кенгашидан санаторияга 1 та йўлланма лойиҳа кўрилди.

Шунингдек, “Маънавий-маърифий ишлар тизимли йўлга қўйилган ташкилот” 4 та номинацияси бўйича Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази, Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича давлат илмий маркази, Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази;

“Маънавий-маърифий ишлар тизимли йўлга қўйилган ҳудудий ташкилот” 4 та номинацияси бўйича Жиззах вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Тошкент шаҳар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси, Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси, Сирдарё вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси;

“Маънавий-маърифий ишлар тизимли йўлга қўйилган туман бўлими” 3 та номинацияси бўйича Дўстлик тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими, Сайхунбод тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими, Шароф Рашидов тумани Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими;

“Маънавий-маърифий ишлар тизимли йўлга қўйилган илмий-тадқиқот муассасаси” 3 та номинацияси бўйича Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, Ветеринария илмий-тадқиқот институти, Қорақўлчилик ва чўл

экологияси илмий-тадқиқот институтиларининг ҳар бирига танлов, ташкилотчиларининг дипломи, вазирликнинг ноутбук соврини, Республика Маънавият ва маърифат марказидан китоблар тўплами, Агросаноат мажмуаси ходимлари касабаси уюшмаси Республика Кенгашидан санаторияга 1 та йўлланма билан моддий ва маънавий рағбатлантирилди.



Шу билан бирга, қуйи ташкилотларни ўрганиш ва баҳолаш жараёнларида фаол иштирок этган олий таълим муассасаларининг **24 нафар** профессор-ўқитувчиси ҳамда ушбу жараёнларни рақамлаштириш ишларида қатнашган Тошкент давлат аграр университетининг **3 нафар** дастурчи мутахассиси ҳам танлов ташкилотчилари ташаккурномалари билан тақдирланди.

Улғубек МАМАЖОНОВ,
ўз мухбиримиз.

Глобал миқёсдаги иқлим ўзгариши жаҳондаги барча давлатлар олдига нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлигига унинг салбий таъсирини юмшатиш, соҳага илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни жадал жорий қилишни талаб этмоқда.

“ИСТИҚБОЛ УМИДЛАРИ” ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ГЕРМАНИЯДА

Ушбу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ходимлар таркибида касбий компетентлиги юқори салоҳиятли ва истиқболли ёш ходимларнинг салмоғини кўпайтириш, уларнинг билим ҳамда малакаларини илғор хорижий тажриба ва технологиялар асосида мустаҳкамлаш борасида тизимли чоралар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2023 йил ноябрь-декабрь ойларида вазирлик тизимидаги ташкилотлар, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият юритувчи ёш ходимлар ўртасида “Истиқбол умидлари” танлови ўтказилди. Унда мутлақ ғолибликни қўлга киритган “Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази” ДУКнинг “Замин” жамоаси вакиллари мукофот тарзида


Германия давлатида ўз фаолияти бўйича илғор тажриба ва технологияларни ўрганиш мақсадида хизмат сафарига йўлланма сертификати билан тақдирланган эди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Маънавият ва маърифат Кенгаши ташаббуси билан Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази томонидан Жаҳон банки билан ҳамкорликда ғолиб жамоа учун жорий йилнинг 19-30 октябрь кунлари Ганновер шаҳридаги Лейбниц университетида “Тупроқ лабораторияси билимлари” номли малака ошириш курслари ташкил қилинди.

Мазкур халқаро тренинг жараёнида Германиянинг Лейбниц Университети Ганновер тупроқшунослик институти, Федерал Геология фанлари ва табиий ресурслар институти, Иқлим-ақлли қишлоқ хўжалиги Тюнен институти, Юлий Кухн институтининг Ўсимлик ва тупроқшунослик институтига тупроқни муҳофаза қилиш, унинг унумдорлигини ошириш, деградация жараёнларини нейтраллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишилди.

Шунингдек, Германиядаги йирик ердан фойдаланувчилар ва фермер хўжаликлари экин ер майдонлари ва яйловларида ўқув дала амалиётлари ташкил этилди.

Ушбу халқаро малака курсининг асосий мақсади: Германия давлатида тупроқлар ҳолатини лаборатория шароитида таҳлил қилишда замонавий усуллардан фойдаланиш, тупроқни мониторинг қилиш ҳамда соҳани рақамлаштириш, масофадан зондлаш бўйича орттирилган тажрибаларни ўрганишдан иборат бўлди.



Ушбу малака ошириш курсларини ташкил этишда Германияда фаолият юритаётган яна 5 та муассасалар иштирок этди.

Германия илмий-тадқиқот институтларидаги маърузалар, лаборатория машғулоти, интерактив семинар ва дала кўргазмалари намоишлар савол-жавоблар шаклида ташкил қилинди.

Ўқув-амалий тренинг жараёнларида:

- Германия давлати маҳсулдор қишлоқ хўжалиги ривожланиши турли босқичлардан ўтиб, бугунги кунда чуқур илмий-амалий, инновацион ва технологик билимларга асосланганлиги;

- тупроқлар унумдорлигини ошириш ва бошқариш бўйича катта тажрибага эга бўлиб, бу соҳада катта ишлар олиб борилганлиги;

- мамлакатда тупроқшунослик соҳасини рақамлаштириш ва уларни амалиётда қўллаш бўйича салмоқли ютуқларга эришилганлиги;

- қишлоқ хўжалигининг барқорорлигини оширишда атроф-муҳитга зарар келтирмайдиган, экологик соф технологиялар ва ёндашувларни қўллаш муҳим аҳамиятга эгаллиги;

- илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа тупроқ лабораториялари замонавий ускуналар билан жиҳозланиб халқаро тан олинган стандартлар, жумладан, ISO стандартлари асосида иш юритилаётганлиги;

- қишлоқ хўжалигида органик ва биодехончилик тизимлари, экинларни алмашлаб экиш, тежамкор технологияларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга ва илғор агротехнологияларни қўллаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилаётганлиги;

- ер, тупроқшунослик соҳаларидаги Германия тажрибасини Ўзбекистон шароитига мослаш ва тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди.

Ўқув-амалий малака ошириш давомида ўзлаштирилган билим ва тажрибаларга мувофиқ:

1) Германия давлати қишлоқ хўжалиги соҳасида, айниқса тупроқ унумдорлигини тиклаш, яйловларни қайта тиклаш, самарадорлигини ошириш, деградация жараёнларига қарши курашиш бўйича амалий малака оширишларни мунтазам ташкил этиш;


2) Европа Иттифоқи, жумладан, Германияда

ер муносабатларини тартибга солиш, “cover crop” (яъни, барча ердан фойдаланувчилар қишқи мавсум учун ер юзасини яшил қоплама билан қоплаши мажбурияти жорий қилинган) дастурини ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш ва мамлакатимизнинг мос ҳудудлари учун татбиқ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

3) тупроқ таҳлилларини ўтказишга замонавий усулларни жорий этиш, халқаро стандартлар даражасига мослаштириш (Германия лабораторияларида тупроқдаги саратон хужайраларини аниқлаш, уларнинг 3D модели асосида ўрганиш йўлга қўйилган);

4) тупроқдаги ва атмосферадаги CO₂ миқдорини аниқлаш бўйича ускуналар харид қилган ҳолда тадқиқотлар ўтказиш, ҳисоблаш услубиётларини ишлаб чиқиш, пилот участкаларда амалий лойиҳаларни амалга ошириш. Ушбу орқали халқаро карбонат савдосини ташкил қилишда қишлоқ хўжалигининг аҳамиятидан келиб чиқиб, ердан фойдаланувчиларнинг реал даромадларини ошириш, атмосфера ҳавосини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш пойдевори яратилади;

5) тоғ-кон саноатидан бўшаган карьерларда рекултивация ишларини ташкил қилиб, ерларни қишлоқ ва ўрмон хўжалиги фойдаланишига киритиш бўйича Германия тажрибасини чуқур ўрганиш ва ҳамкорликда пилот лойиҳаларни шакллантириб, халқаро молия институтлари кўмагида амалга ошириш чораларини кўриш бўйича таклифлар вазирлик раҳбариятига тақдим этилди.



Мазкур хорижий хизмат сафари давомида ёш ходимларимиз дастурда белгиланган тадбирлар билан бир қаторда Германия тарихи, табиати, санъати меъморчилиги, немис халқи турмуш маданияти билан ҳам танишиб, катта тассуротларга эга бўлишди.

Саъдулла ЗАЙНАБУДИНОВ,

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ерлар деградациясига қарши курашиш ва маълумотларни таҳлил қилиш бўлими бошлиғи.



Равшанбек СИДДИҚОВ,
Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот
институтининг директори, қ.х.ф.д., профессор,
Россия ва Турон ФА академиги.

Президентимиз Ш.Мирзиёев қайд этгандек қишлоқ хўжалик экинларининг инновацион, ресурстежамкор янги навларини яратиш, улардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда мамлакатимизнинг ҳар бир тупроқ-иқлим шароитига мос парваришlash агротехникаси ҳамда уруғчиликнинг замонавий агротехнологияларини илмий асосида тўғри йўлга қўйиш соҳа олимлари олдида долзарб вазифалар қўймоқда.

Бу борада бошоқли дон, дуккакли, мойли ва озуқа экинларининг серҳосил, иссиқлик тушгунга қадар пишиб етиладиган, ўта эртапишар, касалликларга, шўрга, қурғоқчиликка, иссиқликка ва ётиб қолишга чидамли, дон сифати юқори бўлган янги навларни яратиш ва уларни етиштиришни инновацион, ресурстежамкор агротехникасини ишлаб чиқиш ҳамда бирламчи уруғчилик тизимини илмий асосида ташкил этиш, ерлардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлини сақлаш ва ошириш бўйича Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Институтимизнинг селекционер олимлар томонидан республикаимизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларига мос бўлган кузги буғдойнинг маҳаллий янги навлар яратилиб, турли минтақа шароитида синаш учун 60 дан ортиқ навлар Давлат комиссиясига топширилди. Бугунги кунда бу янги кузги буғдой навлари Республикаимизда экилаётган маҳаллий навлар салмоғи 40-45 фоизни ташкил этмоқда. Ушбу навларнинг ҳосилдорлик имконият гектаридан 80-100 центнердан ортиқни ташкил этади.

Кейинги 2-3 йил ичида институтда кузги юмшоқ буғдойнинг “Азиз”, “Қадр”, “Навбахор”, “Нодир”, АСР Чилгиси, Водий Чилгиси ва бошқа эртапишар, ҳосилдорлик имконияти 100-110 центнерни ташкил этадиган, донининг сифати I-II синфга жавоб берадиган, табиатнинг стресс омилларига чидамли бўлган янги навлар яратилди ва уларнинг кўпчилиги экиш учун Давлат реестрига киритилади.

Зеро Республикаимиз ғаллакор фермер хўжаликларининг маҳаллий навларга бўлган талаби йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Бундан ташқари, иссиқлик тушгунга қадар тўла пишиб етиладиган, ўтаэртпишар навлар яратиш борасида ҳам кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилиб, хорижий ҳамкасблар билан ҳамкорликда “Ультра”, маҳаллий шароитда АСР Чилгиси навлари ҳам яратилди.

Эътиборли жиҳати ўтатезпишар кузги юмшоқ буғдой навларининг афзаллиги эртапишар навларга нисбатан ўсув даври 15-20 кунга қисқариб, иссиқлик тушгунга қадар тўлиқ пишиб етилади. Навларнинг тезпишарлиги ҳисобига гектарига 750-800 м³ сув иқтисод қилинади. Глобал иқлим ўзгаришлар шароитида иссиқлик тушгунга қадар пишиб етилиши ҳисобига 15-20 центнер дон ҳосили ортиб, доннинг сифат кўрсаткичлари 10-15 фоизга яхшиланади. Кузги бошоқли экинлардан сўнг такрорий экин сифатида экилган дуккакли, мойли ва озуқа экинлар тўлиқ пишиб етиш ҳисобига уларнинг ҳосилдорлиги 20-25% ортиб, бир майдондан бир йилда 2-3 мартаба ҳосил олиш (кузги буғдой, такрорий дуккакли, мойли, озуқа экинлари) имконияти яратилади.

Президентимиз ташабуси билан мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида асосий майдонларда соя экилиши йилдан йилга ортиб бормоқда.

Институтимизда бир неча йиллик илмий изланишлар натижасида соянинг “Барака”, “Устоз ММ-60”, “Ойжамол”, “Тўмарис Ман-60”, “Олтинтож”, “Ҳосилдор”, “Гавҳар”, “Замин”, “Олмос” каби навлари яратилиб, давлат реестрига киритилган. Шунингдек, соянинг “Олтин водий”, “Водий жилоси”, “Зафар” навлари қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказига топширилган.



Хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик доирасида соянинг 40 дан ортиқ нав ва линиялари олиб келиниб, мамлакатимиз тупроқ-иқлим шароитларига мослашувчанлиги ўрганилиб, етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий тадқиқотлар натижасида соянинг хорижий ўта эртапишар, паст бўйли навлари эса маҳаллий шароитларда 95-105 кунда пишиб етилди. Улардан ўртача 2,0-2,5 т/га миқдоридан дон ҳосили олишга эришилди. Бу навларни деҳқонлар кузги ғалла экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида ҳам экишлари мумкин.

Кунгабоқар ўсимлиги озиқ-овқат мойининг сифати жиҳатидан бошқа мойли экинлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. Шу сабабли, дунёда кўплаб ривожланган мамлакатларда экин майдони ва ундан олинадиган ҳосил миқдорининг ортиб бораёпти.

Мамлакатимизда кунгабоқар ўсимлигининг мой олиш учун экиладиган навларини асосий экин сифатида экилганда ҳосилдорлиги юқори бўлмайди. Кунгабоқар ўсимлиги навларини такрорий экин сифатида ғалладан бўшаган майдонларда экиб, етиштирилганда юқори ҳосилдорликка эришилади.

Шу боис институтда хорижийдан интродукция қилинган кунгабоқар ўсимлигининг бир қанча янги истиқболли нав ва дурагайлари Республикаимиз тупроқ-иқлим шароитида ғалладан бўшаган майдонларга экиб, экологик нав синовлари натижасида гектаридан ўртача 2,0-2,5 тонна дон ҳосили олишга эришилди.

Шунингдек, институтимизда дуккакли дон экинлар селекцияси соҳасида ҳам кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, нўхатнинг “Полвон”, “Зумрад”, “Маржон”, кўк нўхатнинг

Осиё-2001, ясмиқнинг “Дармон”, “Сарбон”, “Садаф”, бурчоқнинг “Ғурур” каби навлари яратилиб, Республикаимиз ҳудудларида экиш учун Давлат реестрига киритилган.

Озуқа экинлардан тритикале ўсимлигининг “Армуғон 60” нави республикаимизнинг суғориладиган шароитларида кузги муддатларда дон учун кенг майдонларга жорий этилди ва бошланғич уруғчилик тизими илмий асосда ташкил этилган.

Шунингдек, олимларимиз томонидан янги серҳосил, ташқи стресс омилларга бардошли тритикаленинг Ўзбекистон-32, “Нихол”, оқ жўхорининг “Маржон”, “Юксалиш” навлари яратилиб Давлат нав синаш марказига топширилди.

Маккажўхорининг “Қумқишлоқ” навига гувоҳнома, оқ жўхорининг “Массино” навига Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинди. Республикаимизнинг барча ҳудудлари бўйича дон ҳамда кўк масса етиштириш учун тавсия қилинди ва бошланғич уруғчилик тизими илмий асосда ташкил этилиб, юқори наводор уруғликлар тайёрланмоқда.



Институтимизда хорижий давлатларнинг илмий муассасалари билан меморандумлар тузилиб, ҳамкорлик доирасида кенг қамровли илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилмоқда. Масалан, Россия Федерациясидан 10 дан ортиқ, кузги юмшоқ буғдой ҳамда 5 дан ортиқ баҳорги буғдой навлари, 30 дан ортиқ соя навлари, кунгабоқарнинг 10 дан ортиқ нав ва дурагайлари, Туркиядан 65 та, Венгриядан кузги буғдойнинг 2 та, маккажўхорининг 10 та навлари, шунингдек, ноанъанавий экинлардан рапс, горчица ва мойли зиғирнинг бир нечта навлари олиб келиниб, республикаимизнинг тупроқ-иқлим шароитига мослашувчанлиги, юқори ҳосил етиштириш агротехнологиялари, янги навлар яратиш бўйича кенг миқёсида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ғаллачиликда биотехнология, генетик илгор усуллар орқали янги нав ва дурагайлар олиш изчил йўлга қўйилмоқда.

Давлатимиз раҳбари тамонидан илм-фанга, жумладан қишлоқ хўжалиги илмига яратиб берилган шароитлар, аграр соҳа олимларининг янада кенг қўламли изланишларига рағбатлантирмоқда. Бугунги қишлоқ хўжалиги олдинги кунгидан бутунлай янги кўринишга келди. Бу эса барча соҳаларда инновация йўналишга ўтиш йўллари янада раво экиб, ватанимиз равақига хизмат қилмоқда.



Суратда: Жомбой Давлат
ўрмон хўжалиги ходимлари

Инсон 24 соат ичида 7200 дан 8600 гача бўлган дақиқада ҳаводан 5-6 литр нафас олади ва чиқаради. Бу жараён орқали биз кислородни қабул қиламиз ва карбонат ангидридни чиқарамиз. Тадқиқотларга кўра бир кунда бир кишининг кислородга бўлган эҳтиёжини қондириш учун 22 та дарахт керак. Ўрмонларнинг кесилиши натижасида биз қисқа ёки узоқ муддатли хавф-хатарларга дучор бўлишимиз, агар инсоният чора кўрмаса ер сайёрамиз ўпкасиз қолиши мумкин.

Шу мақсадда бугунги кунда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, юзага келаётган экологик муаммоларнинг олдини олиш мақсадида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси тадбирлари доирасида кенг кўламдаги кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда ва ушбу ташаббуслардан кўзланган асосий мақсад инсон саломатлигини муҳофаза қилишдир.

ЯШИЛ МАКОНЛАР — ЭКОЛОГИК СОФЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Бу борада ўрмон хўжаликлари ҳам ҳудудлардаги яшил майдонларни кўпайтириш, шу орқали сизу биз нафас олаётган ҳавонинг тозаллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Самарқанд вилоятидаги ўрмон хўжаликларида, жумладан Жомбой Давлат ўрмон хўжалигида ҳам ана шундай кислородга бой ўрмон дов-дарахтларини кўпайтириш, мевали-манзарали кўчатлар ҳамда дориворлик хусусиятига эга ноёб ўсимлик турларини етиштириш борасидаги самарали ишлар амалга оширилмоқда.

“

— Давлатимиз томонидан ўрмонзорларни барпо этишга асосий эътибор қаратилаётганлиги туфайли йилдан-йилга яшил ўрмонзорлар майдони ортиб бормоқда. Бугунги кунда ўрмон хўжалигимиз умумий ер майдони 1 минг 92 гектарни ташкил этади. Хўжалигимиз қошида учта кўчатхона мавжуд бўлиб, уларда йилига 1 миллионга яқин мевали, манзарали ва саноат учун терак кўчатлари етиштирилади. Айни вақтда бор эътиборимизни “яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида туманимиздаги маҳаллалар, ўқув муассасаларига манзарали кўчатлар етказиб беришга қаратганмиз. — дейди Жомбой Давлат ўрмон хўжалиги бош ўрмонбеги Орзўқул Мажидов.

”



Сурагда: чапдан Оқдарё Давлат ўрмон хўжалиги директори Ж. Ўмиров, ўрмон устаси Б. Шарипов билан

Шунингдек вилоятдаги Оқдарё Давлат ўрмон хўжалиги ходимлари ҳам бугунги энг долзарб вазифа, “яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида тумандаги мавжуд 35 та маҳалла фуқаролар йиғинларига ва мактабгача таълим ташкилотларига 2 мингдан ортиқ мева ва манзарали кўчатлар етказиб берган.



— Оқдарё Давлат ўрмон хўжалигининг умумий ер майдони 812 гектарни ташкил этади. Шулардан: маъданий ўрмонзорлар: 268 гектар бўлиб, унда қирим қарағай, элдор қарағай, ясин, ёнғоқ, мажжевелник, геледечия, павлония каби ўсимликлар парваришланмоқда. Хўжалигимизнинг 13 гектар ер майдонида эса доривор дарахт ва ўсимликлар мавжуд бўлиб, уларда шафран, наматак, топинамбур, арпабодиён каби шифобахш ўсимликлар етиштирилмоқда, дейди Оқдарё Давлат ўрмон хўжалиги ўрмон устаси Бобур Шарипов.



Албатта, ҳудудларда амалга оширилаётган бу каби ҳайрли ташуубуслардан кўзланган асосий мақад битта: минтақада яшил маконларни яратиш ва шу орқали экология муҳитини яхшилашга эришишдир. Хулоса қилиб айтганда ўрмон хўжаликлари ўлкамизни боғу бўстонга айлантириш баробарида, унинг иқтисодини ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутиб келаётган яшил ҳудудлардан биридир.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.



#Статистика

ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАЖМИ 324 ТРЛН. СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТГАН

Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра, 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат) ларининг умумий ҳажми 324 трлн сўмни ташкил этган.

Бу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 3,1 % га кўп.

2024 йил январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан етиштирилган маҳсулотлар ҳажми:

-  – Гўшт (тирик вазнда) – 2,1 млн тонна
-  – Сут – 8,9 млн тонна
-  – Тухум – 6,3 млрд дона
-  – Сабзавотлар – 8,6 млн тонна



ЕРЁНҒОҚ ЭКСПОРТИ ҚИЙМАТИ 2,2 БАРОБАРГА ОШГАН

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2024 йилнинг январь-октябрь ойларида Ўзбекистон хорижга қиймати 14,5 млн АҚШ доллариға тенг бўлган 8,3 минг тонна ерёнғоқ экспорт қилган.

Ерёнғоқ экспорти қиймати ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 2,2 баробарга ошган.

Ўзбекистон 2024 йилнинг 10 ойида энг кўп ерёнғоқ экспорт қилган давлатлар:

-  Покистон – 1,6 минг тонна;
-  Озарбайжон – 1,2 минг тонна;
-  Россия – 1,1 минг тонна;
-  Қозоғистон – 861 тонна;
-  Қирғиз Р. – 674 тонна;

ЧИҚИНДИЛАРДАН БИОКЎМИР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

ЭКОЛОГИК МАЖБУРИЯТДАН ФОЙДАЛИ РЕСУРС ТОМОН



БИОКЎМИР НИМА?

Биокўмир (инглизча - biochar) — янги илмий атама бўлиб у ёғоч, органик чиқиндилар ёки ҳар қандай биомассани кислородсиз ёпиқ муҳитда 300-700°C да қиздирилганда ҳосил бўлади. Органик чиқиндиларни ҳавосиз шароитда қиздириш фанда пиролизлаш деб аталади. Биокўмир – бу биомассани пиролиз усулида ишлов бериш орқали олинадиган юқори сингдириш сифимиға эга бўлган, тупроқда жуда секин парчаланадиган, ўзида озиқ моддаларини тутиб ўсимликлар осон ўзлаштирадиган шаклда сақлайдиган, углеродга бой органик модда ҳисобланади. Биомассада мавжуд бўлган углероднинг ярмидан кўпи температура ошганда парчаланиши натижасида пиролизлаш даврида йўқолади. Қолган қисми тупроқда парчаланишга жуда чидамли бўлади.

Органик чиқиндиларни оқилона утилизация қилиш уларни экологик мажбуриятдан фойдали ресурсга айлантириш имкониятини беради. Жаҳон банкининг маълумотиға кўра дунёда тўпланаётган чиқиндиларнинг ўртача 44% и шаҳар яшил ва озиқ-овқат чиқиндилари ҳисобланади. Ушбу чиқиндилар атроф-муҳитни ифлослантиришда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу чиқиндиларни пиролизлаб утилизация қилиш бирданиға атроф-муҳитни чиқиндилар билан ифлосланишининг олдини олиш ва қишлоқ хўжалигини универсал қимматбаҳо органик фитомелиорант-ўғит биокўмир билан таъминлаш имкониятини беради.

БИОКЎМИР ТАРИХИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР

Тупроқ унумдорлигини оширишда биокўмирдан фойдаланиш усули Бразилиянинг Амазон ҳавзасида камида 2500 йил олдин пайдо бўлган деб тахмин қилинади. Ушбу минтақадаги маҳаллий қабилалар органик моддаларни чала куйдириб тупроққа ўғит сифатида қўллаши натижасида тупроқ унумдорлигини оширган. Илмий соҳада тупроқ унумдорлигини ошириш ва атроф-муҳитни яхшилаш учун қўллаш ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб ривожлана бошлади.



БИОКЎМИРНИНГ АТРОФ-МУҲИТ ВА ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Дунёда ажралиб чиқаётган иссиқхона газларининг 24% и атмосферага қишлоқ хўжалиги, ўрмончилиги ва ерлардан фойдаланиш ҳисобига ажралади. Биокўмирни тупроққа қўллаш углеродни тупроққа секвестрация қилиш (“кўмиш”), натижада глобал иссиқхона ва атроф-муҳит муаммоларини потенциал ҳал қилиш усули ҳисобланади. Биокўмир ўғит сифатида қўлланилганда тупроқнинг бир қанча хусусиятларига кучли таъсир кўрсатади. Тупроқнинг кимёвий (катионлар алмашилишини ва pH), физикавий (сув сақлаш, сув ўтказувчанлик) хусусиятларини яхшилайдди. Тупроқ микроорганизмларининг яшаш муҳити ва субстрати сифатида қўлланилган биокўмир тупроқ микробиологик фаоллигини оширади. Биокўмирнинг углерод компоненти тупроқда минерал парчаланишга жуда мустаҳкам бўлиб парчаланиш даври 100-1000 йилларни ташкил қилади. Демак, биокўмир кўпгина органик ўғит ва компостларга нисбатан тупроқда 10-1000 мартагача секин минералланади. Шунинг учун биокўмир тупроққа қўллаш тупроқдаги органик углерод миқдорини оширади ва атмосфера углеродининг потенциал камайишига олиб келади. Биокўмир атроф-муҳитни рационал бошқаришнинг жуда муҳим воситаси сифатида тан олинган. Олимларнинг ҳулосаларига кўра биокўмирни кенг қўллаш иссиқхона газларининг глобал эмиссиясини йилга 3,4 дан 6,3 миллиард тонна CO₂ эквивалентига камайтириши мумкин. Демак бу ҳар йили 0,92-1,72 миллиард тонна углероднинг атмосферага чиқишининг олдини олади. Бу қийматнинг ярми тупроқда углерод сақланишининг ортиши билан боғлиқ. Биокўмир юқори сингдириш сифатига эга бўлганлиги сабабли оғир металллар ва органик токсик моддалар билан зарарланган тупроқлар ва оқова сувларни тозалашда, медицинада, ҳамда фармацевтикада кенг қўлланилади. Қўлланилиш соҳасига қараб хом ашё сифатида турли хил манбалардан фойдаланилади.

БИОКЎМИР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗ ВА ЭНЕРГИЯ БИЛАН ЎЗИНИ ЎЗИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ЖАРАЁН

Биокўмир ишлаб чиқариш ўзини ўзи тўлиқ энергия билан таъминлайдиган, яъни энергиямустақил жараён ҳисобланади. Органик модда ҳавосиз шароитда қиздирилганда кўп миқдорда ёнувчан газлар ажралиб чиқади. Замонавий биокўмир ишлаб чиқарувчи қурилмаларда ушбу газларни тўплаб шу қурилманинг ўзида биокўмир ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Ажралиб чиқаётган газ миқдори биокўмир ишлаб чиқариш учун сарфланадиган энергияни тўлиқ қоплайди. Шунинг учун биокўмир ишлаб чиқариш атроф-муҳит учун хавфсиз жараён ҳисобланади. Фақат қурилмани дастлаб ишга тушириб олиш учун четдан 1 соатгача вақт давомида қўшимча энергия талаб қилинади. Бунда электр токи, табиий газ ёки дизел энергия манбаларининг биридан фойдаланиш мумкин.



Ҳозирда Самарқанд давлат университети Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институтида шаҳар яшил ва саноат органик чиқиндиларидан биокўмир ишлаб чиқариб тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда органик чиқиндиларни пиролизлаб самарали фитомелиорант ишлаб чиқариш чиқиндиларни самарали утилизация қилиш, тупроқ унумдорлиги ва нам сиғимини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, ҳамда саноат ва тижоратда янги йўналишларни очиш имконини беради.

Шоҳназар ҲАЗРАТҚУЛОВ, доцент,
Шаҳбоз ЁҚУБОВ, мустақил тадқиқотчи,
Самарқанд давлат университети.

Мамлакатимизда чорвачилик ривожланиши баробарида, ёндош тармоқларда ҳам янги хўжалик юритувчи субъектлар – чорвачилик хўжаликлари ташкил қилинмоқда, шу билан бирга насли чорвалар сони ошмоқда. Пировард натижада эса гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳажми ортиб бормоқда.

ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ —

ЧОРВАЧИЛИК РИВОЖИДА КАМАРБАСТА

Албатта бу каби ишларда ветеринария хизматининг ўрни катта. Бу борада Нуробод туманида бугунги кунда 60 минга яқин қорамол, 550 мингдан ортиқ майда шохли моллар мавжуд бўлиб, уларга туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими мутахассислари ветеринария хизмати кўрсатиб келмоқда. Туманда қорамол наслини яхшилаш, уларнинг сонини ошириш бўйича, туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимига қарашли 23 та ветеринария шохобчаси ҳамда сунъий уруғлантириш пунктларида ветеринария мутахассислари ва техник оссеминаторлари хизмат кўрсатиб келмоқда.

– Туманимизда эпизоотик тадбирлар режасига кўра, 23 нафар ветеринарлар томонидан тегишли вазифалар ойма-ой бажарилиб келинмоқда. Бугунги яна бир муҳим вазифамиз чорва бош сонини кўпайтириш, мавжуд қорамоллар наслини яхшилаш бўлиб, бу борада ҳам аҳоли ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги сигирларни сунъий уруғлантиришга мўлжалланган барча махсус воситалар билан жиҳозланган участкаларимиз фаолият олиб бормоқда. Мақсадимиз ҳудудда қисқа муддатда чорва наслини яхшилашга эришиш, – дейди туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Юсуф Рўзиев.



Суратда: Нуробод тумани ветеринария бўлими ходимлари



Суратда: (чапдан) Каттакўрғон тумани ветеринария бўлими бошлиғи Ғиёсиддин Муродиллаев, мутахассислар Абдулла Нормуродов ва Васлиддин Эшмуродовлар билан

Шунингдек, Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманида 181 минг бош қорамол, 142 мингдан ортиқ майда шохли моллар мавжуд бўлиб, уларга туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими мутахассислари ветеринария хизмати кўрсатиб келмоқда.

Туманда қорамол наслини яхшилаш, уларнинг сонини ошириш бўйича, мазкур жамоа мутахассислари томонидан йил бошидан буён 26 минг бош қорамоллар сунъий уруғлантирилди. Бундан кўзланган мақсад эса туманда насли қорамоллар сафини оширишдир.

Албатта, бу каби хатти-ҳаракатлар ва шу аснода бажариб келинаётган чора-тадбирлар, туманда чорва наслини яхшилабгина қолмай, гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайишига ва шу билан бирга ҳудуд иқтисодиёти барқарорлигига хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.



Мамлакатимиз илм аҳлини,
халқимизга риск-насиба
улашаётган ғаллакорлар,
деҳқон ва фермерларни

**БАХТИМИЗ ҚОМУСИ
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН ва
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ХОДИМЛАРИ КУНИ**

билан чин дилдан
муборакбод этамиз!
Рисқимиз бутун,
юртимиз тинч,
элимиз омон бўлсин!

**ШОЛИЧИЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ
жамоаси**

ИНТИЛГАННИНГ ИШИ УНУМИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли иқтисодий ислохотлар қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Бунга Навоий вилоятига қилган сафаримиз давомида яна бир бор амин бўлдик.

Ҳа, айтишга осон, деҳқондан машаққатли меҳнат, туну-кун далага ошиқиб яшаш, ўй-хаёлидаги гектарлари унга тинчлик бермайди. Ва ниҳоят топилаётган даромадлар тақсимоотида одиллик қилиш ишчиларни самарали меҳнатга ундайди.



Суратда:
Кармана тумани
“Почқрон”
фермер хўжалиги
раҳбари Салим
Раҳимов ва турмуш
ўртоғи Зулфия
Мустафоева

— Ер ресурсларидан, кимёвий ва маҳаллий ўғитлардан оқилона фойдаланиш, агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш ҳосилга ҳосил қўшади, — дейди Кармана тумани “Почқрон” номли фермер хўжалиги раҳбари Салим ака Раҳимов. — 2003 йилдан буён ер билан, экин билан тиллашиб, мўл ҳосил олиш ниятида ҳаракатдаман. Жорий йилда далаларимиздаги ҳосилдан улкан хирмон яратиб йилни ёруғ юз билан яқунладик. 38,3 гектар ердаги пахта майдонидан 46 центнердан, 30 гектар майдондаги ғалладан 70-80 центнердан ҳосил олдик.

Хўжалик аъзоларини рози қилиш деганда, ҳар бир ишчининг лаёқати ва қилган ишларини баҳолаш, хизматини рағбатлантириш тушунилади, албатта. Туманда тажрибали фермерлардан саналган Салим ака жамоа аъзолари бўладими, улар хонадонларидаги ками-кўстлар бўладими, ҳаммасини эътиборга олиб иш тутати.

Ушбу тумanning Бекназаров Ҳожи Турсунов номли фермер хўжалиги раҳбари Фаррух Турсуновнинг иш фаолиятини ҳам намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

У 42 гектар пахта майдонидан 57 центнердан, 40 гектардаги ғалла майдонидан 80 центнердан ҳосил йиғиб олибди. Биз Фаррух фермернинг ўзини учрата олмадик, лекин иш юритувчиси Шерали Азимов билан батафсил суҳбатлашдик.



— Раҳбаримиз ақл-фаросат билан иш тутати. — дейди Шерали. — Ҳар бир ишни режали қилади. Бирор ходимни хафа қилмайди, “Одамларни рози қилиш, дуосини олиш” унинг шиори. Бағрикенг, ишбилармонлигидан биз — жамоа аъзоларининг ишимиз унумли, даромадимиз қониқарли даражада.

Суратда: (чапдан) Кармана тумани қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Меҳрожиддин Сафоев “Бекназаров Ҳожи Турсунов” фермер хўжалиги аъзолари Элдор Бозоров, Шерали Азимов ва Акмал Арслонов билан



Суратда:
Нурота тумани
“Истиқлол қорақўл
наслчилиқ” МЧЖ
раҳбари Азимжон
Ашуров

“ — Отарларимизда 31000 бош қўй-қўзи мавжуд. Улардан олинаётган қора рангдаги қорақўл териларнинг 90 фоизи биринчи навни ташкил этади. Қорақўл териларини янада сифатли қилиш, миқдорини кўпайтириш, наслчилиқ ишларини яхшилаш мақсадида Қорақолпоғистон Республикасининг “Қизилқум” ширкат хўжалигидан “Ёрик гул” ва “Шамчироқ гул” типидagi сур қўй-қўчқорларни келтириб кўпайтираяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда ушбу жамият раҳбари Азимжон Ашуров. — Олдимизда масъулиятли қишлоқ турибди. Унга ҳам пухта ҳозирлик кўриб қўйганмиз.

Республикаimizдаги барча инсонлар Фаррух каби камтар, қўли очиқ, меҳрибон бўлса, камбағал оилаларни бағри нурга тўлаверади деган ўй кечди кўнглимдан.

Шералининг таъкидлашича, хўжалиқда 70 бош қорамол ҳам рацион асосида парваришланаётган экан. Фермер бу тармоқни янада ривожлантириш ниятида.

Сафаримизни Нурота туманида давом эттирдик. Қир-адирлари, мусаффо ҳавоси одамни ўзига жалб қиладиган муҳитга тушиб қолдик, баҳри дилимиз очилди, ҳайратимизга ҳайрат қўшилди.

Ушбу тумандаги “Истиқлол қорақўл наслчилиқ” масъулияти чекланган жамият фаолияти билан ҳам танишдик. Бу жамоада етмишдан ортиқ отарларда қўй-қўзилар парваришланиб, соғломлаштиришга алоҳида эътибор бериб, тинимсиз излашлар олиб борилмоқда экан.

А.Ашуровнинг таъкидлашича, ушбу жамоа чорвачилиқ йўналишидан ташқари деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб, даромадга даромад қўшмоқда.

Шундай фидоий замондошларимизни борлиги боис дастурхонларимиз янада тўкин-сочин бўлиб бормоқда.

Раъно ТОЖАЛИЕВА,
ўз мухбиримиз.

2025 ЙИЛДА ИККИТА ЯНГИ ИНСТИТУТ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

“Қишлоқ хўжалиги ҳамда ветеринария ва чорвачилиқ соҳалари кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

ҚАРОРГА КЎРА, ҚУЙИДАГИЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ:

- Қишлоқ хўжалиги соҳаси кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти;
- Ветеринария ва чорвачилиқ соҳасида педагог ҳамда мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти;
- Уларда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга қатъий ҳисобда турадиган давлат намунасидаги ҳужжат ҳисобланадиган сертификат берилади.

2025 йил 1 январгача уларга нуфузли хорижий олий таълим ташкилотларини битирган ватандошлар ва чет эллик мутахассислар жалб қилинади.

Шунингдек, “Эл-юрт умиди” жамғармаси институтларнинг маҳаллий профессор-ўқитувчиларини жамғарма маблағлари ҳисобидан хорижий етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига малака ошириш, стажировка ва ўқишга юбориш чораларини кўради.



ИМТИЁЗЛАР — ТАРАҚҚИЁТГА ЗАМИН

Суратда: Нарпай туманидаги
"Агроленд" фермер
хўжалигида иш жараёни

Бугун мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизнинг энг марказий ўринларидан бўлиб, ушбу соҳада аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича стратегик жиҳатдан муҳим чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу йўналишда Самарқанд вилоятида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан мунтазам ошириб бориш ва озиқ-овқат таъминоти барқарорлигини таъминлашга асосланган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, аграр соҳанинг муҳим тармоғи, чорвачилик ва унинг тармоқлари ҳисобланади. Уни ривожлантириш орқали асосий озиқ-овқат товарлари гўшт, тухум, сут, асал, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш имкони ошади. Нархлар барқарорлиги таъминланади.

– Вилоятимизда жорий йилда барча тоифадаги хўжаликларда гўшт етиштириш 151 минг тоннани ташкил этиб, ўтган 2023 йилга нисбатан 103,8 фоизга, сут ишлаб чиқариш 690 минг тоннани ташкил этиб, 102,5 фоизга, 525,9 млн донани тухум ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 106,1 фоизга ошди. 2024 йил якунига қадар эса чорвачиликни ривожлантириш бўйича яна 82 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилиб, 123 та янги иш ўринлари яратилиши кутилмоқда, — дейди вилоят Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Одилхон Бақоев.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлида янги хўжалик юритувчи субъектлар, яъни янгидан-янги лойиҳаларни ишга туширишни тақозо этади. Нарпай туманидаги "Агроленд" фермер хўжалиги 2019 йилда ана шу мақсадда ташкил этилган бўлиб, хўжалиқда гўшт, сутчилик тармоғини ривожлантириш орқали халқимиз дастурхонини парҳез маҳсулотлар билан янада тўлдиришда муҳим омил бўлаётир.

– Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, тақдим этилаётган имтиёзлар биз каби тадбиркорларга катта имкон яратиб берди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Шерали Сувонов. — Хўжалигимизда айни дамда 90 бош қорамол парваришланмоқда. Келгусида яна хориждан насли қорамоллар олиб келишни кўзлаб турибмиз.

Бу каби яратилаётган имкониятлар соҳа ривожига омил бўлиш баробарида, фермерларга ишонч ва шижоат бағишламоқда. Булунғур туманида лойиҳалар асосида ҳориждан насли чорва келтирилиши, кўпайтирилиши ҳудудда чорва наслини яхшилабгина қолмай, гушт ва сут маҳсулотларини кўпайишига ҳам ҳизмат қилмоқда.



Сураатда: Булунғур тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ходими Жамшид Ҳасанбоев, фермер Урозқул Турдибеков билан

“

– Кейинги йилларда чиқарилаётган янги қарорлар, берилаётган имтиёзлар бизга харажатларимизни иқтисод қилишга ва қушимча янги иш ўринлари ташкил этишимизга имкон беради. Чорвачилик хўжаликларига бериладиган субсидиялар бизга равнақ топишимиздаги каттадан-катта шароитлар яратмоқда, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Урозқул Турдибеков.

Тумандаги “Бахтиёр Файзуллаев” фермер хўжалигида ҳам айна дамда 54 бош насли қорамол парваришланмоқда.


Албатта, аграр соҳанинг етакчи тармоқларини истиқболи учун амалга оширилаётган бу каби чора-тадбирлар, саъй-ҳаракатлар пировардида бозорларда чорва маҳсулотлари сут, гўшт, ёғ сероблигини ва арзонлигини таъминлаб, аҳоли дастурхонига фойз-барака киритиш билан бирга иқтисодиётимизнинг янада юксалишига хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

Мамлакатимиздаги мавжуд паррандалар сони қанча?

Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига асосан, 2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, республика бўйича барча тоифадаги хўжаликларда паррандаларнинг умумий сони **102** млн бошга етган.

Йиллар кесимида мавжуд паррандалар сони,
(1 октябрь ҳолатига, минг бош):





Mercedes-Benz Uzbekistonda

«SARDOR AVTO INVEST» DM
Toshkentdagi rasmiy diler | Tel.: 78 150 13 60



www.mercedes-tashkent.uz



CHANGAN LABO PUL TOPAR MASHINALAR

**LIZING
KREDIT**



"SARDOR AVTO INVEST" TOSHKENTDAGI RASMIY DILER

(78) 148 09 11, (90) 174 09 11

www.sardor-avto.uz

WISSEL ET PARTNERSHIP

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА ТАКРОРИЙ ЭКИНДА МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАРИҚ НАВ НАМУНАЛАРИНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИНИ ЎРГАНИШ

Аннотация. Илмий мақолада Қорақалпоғистоннинг ўртача шўрланган тупроқлари шароитида тарикнинг хорижидан келтирилган 24 та нав намуналари ва 1 та маҳаллий Саратовское 853 нави такрорий экин сифатида ўсиши, ривожланиши ўрганилиб, натижаларга кўра, ўрганилган нав намуналари орасида маҳаллий Саратовское 853 (st) нави ва хорижий Songin 1 нав намуналаридан энг юқори 25,7-29,1 ц/га дон ҳосили етиштирилганлиги келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: ўртача шўрланган, тарик, нав намуналари, такрорий экин, дала унувчанлиги, ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили.

Аннотация. В научной статье изучен рост и развитие 24 сортообразцов проса, привезенных из-за границы, и одного местного сорта Саратовское 853 как повторная культура в условиях умеренно засоленных почв Каракалпакстана, и отмечена наибольшая продуктивность зерна у сортов Саратовское 853 (st) и привезенного Songin 1 - 25,7-29,1 ц/га.

Ключевые слова: среднесоленность, просо, сортообразцы, повторная культура, полевая всхожесть, рост, развитие, урожайность зерна.

Abstract. The scientific article examines the growth and development of 24 foreign millet varieties and 1 local variety, Saratovskoye 853, as a second crop in the moderately saline soils of Karakalpakstan. The results show that among the studied varieties, the local Saratovskoye 853 (st) variety and the foreign Songin 1 variety produced the highest grain yields, ranging from 25.7 to 29.1 quintals per hectare.

Keywords: moderately saline, millet, variety samples, second crop, field germination, growth, development, grain yield.

Кириш. Қорақалпоғистон Республикаси мамлакатимизнинг шимоли-ғарбий қисмида, Амударёнинг қуйи қисми, Орол денгизининг жанубий соҳилида жойлашган. Республика жануби-ғарб томондан Қорақум саҳросига туташган. Унинг шимоли-ғарбида Устюрт пасттекислиги, шимоли-шарқий томонида эса Қизилқум саҳроси ястаниб ётибди. Орол денгизининг жанубий ҳудуди Қорақалпоқ заминиди жойлашган бўлиб, майдони 166,6 минг км² ни ташкил этиб, ҳудудининг катталиги жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ўртасида биринчи ўринда туради [2]. Иқлим шароитига кўра, шимолдан жанубга йўналган совуқ шамоллардан ҳимоя қилувчи тўсиқларнинг бўлмаслиги, бу ерларда ёзнинг доимий ҳолатда қуруқ, иссиқ, киши эса етарли даражада совуқ ва ҳаво ҳарорати бирданига ўзгарувчан (континенталь) бўлишига олиб келади. Тупроқлари турли даражада шўрланган, мелиоратив ҳолати ноқулай, ёзда жуда иссиқ (июль ойида кузатилиб, ўртача +44,5° С), қишда жуда совуқ (январь ойида 27° С) бўлиши, йил давомида ёғин миқдори жуда кам (85-120 мм) бўлиши деҳқончилик юришида бир қатор қийинчиликларни туғдиради [2].

Бу борада минтақа шароитида донли экинлар етиштиришда бир йилда икки марта дон ҳосили етиштириш имкони бўлган қуруқчиликка чидамли

ҳамда тарик навларини етиштириш ва ундан юқори ҳосил олиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Тарик дони инсоният учун қимматбаҳо ёрма, озиқ-овқат ҳамда чорва озуқаси манбаи, қисқа кун ўсимлиги эканлиги, экиш меъёрининг камлиги, бошқа дон экинларга нисбатан 2-3 ҳисса кам сув талаб қилиши, тупроқ ва ҳаво қуруқчилигига, иссиқликка ўта бардошлилиги, тупроқ муҳитига унча талабчан бўлмай юқори ҳосил бера олишини эътиборга олиб ушбу минтақа шароитида тарик дон ҳосили ва сифатини ошириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Материаллар ва услублар. Юқоридагиларни инобатга олиб, биз 2019-2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой тумани «Досбергел Қосбергел» фермер хўжалигининг ўртача шўрланган, суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида тарикнинг хориждан келтирилган 24 та нав намуналари ва 1 та стандарт сифатида олинган маҳаллий Саратовское 853 нави, 3 такрорликда, систематик равишда уч ярусда жойлаштирилиб, хорижий нав намуналари ҳамда маҳаллий Саратовское 853 навининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги тарик етиштириш бўйича умумқабул қилинган услублар асосида ўрганилди [1,3,4].

Тажриба ўтказилган Чимбой тумани Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, ўртача шўрланган, хлорид –сульфатли шўрланиш типига мансуб, механик таркиби оғир қумоқ, ўтлоқи-аллювиал тупроқлар бўлиб, сизот сувлари 1,5-2,5 м чуқурликда, тупроқлари жуда юқори зичлашган ва дағал серкесак структурали, гумус миқдори 0,5-0,8% дан 1,1-1,5% гача, азот 0,01-0,09%, карбонатлар 6,3-8,3%, гипс 0,1-0,5% гача ўзгариб туради [4]. Дала тажрибаларида тариқнинг маҳаллий Саратовское 853 нави ва хориждан келтирилган 24 нав намуналари Қорақалпоғистоннинг ўртача шўрланган тупроқлари шароитида такрорий экинда кузги бугдой ангизиди 2019-2021 йилларда, 20-25 июн муддатида, гектари 2,5 млн. донга меъёрида экиб ўрганилди.

Натижалар ва мунозара. Маълумки, қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини ўз вақтида униб чиқиши ҳудуднинг табиий шароитига, яъни ҳаво ҳарорати, тупроқ типи, механик таркиби, унинг ҳарорати, намлик, шўрланганлик даражаси каби кўрсаткичларга боғлиқ. Дала тажрибаларимизда тариқ уруғини экишдан олдин тажриба даласи яхшилаб текисланиб, борова қилиниб, мола босилди. Сўнг 2-3 см чуқурликда, уруғлар экилди. Уруғ экилган кундан бошлаб, 3 кун, 5 ва 7 кунларида уруғларни униб чиқиш кўрсаткичи ўрганилди.

Тажрибаларимизнинг дастлабки (2019 й) йилида тариқнинг ўрганилган маҳаллий ва хорижий навлар намуналарида уруғларини униб чиқиши бўйича олинган маълумотларга кўра, уруғ экилганидан кейин 3-куни дастлабки майсалар кўрина бошлади. Хорижий навлар намуналари экилгандан сўнг, 3-куни униб чиқиш ўртача 26,1-72,6 % бўлиб, стандарт сифатида ўрганилган маҳаллий Саратовское 853 навида эса униб чиқиш 74,3 % ни ташкил этиб, ўрганилган хорижий навлар намуналарига нисбатан энг юқори кўрсаткични ташкил этди. Экишдан сўнг 5 –кунида уруғларнинг униб чиқиши яққол кўзга ташланиб, маҳаллий Саратовское 853 (st) навида –89,8 %, хорижий навлар намуналар HC 7 – 84,8; Yongil 3 – 84,5; Vising 2- 84,8; Yongil 4 - 83,2; Suwon 5 F2 - 85,8; Songin 1 - 86,4; Yongvang -84,7 % ни ташкил этган бўлса, қолган Wooljin 1, Chongsong 2, Bobun 4, Jbweon, Yovnedvk, Yongil 3, Chongsong 3, Chongnyoung, HS 84-3, Hamvand, Vising 1, Vising 2, Yongil 4, Poun 1, 75001, 75008, Songin 2, Youngji 3, Mungyeong 3 навлар намуналарида 30,4-61,4 % бўлганлиги ҳисобга олинди.

Тажрибада экишдан сўнг 7-кунида тариқда ўрганилган барча навлар намуналари тўлиқ униб чиққанлиги қайд этилди ва энг паст кўрсаткичлар хорижий Wooljin 1, Chongsong 2, Bobun 4, Jbweon, Yovnedvk, Yongil 3, Chongsong 3, Chongnyoung, HS


84-3, Hamvand, Vising 1, Vising 2, Yongil 4, Poun 1, 75001, 75008, Songin 2, Youngji 3, Mungyeong 3 навлар намуналарида 31,3-62,3 % ни ташкил этган бўлса, маҳаллий Саратовское 853 (st) навида 89,8 %, хорижий навлар намуналар HC 7 – 85,0; Yongil 3 – 84,5; Vising 2- 84,8; Yongil 4 - 83,2; Suwon 5 F2 - 85,8; Songin 1 - 86,7; Yongvang -84,7 % бўлиб, энг юқори дала унвчанлигини намоён этди.

Дала тажрибаларимизда такрорий экинда дала унвчанлиги кўрсаткичлари юқори кўрсаткичларни намоён этган тариқни маҳаллий Саратовское 853 (st) нави, хорижий HC 7 (Ҳиндистон), Yongil 3 (Жанубий Корея), Vising 2 (Жанубий Корея), Yongil 4 (Жанубий Корея), Youngji 3 (Жанубий Корея), Suwon 5 F2 (Жанубий Корея), Songin 1 (Жанубий Корея), Yongvang (Жанубий Корея) навлар намуналарини кейинги ўсиши, ривожланишида фенологик ва биометрик ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳисобга олинди.

Тажрибанинг барча йилларида амал даври охирида олинган маълумотларга кўра, тариқнинг хорижий навлар намуналари парваришида минтақанинг об-ҳаво ва тупроқ шароити амал даври охиридаги ўсимликлар миқдорига бевосита таъсир этганлиги кузатилди.

Таъкидлаш лозимки, тажрибанинг 1- йилида (2019 й) тариқни хорижий навлар намуналарида амал даври охирида сақланиб қолган ўсимликлар сони, тажрибани кейинги 2-3-йилида (2020-2021 йй) нисбатан кам бўлганлиги аниқланди. Амал даври охирида маҳаллий Саратовское 853 (st) навида –84,7 %, нобуд бўлган ўсимликлар 15,3 % ни ташкил этган бўлса, хорижий навлар намуналарида тегишлича, ўртача: HC 7 – 77,4 ва 22,6 %; Yongil 3 – 69,3 ва 30,7 %; Vising 2- 74,6 ва 25,4 %; Yongil 4 – 64,6 ва 35,4 %; Suwon 5 F2 – 84,3 ва 15,7 %; Songin 1 – 87,6 ва 12,4 %; Yongvang -85,4 ва 14,6 % бўлганлиги қайд этилиб, амал даври охирида энг кўп сақланиб қолган ўсимликлар Suwon 5 F2 (84,3-87,1 %), Songin 1 (87,6-88,7%), Yongvang (85,4-86,6 %) намуналарида кузатилди.

Тажрибаларимизда ўрганилган навлар намуналарида энг юқори тариқ дон ҳосилдорлиги маҳаллий Саратовское 853 (st) ва хорижий Songin 1 навлар намуналаридан олинди, ўртача уч йилда (2019-2021 йй) гектаридан 25,7 ва 29,1 ц ни ташкил этиб, ўрганилган тариқнинг хорижий навлар намуналари HC 7 да 19,8 ц/га, Vising 2 да – 18,1 ц/га, Yongil 4 да – 17,2 ц/га бўлиб, энг паст кўрсаткичлар Yongil 3 да – 14,6 ц/га, Suwon 5 F2 да – 13,7 ц/га, Yongvang да – 14,7 ц/га этиб, стандарт сифатида ўрганилган маҳаллий Саратовское 853 (st) навидан 5,9-12,0 ц/га, хорижий Songin 1 навлар намуналаридан 9,3-15,4 ц/га кам тариқ дон ҳосили олинганлиги қайд этилди (1-расм).



1-расм. Тариқнинг маҳаллий ва хориждан келтирилган нав намуналари дон ҳосилдорлиги, ц/га (ўртача 2019– 2021 йй.)

Хулоса. Қорақалпоғистоннинг шимолий ҳудуди Чимбой туманида сентябр ойининг охириги ўн кунлигида ўртача ҳаво ҳарорати ўртача йиллар бўйича 13,3-18,8 °С, октябр ойининг биринчи ўн кунлигида эса, 8,7-11,6 °С га пасайиб, дастлабки қишлоқларнинг тушиши (07.10) ўрганилган Vising 2, Yongil 3, Yongil 4, Suwon 5 F2, Yongvang хорижий нав намуналарида вегетация даври (84-92 кун) узайиб бориши дон ҳосили пишмай, 1000 дона дон оғирлигининг кам, енгил (пуч) бўлишига олиб келиб, нав намуналари

бўйича тариқ дон ҳосилини ўртача 13,7-19,2 ц/га кам бўлиши қайд этилди. Ушбу шароитда тариқни маҳаллий Саратовское 853 (st) нави ва хорижий Songin 1 нав намуналари қулай ўсиб, ривожланиб, гектаридан тегишлича 5,9-12,0 ц дан 9,3-15,4 ц гача қўшимча юқори тариқ дон ҳосили етиштиришни таъминлаши тажрибаларимизда аниқланди.

Досберген АЛИМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти
мустақил иланувчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Услубий қўлланма. ЎзПТИ. -Тошкент, 2007. -146 б.
2. Матмуратов Ж. Агроклиматические условия северо-западного Узбекистана.// Нукус, «Каракалпакстан», 1989. -С. 255.
3. Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур. Выпуск второй. Зерновые, крупяные, зернобобовые, кукуруза и кормовые культуры / -М., 1989. -194 с.
4. Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии. / -Ташкент, 1977. -187 с.

УО'Т: 66.06, 678.83, 547.458

TADQIQOT

О'ТКАЗЛАН АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРНИНГ ЕКОЛОГИК СОҒ КУЗГИ БУГ'ДОЙ ҲОСИЛИ ОЛИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Аннотатсия. Мақола навбатлаб екшнинг 2:2 тизимида о'тказилган агротехник тadbirlarning экологик соғ кuzgi bug'doy don hosilining sifat ko'rsatkichlariga ta'siri o'rganilgan. Agrotexnik tadbirlarning aynqisa kuzgi bug'doy doni shaffofligi, oqsil hamda kleykovina miqdoriga ta'siri tahlil qilingan.

Калит со'злар. Кuzgi bug'doy, don, oqsil, shaffoflik, kleykovina, unumdolik, hosil, takroriy ekin, tuproqqa ishlov berish.

Аннотация. В статье рассмотрено влияние агротехнических мероприятий, проводимых в системе севооборота 2:2, на качественные показатели экологически чистого зерна озимой пшеницы. Проанализировано влияние агротехнических мероприятий на прозрачность, содержание белка и клейковины зерна озимой пшеницы.

Ключевые слова: Озимая пшеница, зерно, протеин, прозрачность, клейковина, плодородие, урожайность, повторный посев, обработка почвы.

Abstract. The article examines the influence of agrotechnical measures carried out in a 2:2 crop rotation system on the quality indicators of environmentally friendly winter wheat grain. The effect of agrotechnical measures on transparency, protein and gluten content of winter wheat grain was analyzed.

Keywords: Winter wheat, grain, protein, transparency, gluten, fertility, yield, repeat cropping, tillage.

Kirish. Qishloq xo'jaligi ekinlari hosildorligi oshishi hamda ekologik sof mahsulotlar olish uchun ularning biologik xususiyatlarini bilish, agrotexnik tadbirlar rejasini tuzish va uni amalga oshirishdir.

F.Xasanova, D.Abdukarimovalar tomonidan kuzgi bug'doydan keyin yozda tuproqqa turli ishlov berish usulida dukkakli ekinlar yetishtirish agrotexnikasi bo'yicha bir qator xulosalar berilgan. [1]

Tadqiqot materiallari va uslubi. Agrotexnik omillar ichida tuproqqa ishlov berish hamda ekinlarni navbatlab ekishni to'g'ri tashkil etish muhim ahamiyatga egadir. Tajribada yetishtirilgan kuzgi bug'doy donining sifat ko'rsatkichlari o'rganildi.

Natijalar va munozara. Biz tajriba variantlari bo'yicha o'tkazilgan agrotexnik omillarni 1000 dona don vazniga, don naturasiga, shaffofligiga, oqsil va kleykovina miqdoriga ta'sirini o'rgandik. Tajribada 1000 dona don vazni yuqori bo'lgan varianti 7 va 8-variantlarda kuzatilib, bir xil 40,1 gramm ni tashkil etdi. Shuningdek, don naturasini ko'rib chiqqanimizda umuman boshqa xolat kuzatildi. Bunda birinchi yilgi bug'doydan keyin yer kuzda 32-35 sm chuqurlikda shudgorlangan 1-variantda eng yuqori bo'lib, 795,9 g.l. ni tashkil etdi. Keyingi navbatda esa shu chuqurlikda yozda shudgorlangan va pushta olingan 4-variantda bo'lgan va uning miqdori 793,8 g.l.ni tashkil etgan. Donni asosiy sifat ko'rsatkichlaridan bo'lgan shaffofligi o'rganilganda hosildorlikka teskari ya'ni, hosildorlik ortgan variantlarda shaffoflik darajasi past bo'ldi. Masalan, kuzgi bug'doyning don hosildorligi yuqori bo'lgan 7 va 8-variantlarda donning shaffofligi eng kam, bir xil 66,9% ga to'g'ri keldi. Shu bilan birgalikda kuzgi bug'doy doni tarkibida mavjud bo'lgan oqsil va kleykovina miqdorini ham ko'rib chiqdik unga ko'ra, tuproqqa turli usullarda ishlov berilgan va takroriy ekin sifatida mosh va soya ekilgan variantlarda oqsil miqdori yuqori bo'lganligi kuzatildi. Bunda yer 22-25 sm chuqurlikda ag'darmay shudgorlangan 7 va

8-variantlarda, yer maydoni 18-20 sm chuqurlikda chizellangan 11 hamda 12-variantlarda bir xil 13,3% oqsil to'planganligi aniqlandi. Don tarkibidagi kleykovina miqdori ham shu variantlarga (7, 8, 11, 12-variant) qo'shimcha 4, 6-variantlarda bir xil 30,2% bo'lganligi o'rganildi.

1-jadval.

Kuzgi bug'doy doni sifat ko'rsatkichlarini o'tkazilgan agrotexnik omillarga bog'liqligi

№	Bug'doy doni sifat ko'rsatkichlari				
	1000 dona don vazni, g	Don naturasi, g.l	Shaffofligi, %	Oqsil miqdori, %	Kleykovina miqdori, %
1	39,4	795,9	67,4	13,0	30,1
2	39,4	784,5	67,4	13,0	30,1
3	39,7	784,3	67,5	13,2	30,1
4	39,7	793,8	67,5	13,2	30,2
5	39,3	787,6	67,8	13,1	30,1
6	40,0	793,5	67,2	13,2	30,2
7	40,1	791,6	66,9	13,3	30,2
8	40,1	789,2	66,9	13,3	30,2
9	39,3	788,7	67,8	13,1	30,1
10	39,8	793,5	67,2	13,3	30,1
11	39,9	791,3	67,2	13,3	30,2
12	40,0	790,8	67,2	13,2	30,2

Xulosa. Olingan ma'lumotlarga asosanib shunday xulosa qilishimiz mumkinki, donning sifat ko'rsatkichlarini yaxshi bo'lishi, ekologik sof mahsulot olish uchun uchun 2:2 navbatlab ekish tizimida birinchi yilgi bug'doydan keyin tuproq 22-25 sm chuqurlikda ag'dormasdan shudgorlanib, takroriy ekin sifatida mosh va soya ekish ikkinchi yilgi don hosilini sifat ko'rsatkichlarini yuqori (1000 don vazni 40,1; oqsil miqdori 13,3%; kleykovina miqdori 30,2%) bo'lishiga olib keldi.

Shohruh AKRAMOV,

Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU
Farg'ona filiali Tabiiy fanlar kafedrasida dotsenti v.b.,
q.x.f.f.d. (PhD)

ADABIYOTLAR

1. Xasanova F., Abdukarimov D. Kuzgi bug'doydan keyin tuproqqa asosiy ishlov berish texnologiyalarining takroriy ekinlar hosildorligiga ta'siri. Dehqonchilik muammolari, tadqiqot va yechimlar. Farg'ona. 2008, 163-165 bet.
2. O'razmatov N. Takroriy ekinlar yetishtirish agrotexnikasi va ularni tuproq unumdorligiga ta'siri. Farg'ona, 2000, 223 bet
3. www.google.ru (2017-2018)
4. www.Ziyo-net.uz (2017-2018)
5. http://www.agro.uz (2016-2018)

ISSIQXONA SHAROITIDA BANAN O'SIMLIGINI YETISHTIRISH

Annotatsiya. Ushbu maqolada ishlab chiqarish nuqtai nazaridan qimmatli bo'lgan va introduksiya qilingan banan navlarini issiqxona sharoitida o'sishi, rivojlanishini va agrotexnikasi haqida qisqacha qilib yoritilgan. O'simlikning morfologik xususiyatlari (bo'yi, poya aylanasi va balandligi, gullashda barglarning saqlanishi) o'rganildi. Banan navlaridan qizil banan, trapekana va G-9, hamda karlik bananlar hisoblanadi.

Kalit so'zlar: morfologik xususiyatlari, banan, issiqxona, Kavendish guruhi, nav, harorat va namlik.

Аннотация. В статье кратко рассмотрены выращивание, развитие и агротехника интродуцированных сортов бананов, ценных для производства, в теплице. Изучены морфологические характеристики растения (высота, окружность и высота стебля, сохранность листьев во время цветения). Среди сортов бананов есть красные бананы, трапекан и Г-9, а также глухие бананы.

Ключевые слова: морфологическая характеристика, банан, теплица, группа Кавендиша, сорт, температура и влажность.

Abstract. The article briefly reviews the cultivation, development and agricultural technology of introduced banana varieties valuable for production in a greenhouse. The morphological characteristics of the plant (height, circumference and height of the stem, preservation of leaves during flowering) are studied. Among the banana varieties there are red bananas, trapecan and G-9, as well as blind bananas.

Keywords: morphological characteristics, banana, greenhouse, Cavendish group, variety, temperature and humidity.

Kirish. Bugungi kunda dunyo bo'yicha issiqxona xo'jaligi ham boshqa qishloq xo'jalik sohalari kabi katta ahamiyat kasb etmoqda. Aholini oziq-ovqatga bo'lgan talabini qondirish maqsadida ko'plab yangi intensiv bog'larni barpo etishga bo'lgan e'tibor yildan-yilga ortib bormoqda. Bog'dorchilikda istiqbolli navlar asosida sog'lom ko'chatlarni ko'paytirish va zamonaviy texnologiyalar asosida ularni yaxshilash hamda takomillashtirib borish lozim. Shu bilan birga issiqxona xo'jaligini ham ahamiyati juda katta hisoblanadi.

Respublikada issiqxonalarida sitrus o'simliklaridan tashqari Banan o'simligi ham o'stirilib sifatli hosil yetishtirilmoqda. Banan mevalari dunyodagi eng vitaminlarga boy muhim oziq-ovqat ekinlaridan biri bo'lib, Afrikadagi oziq-ovqat energiyasiga bo'lgan ehtiyojning chorak qismidan ko'prog'ini tashkil qiladi.

Har yili dunyo bo'yicha 49,63 million tonna banan yetishtiriladi. Shundan taxminan 6,44 million tonna Afrika, 20,31 million tonna Osiyo, 13,31 million tonna Janubiy Amerika, 1,5 million tonna Okeaniya, a 7,66 million tonna Markaziy Amerika va 0,42 million tonna Yevropaga to'g'ri keladi.

Keniya-banana asosan kichik fermerlar tomonidan yetishtiriladi. Keniyada o'rtacha banan hosili kamida gektariga 40 tonnani tashkil qiladi. Bu qulay sharoitda hosilning uchdan bir qismidan ham kamroqdir. Keniyada shirinlik va pishirish uchun genetik xilma-xillikning keng doirasi mavjud mintaqaga qarab banan navlarini yetishtiradi.

Statistik ma'lumotlarga ko'ra, O'zbekistonga 2023-yilda xorijdan qiymati 95,1 mln AQSH dollariga

teng bo'lgan qariyb 133,5 ming tonna banan import qilingan. Hozirgi kunda respublikada ham 5 gektar issiqxona sharoitlarida banan yetishtirilmoqda.

Bananning mahsuldorligiga ekologik sharoit, navlar, madaniy amaliyotlar, zararkunandalar va kasalliklar va boshqalar kabi ko'plab omillar ta'sir qiladi. Biroq, subtropik sharoitda banan hosildorligi va sifatiga ta'sir qiluvchi asosiy omillar qishda past harorat, kunlik va tungi haroratning o'zgarishi hisoblanadi. Shuning uchun issiqxonada himoyalangan joyda yetishtirish sovuqdan zarar ko'rishning oldini olish, hosil va sifatni oshirishning asosiy yechimlaridan biridir. Subtropik sharoitda ochiq va issiqxona sharoitiga ekinlarni solishtirish bo'yicha ba'zi tadqiqotlar mavjud.

Olimlar ta'kidlaganidek, issiqxona sharoitida banan yetishtirish himoyalangan joyda yetishtirishda banan o'sishi Kanar orollarida og'irroq dastalar va yillik hosildorlikni keltirib chiqardi [1, 3].

Eksteyn va boshq. ochiq daladagiga qaraganda issiqxona sharoitida yetishtirishda 28% ko'proq hosildorlikni aniqladi [2].

Material va usullar. Tadqiqotlar 2022-2024-yillar oralig'ida Toshkent viloyati qibray tumani "Salar Nosirov Murod" Fermer xo'jaligida 10 sotix issiqxona maydonida o'tkazildi. Issiqxona sharoitida banan yetishtirishda yillik o'rtacha minimal/maksimal harorat 14 dan 30° C gacha va nisbiy namlik 70 dan 80% gacha bo'ldi.

Issiqxona oyna bilan qoplangan temir va politilin salafandan iborat bo'lib, balandligi 3 va 4 m atrofida. Issiqxona faqat qish mavsumida isitilgan bo'lib yoz oylarida vintlatiya yordamida shamollatib turiladi. Tajriba

materiali sifatida “qizil banan, trapekana va G-9, hamda karlik bananlardan foydalanildi. O’simliklar orasidagi masofa 2×1,5 va 3×2 m sxemada. Tuproqning pH 7,5 organik moddalar 3% bo’lgan qumli tuzilishga ega.



1-rasm. Issiqxonada ekilgan holati va 10 oy o’tgandagi holati

Natijalar va munozara. Oynali va politilin plyonkali issiqxonada yetishtiriladigan “G-9 va Qizil banan hamda trapekana karlik” turlari bo’yicha turli morfologik xususiyatlar jadvalda keltirilgan.

1-jadval.

Navlar nomi	O’simlik balandligi (m)	O’simlik diametri (sm)	O’simlik barglar soni (dona)	Barg eni (sm)	Barg bo’yi (m)
G-9	2,67	33,9	17	57,48	1,44
Qizil banan	2,53	28,5	14	53,58	1,57
Trapekan	1,52	36,7	16	59,23	1,25
Karlik	1,83	31,3	18	55,81	1,34

Banan o’simliklarini issiqxona sharoitlarida yetishtirish bo’yicha fenologik fazalari o’rganilganida quyidagicha natijalarni ko’rsatganini ko’rishimiz mumkin. Bananning G-9 navida o’simlik balandligi 2,67 m tashkil etgan bo’lsa, o’simlik diametri 33,9 sm, o’simlik barglar soni o’rtacha 17 dona, o’simlik barglar eni 57,48 sm, barglar bo’yi 1,44 m natija qayd etdi.

Qizil banan navida natijalar quyidagicha bo’lganini ko’rishimiz mumkin: o’simlik balandligi 2,53 m o’simlik diametri aylanasiga 28,5 sm ni tashkil etgan bo’lsa barglar soni 14 dona, barg eni 53,58 sm ni tashkil etdi, barg bo’yi esa 1,57 sm natijani qayd etdi.

Trapekan navida o’simlik balandligi 1,52 m o’simlik diametri 36,7 sm ni, barglar soni 16 dona, barglar eni 59,23 sm, bo’yi 1,25 m natijani qayd etdi. Banan karlik navida o’simlik balandligi 1,83 m bo’lgan bo’lsa, o’simlik diametri 31,3 sm ni, o’simlik barglar soni 18 dona, barglar eni 55,81 sm, barg bo’yi 1,34 m ni tashkil etdi.



3-rasm. Banan navining gulga kelgan va hosil solgandagi ko’rinishi

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki agarda issiqxona balandligi 3,5 metrdan baland bo’ladigan bo’lsa, bananning G-9 navidan va qizil banan navlaridan ekish yaxshi va samarali hosil olish imkoni beradi agarda issiqxona balandligi 3 metrdan pasd bo’ladigan bo’lsa, Trapekana va Karlik banan navlarini ekish tavsiya qilinadi.

Faxriddin BO’RONOV,

Akademik M.Mirzayev nomidagi BU va VITI
tayanch doktoranti,

Azim MALIKOV,

Toshkent kimyo-texnologiya instituti dotsenti,

Xursanoy JUMABOYEVA,

Bo’ka Agrotexnologiyalar texnikumi.

ADABIYOTLAR

1. Cabrera Cabrera, J., and Galán Saúco, V. (2012). Evaluation of different covers used in greenhouse cultivation of Cavendish bananas (*Musa acuminata* colla AAA) in the Canary Islands. *Acta Hort.* 928, 131–138 <http://dx.doi.org/10.17660/ActaHortic.2012.928.2>.
2. Eckstein, K., Fraser, C., and Joubert, W. (1998). Greenhouse cultivation of banana in South Africa. *Acta Hort.* 490, 135–146 <http://dx.doi.org/10.17660/ActaHortic.1998.490.12>.
3. Galan Saúco, V., Cabrera Cabrera, J., Hernandez Delgado, P.M., and Rodriguez Pastor, M.C. (1998). Comparison of protected and open-air cultivation of Grande Naine and Dwarf Cavendish bananas. *Acta Hort.* 490, 247–262 <http://dx.doi.org/10.17660/ActaHortic.1998.490.25>.
4. Gubbuk, H., and Pekmezci, M. (2004). Comparison of open-field and protected cultivation of banana (*Musa* spp. AAA) in the coastal area of Turkey. *N. Z. J. Crop Hort. Sci.* 32 (4), 375–378 <http://dx.doi.org/10.1080/01140671.2004.9514318>.

YONG'OQ BIOTSENOZIDA TENGSIZ IPAKCHIGA QARSHI QO'LLANILADIGAN AYRIM INSEKTITSIDLAR HAMDA ULARNI PARAZIT ENTOMOFAGLARGA TA'SIRI

Annotatsiya. Maqolada yong'oq biotsenozida Eribidae oilasi zararkunandalariga qarshi qo'llaniladigan preparatlardan Avaunt 15% k.em.. (indoksakarb), Difuz 48 % k.s. (diflubenzuron) kabi preparatlari tanlab olinib ularni laboratoriya sharoitida Oensirtus (Anastatus japonicus) parazit entomofagiga ta'siri o'rganilgan. Etalon sifatida Karate 5% k.em. preparati olindi. Tadqiqotlar natijadlariga ko'ra yong'oq biotsenozida uchraydigan Eribidae oila vakillariga qarshi qo'llaniladigan kimyoviy preparatlardan Avaunt 15% k.em. 0,4-0,45 l/ga. kimyoviy preparatini Bracon hebetor Say parazit entomofagi bilan integratsiya qilish mumkinligi isbotlangan.

Kalit so'zlar: biotsenoz, parazit, entomofag, integratsiya, preparat, chidamlilig, samarador, oila.

Аннотация. В статье Аваунт 15% к.э.м.. (индоксикарб), Дифуз 48% к.с. (дифлубензурон) и изучали их действие на паразитического энтомофага Oensirtus (Anastatus japonicus) в лабораторных условиях. Карате по стандарту 5% к.э.м. препарат был принят. По результатам исследования Аваунт составляет 15% к.э.м. 0,4-0,45 л/га. Доказано, что химический препарат можно интегрировать с паразитическим энтомофагом Bracon hebetor Say.

Ключевые слова: биоценоз, паразит, энтомофаг, интеграция, препарат, резистентность, эффективный, семья.

Abstract. In the article Avaunt 15% k.em. (indoxacarb), Difuz 48% k.s. (diflubenzuron) and studied their effect on the parasitic entomophage Oensirtus (Anastatus japonicus) in laboratory conditions. Karate according to the standard 5% k.em. the preparation was accepted. According to the results of the study Avaunt is 15% k.em. 0.4-0.45 l / ha. It is proven that the chemical preparation can be integrated with the parasitic entomophage Bracon hebetor Say.

Keywords: biocenosis, parasite, entomophage, integration, preparation, resistance, effective, family.

Kirish. Yer yuzida ko'plab mamlakatlar o'simliklarni himoya qilishda kimyoviy preparatlardan keng foydalanadi. Jaxon olimlarining ko'p yillik tadqiqotlariga ko'ra qishloq xo'jaligida qo'llanilayotgan barcha kimyoviy vositalar insoniyat va shu arealdagi barcha tirik organizmlarga doimo havf solib turishi aniqlangan. Kimyoviy preparatlarni qo'llanilishi natijasida atrof muhit va issiqqonli jonzorlar uchun katta xavf tug'dirmoqda. Ayniqsa insoniyatga salbiy ta'siri va biotsenozni butgul yo'q bo'lishiga olib kelmoqda. Shu bilan birga o'simlik zararkunandalarning kimyoviy vositalarga chidamliligi oshib borishi kuzatilmoqda. Natijada foydali hasharotlar keskin kamayib, ularning xo'jayin turlari ommaviy ko'payishiga olib kelmoqda.

Kimyoviy vositalarni uzluksiz qo'llanilishi natijasida zararkunandalarga tasiri kamayishi va ushbu zararkunandalarni keyinchalik ommaviy ko'payib, ularning tabiiy entomofaglari esa aksincha butkul kamayishi oqibatida biotsenozni izdan chiqishiga olib keladi. Shu boisdan kimyoviy vositalarning yalpi qo'llashda ularning entomofaunaga ta'sirini o'rganish muhimdir.

Tadqiqotlarimizdan olingan ma'lumotlarimizga ko'ra kimyoviy vositalarning trixogramma rivojlanishiga ko'ra, ularning turli rivojlanish bosqichlarida ham ta'siri katta ekanligi aniqlandi. Tadqiqotlarga ko'ra trixogrammaning

imagolik davrigacha bo'lgan rivojlanish bosqichlarida ya'ni tuxumlik va lichinkalik davrlarida turli insektitsid turlariga nisbatan kam ta'sirga ega ekanligi aniqlangandi.

Mamlakatimiz yong'oq xo'jaliklarida zararkunandalarga qarshi uyg'unlashgan kurash choralarini qo'llashda asosiy muommolardan biri kimyoviy vositalarning parazit-entomofaglar bilan birga qo'llanilishidir. Bir necha yillik tadqiqotlarimizga ko'ra agrobiotsenozda sisitemali pestitsidlarni yalpi qo'llash natijasida parazit-entomofaglar imagolarining 100% gacha nobud bo'lishi aniqlangan.

Yong'oq biotsenozidagi Eribidae oila vakillari va tunlamlarga qarshi uyg'unlashgan kurash chorasini takomillashtirish maqsadida brakon parazitlarini bir nechta preparatlar bilan tadqiqotlar olib bordik. Olib brogan tadqiqotlarimizda trixogramma va ooensirtus imagolik davrigacha bo'lgan rivojlanish bosqichlarida ya'ni lichinkalik va g'umbalik davrlarida turli insektitsid turlariga nisbatan kam ta'sirga egaligi aniqlangan.

Tadqiqot materiallari va uslubi. Brakon turlarining kimyoviy preparatlarga chidamliligi yoki kimyoviy preparatlar bilan integratsiya qilish mumkin bo'lgan kimyoviy vositalar bo'yicha bazi olimlar ilmiy tadqiqotlar olib borishgan lekin Eribidae oilasining samarali parazit

entomofagi xisoblangan *Bracon hebetor* Say turini kimyoviy vositalar bilan zararkunandalarga qarshi integratsiya usuli bilan qo'llash bo'yicha ilmiy izlanishlar deyarli olib borilmagan. Shuning uchun biz ushbu parazit entomofaglar bilan ilmiy tadqiqotlarni olib borish va o'rmon biotsenozida *Eribidae* oilasi vakillarini sonini samarali boshqarish bo'yicha ilmiy izlanishlar olib borishni maqsad qildik.

Eribidae oilasi zararkunandalariga qarshi qo'llaniladigan preparatlardan Avaunt 15% k.em.. (*indoksakarb*), Difuz 48 % k.s. (*diflubenzuron*) kabi preparatlari tanlab olinib ularni laboratoriya sharoitida oensirtus (*Anastatus japonicus*) parazit entomofagiga ta'siri o'rganildi. Etalon sifatida Karate 5% k.em. preparati olindi.

Tadqiqotlarning ushbu qismi "O'simliklar karantini va himoyasi ilmiy-tadqiqot instituti" biolaboratoriyasida olib borildi. Bunda asosan laboratoriyada yong'oq biotsenozlaridan keltirilgan toq ipak qurti zararkunandaning tuxumlaridan foydalanildi.

Natijalar va munozara. Tadqiqotlarning birinchi bosqichida toq ipak qurti qurtlari parazit entomofaglari bilan zararlantirildi va ichida rivojlanayotgan parazit entomofagiga kimyoviy vositalar purkaldi so'ngra +30±5°C havo xarorati va 65±5% havo namligida termostatga (MEMMERT E05273) qo'yildi, hamda parazitlarning rivojlanish bosqichlari nazorat qilib borildi.

Bracon hebetor Say parazit entomofagini turli bosqichda rivojlanish fazalariga kimyoviy preparatlarni ta'siri o'rganildi. Unga ko'ra tajribalar 4 xildagi kimyoviy preparatlarni entomofaglarga ta'sir qilish darajalari aniqlandi.

Birinchi variantda *Bracon hebetor* Say parazit entomofagiga Avaunt 15% k.em. kimyoviy preparatni 0,4-0,45 l/ga. miqdorda parazit avlodlarining turli bosqichdagi rivojlanish fazalariga ishlov berildi. Kuzatuvlar natijalariga ko'ra kimyoviy preparat parazit entomofagning rivojlanish bosqichlariga qarab turlicha ta'sirga ega ekanligi aniqlandi. Unga ko'ra parazit *Bracon hebetor* Say g'umbagining yashovchangligi 67,2%, imago yashovchangligi 12,4%, rivojlanish uchun ketgan o'rtacha kun 12,5 bo'lganligi aniqlandi. Jinslar nisbati, (♂:♀) 1:5 ni tashkil etdi, Pushtdorligi esa 44,6 dona bo'lganligi aniqlandi (1-jadval).

Toq ipak qurtiga qarshi qo'llaniladigan kimyoviy preparatlar hamda *Bracon hebetor* Say parazit entomofagiga ta'siri (Laboratoriya tajribalari O'KHTI 2021-2023 yy)

№	Kimyoviy preparatlar nomi sarf miyori	Preparatlar- ning ta'sir etuvchi moddasi	Kimyoviy preparatlar qo'llanilganidan so'ng parazit avlodlarining rivojlanish darajalari, %, kun, dona.																
			G'umbaglik fazasi (%)			Imagolar (kun)			Rivojlanishi uchun ketgan o'rtacha vaqt					Jinslar nisbati, (♂:♀)			Pushdorligi (dona)		
			2021	2022	2023	2021	2022	2023	2021	2022	2023	2021	2022	2023	2021	2022	2023		
			55,4	72,7	73,5	11,8	12,6	12,8	11,4	12,7	13,4	-	-	-	41,2	47,1	45,5		
1	Avaunt 15 % k.e 0,4-0,45 l/ga.	Indoksakarb	67,2			12,4±0,02			12,5±0,04					1:5			44,6±0,4		
2	Difuz 48 % k.e 0.3 l/ga	Diflubenzuron	16,2	19,4	19,6	2,4	3,5	3,7	-	-	-	-	-	-	-	-			
			18,4			3,2±0,03			-					-					
3	Karate 5% k.e 0,6-0,7 l/ga (Etalon)	Lyambda- sigalotrin	7,7	10,4	9,5	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-			
			9,2																
4	Nazorat	-	77,2	91,5	79,1	11,2	13,1	13,2	10,7	14,3	8,9	-	-	-	55,7	64,4	67,1		
			82,6			12,4±0,02			11,3±0,04					1:5			62,4±0,2		
EKF05		0,21	0,54			0,87			1,37										

Ikkinchi variantda parazit entomofakga qarshi Difuz 48% k.em. kimyoviy preparatini 0,3 l/ga. miqdorda brakon avlodlariga ta'siri o'rganildi. Unga ko'ra parazit g'umbaglarining yashovchangligi 18,0%, imago yashovchangligi 3,2 kun va keyingi bosqichlarda parazit imagolari esa to'liq nobud bo'lishi kuzatildi.

Uchinchi variantda parazit entomofakga qarshi Aleksandr 15% sus.k. kimyoviy preparatini 0,4-0,45 l/ga. miqdorida qo'llaganimizda, brakon avlodlariga ta'siri o'rganildi. Unga ko'ra parazit g'umbagining yashovchangligi 57,5%, imagolarining yashovchangligi 3,8%, rivojlanish uchun ketgan o'rtacha kun 11,8 bo'lganligi kuzatildi. Parazit jinslar nisbati, (♂:♀) 1:4 ni tashkil etdib, Pushtdorligi 38,4 dona bo'lganligi aniqlandi.

To'rtinchi variantni etalon sifatida Karate 5% k.em. kimyoviy preparatini 0,6-0,7 l/ga. miqdorda qo'llaganimizda anastatus avlodlariga ta'siri o'rganilganida, unga ko'ra parazit g'umbagining yashovchangligi 10,2% ni tashkil qildi va qolgan bosqichdagi parazit entomofag avlodlari to'liq nobud bo'lganligi kuzatildi.

Tadqiqotlar natijalariga ko'ra o'rmon biotsenozida uchraydigan *Eribidae* oila vakillariga qarshi qo'llanil-

ladigan kimyoviy preparatlardan Avaunt 15% k.em. 0,4-0,45 l/ga. kimyoviy preparatini *Bracon hebetor* Say parazit entomofagi bilan integratsiya qilish mumkinligi isbotlandi.

Xulosa. Yong'oq biotsenozida *Eribidae* oilasi zararkunandalariga qarshi qo'llaniladigan preparatlardan Avaunt 15% k.em. (*indoksakarb*), Difuz 48 % k.s. (*diflubenzuron*) kabi preparatlari tanlab olinib ularni laboratoriya sharoitida Oensirtus (*Anastatus japonicus*) parazit entomofagiga ta'siri o'rganilgan. Etalon sifatida Karate 5% k.em. preparati olingan. Tadqiqotlar natijalariga ko'ra yong'oq biotsenozida uchraydigan *Eribidae* oila vakillariga qarshi qo'llaniladigan kimyoviy preparatlardan Avaunt 15% k.em. 0,4-0,45 l/ga. kimyoviy preparatini *Bracon hebetor* Say parazit entomofagi bilan integratsiya qilish mumkinligi isbotlangan.

Xushvaqt SHUKUROV,

qishloq xo'jaligi fanlari doktori, professor,

Shaxzod NAZAROV,

qishloq xo'jaligi fanlari falsafa doktori,

Mariyam BOQIYEVA,

tayanch doktorant,

ToshDAU.

ADABIYOTLAR

1. Андреева Е.М. Показатели роста, развития и питания у гусениц непарного шелкопряда *Lymantria dispar* (L.) в зависимости от суммы эффективных температур, необходимой для реактивации после диапаузы / Е.М.Андреева // Известия Санкт-Петербургской лесотехнической академии. – СПб., 2011. – Вып. 196. – С. 4–11.

2. Башинска Я. О. Оптимізація структури культур лускокрилих комах для програм біологічного методу захисту рослин : автореф. дис. на здобуття наук. ступеню канд. с.-г. наук : спец. 16.00.10 „Ентомологія” / Я. О. Башинска. – Харків, 2010. – 19 с.

3. Василев В.П., Лившиц И.З., Волков О.Г., Ижевский С.С., Миронова М.К. Интродукция в СССР паразита непарного шелкопряда *Ooencyrtus kuvanae* (How.) // Мат. симп. «Биологическая и интегрированная борьба с вредителями в лесных биоценозах», Боржом, 3–8 сентября 1984, С. 59–62.

4. Ходжаев Ш.Т., Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бо'йича услубий ко'рсатмалар. Тошкент. КО'НИ-NUR. 2004,-104 б.

5. Nazarov Sh.R., Shukurov X.M., Nazarova M.J. Bio ecological characteristics of walnut worm – *Archips argyrospila* W., its damage and control measures. //Vital Annex: International of Novel Research in Advanced Sciences (IJNRAS) Volume: 02 Issue: 08/2023 Pages:16-21.

6. Shukurov X., Nazarov Sh., Abduraxmanova J., Umarov Z., Lapasov S. Effects and control measures of walnut gall (or wool)–*Aceria erineae* N. and wart–*Aceria tristriata* N. Mites. //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal ISSN: 2249-7137 Vol. 10, Issue 12, December 2020 Pages: 47-53 Impact Factor: SJIF 2020=7.13 <https://saarj.com> Doi number: 10.5958/2249-7137.2020.01686.9.

7. Tsukamoto M. Method of genetic analysis of insecticidal resistance //Pest resistance to pesticides: Proc. US–Japan Coop. Sci. Progr. Seminar. California, 1979.–N.Y.: Plenum press, 1983.–P. 71–97.

MOSHDA ANTRAKNOZ KASALLIGINING TARQALISHI

Annotatsiya. Qashqadaryo viloyati Kitob tumani "Samadov Diyorbek" fermer xo'jaligida va Qashqadaryo viloyatining G'uzor tumani Qo'shtepa qishlog'i "Yulduz 1975" fermer xo'jaligida moshning antraknoz kasalligining tarqalishi, ushbu kasallik moshning o'suv davrida, hosildorlikka jiddiy zarar yetkazishi keltirilgan.

Kalit so'zlar: mosh, antraknoz, kasallik, don, dukkak, ekin, Kitob, G'uzor, Durdona, hosil.

Аннотация. Распространение антракноза лосей в фермерском хозяйстве «Саматов Дийрбек» Китобского района Кашкадарьинской области и фермерском хозяйстве «Юлдуз 1975» села Кош-тепа Гузорского района Кашкадарьинской области.

Ключевые слова: маша, антракноз, болезнь, зерно, бобовые, урожай, Китаб, Гузор, Durdona, урожай.

Abstract. The spread of anthracnose disease of moose in the farm "Samadov Diyorbek" of Kitob district of Kashkadarya region and the farm of "Yulduz 1975" of Koshtepa village of Guzor district of Kashkadarya region.

Keywords: mung bean, anthracnose, disease, grain, legume, crop, Kitab, Guzor, Durdona, masterpiece.

Kirish. Qishloq xo'jaligi ekinlari ichida mosh inson organizmi uchun zarur bo'lgan oqsil va boshqa moddalarga boy mahsulot hisoblanadi. Dukkakli don ekinlaridan moshda uchraydigan ildiz chirish, fuzarioz, antraknoz, zang va un shudring kasalliklari Respublikamizda o'rganilmaganligi sababli hozirgi vaqtda bu ekin turlaridagi kasalliklar hosildorlikka jiddiy zarar keltirishi natijasida 30-35% hosil yo'qotilmoqda. Respublikamizdagi fermer xo'jaliklarda yetishtirilayotgan bug'doy ekinidan hosil yig'ishtirib olingandan so'ng takroriy ekin sifatida mosh ekini yetishtirilib kelinmoqda. Yetishtirilayotgan ekinlardan eksportbop mahsulot olishda kasallik turlariga qarshi samarali kurash olib borilsa, rejadagi hosilni olishga erishiladi. Sug'oriladigan maydonlarda etishtirilayotgan mosh ekinida ham turli kasalliklar hosilga jiddiy zarar keltirmoqda, buning natijasida sifatsiz hosil olish va ko'chat sonini kamayib ketishiga olib kelinmoqda.

Antraknoz - bu *Colletotrichum lindemuthianum* zamburug'i keltirib chiqaradigan butun dunyo bo'ylab tarqalgan mosh kasalligi. Antraknoz eng muhim mosh kasalliklaridan biridir. Bu mo'tadil mintaqalarda kuchliroq tarqalgan. Nam sharoitda kasallik hosilni to'liq yo'qotishga olib kelishi mumkin. U o'simliklar o'sishining barcha bosqichlarida, ya'ni o'sayotgan ko'chatlargacha kasallikka olib kelishi mumkin. Aromatlar. Infektsiyalangan urug'lardan o'stirilgan ko'chatlarda aromatlilar urug'ning barglarida mayda to'q jigarrangdan qora dog'lardan boshlanadi. Gipokotilda zang rangli dog'lar paydo bo'lib, poya bo'ylab, ba'zan esa atrofida kattalashadi. Agar dog'lar poya atrofida to'liq o'ssa, ko'chat nobud bo'ladi. Dog'lar cho'kib ketadi va millionlab sporalardan tashkil topgan och qizg'ish rangli dog'lar bilan to'ldiriladi. O'rganilgan o'simliklarda barglarning pastki qismidagi tomirlar va petiole cho'zilgan, biroz burchakli, qizildan binafsha ranggacha

bo'lgan dog'lar bilan kasallanishi mumkin, ular tez orada to'q jigarrangdan qora rangga aylanadi. Ba'zida dog'lar barglarning yuqori qismida paydo bo'lishi mumkin. Po'choqlarda simptomlar mayda sarg'ishdan zang ranggacha bo'lgan dog'lar bilan boshlanadi, ular qorong'i botgan joylarga kattalashib, dolchin rangidagi chegara bilan bir oz ko'tarilgan qora halqa bilan o'ralgan. Dog'larning markazida ko'pincha millionlab sporalardan tashkil topgan sarg'ish losos rangidagi oqish dog'lar bor. Urug'larda katta yoki kichik sarg'ish-jigarrang botgan dog'lar paydo bo'lishi mumkin, ular jigarrangdan qora rangga aylanadi. Infeksiya og'ir bo'lsa, ko'zalar qichishi va o'lishi mumkin.

Nyu-York shtatida *C. Lindemuthianum* bilan zararlangan urug' ishlab chiqarish maydoniga kiritiladi. Ko'pchilik paxtakorlar antraknozsiz sertifikatlangan urug'larni sotib olishsa-da, ma'lum navlarning sertifikatlangan urug'lari mavjud bo'lmasa yoki sotib olinmasa, kasallik muammo bo'lib qolmoqda. Infektsiyalangan urug'larning ulushi vegetatsiya davrida mosh antraknozining og'irligini aniqlashning muhim omili hisoblanadi, chunki ishlab chiqarilgan ikkilamchi emlash dastlabki emlash miqdoriga mutanosib bo'ladi. *C. lindemuthianum* mosh ekinlari qoldig'ida omon qolishi mumkin va qishlashning oldini olish uchun 2-3 yil almashlab ekish tavsiya etiladi.

Mosh ketma-ket ekilgan joylarda qishlab qolgan zamburug' sporalari antraknoz epidemiyasini qo'zg'atishi mumkin. Antraknoz konidialari yomg'ir tomchilari bilan bir o'simlikdan ikkinchisiga tarqaladi. *C. lindemuthianum* konidia yuqishi uchun 10 soatlik nam davr talab qilinadi va odatda 3-7 kun ichida yangi yaralar paydo bo'ladi.

Vaqt o'tishi bilan daladagi qo'shni o'simliklar o'rtasida kasallik tarqalishini oddiy tahlillar yordamida tavsiflash mumkin. Agar kasallik qo'zg'atuvchining



1-rasm. Moshda antraknoz kasalligining belgilari.

o'simlikdan o'simlikka tarqalishi natijasida ketmaket kasal o'simliklar paydo bo'lsa, zararlangan o'simliklarning to'planishi (klasterlanishi) kutiladi.

Tadqiqot materiallari va uslubi. Kasallangan mosh o'simliklari patogen zamburug'larni ajratish va ularning morfologiyasini o'rganish V.I.Bilay (1982) usulida bajarildi. Gerbariy namunalari A.K.Skvorsov (1977) usulida tayyorlandi. *Colletotrichum lindemuthianum* zamburug'i koloniyalarining radial o'sish tezligi I.L.Astapchuk va b. (2020) usulida hisoblandi. In vitro tajribalarida zamburug' koloniyalarining radial o'sishini ingibrlash foizi S.L.Kantwa va b. (2014) usulida hisoblandi. Moshda antraknoz kasalligining tarqalishi va rivojlanishi A.Ye.Chumakov (1974) usulida, zarari M.I.Dementeva (1985) usulida aniqlandi. Qarshi kurash choralarining iqtisodiy samaradorligi A.F.Chenkin (1990) va Sh.T.Xo'jayev (2004) usullari yordamida aniqlandi. Olingan natijalar B.A.Dospexov (1979) usullari bo'yicha tahlil qilindi.

Tahlil va natijalar. 25.06.2023 yilda Qashqadaryo viloyati Kitob tumani "Samadov Diyorbek" fermer xo'jaligida 2 gektar maydonga mosh urug'lari dorilab ekildi. 16.07.2023 yilda Qashqadaryo viloyatining G'uzor tumani Qo'shtepa qishlog'i "Yulduz 1975"

fermer xo'jaligida 1,0 ga maydonga moshni Durdona navi urug'dorilagich preparatlar bilan turli xil sarfme'yorlarda mosh urug'lari dorilani b ekildi. Hududlar bo'yicha olib borilgan monitoring natijalariga ko'ra moshda eng ko'p antraknoz kasalligi uchrayotganligi kuzatilib, bu ko'rsatkich Qashqadaryo viloyati Kitob tumani "Samadov Diyorbek" fermer xo'jaligida 13,7-15,9% etdi. Qashqadaryo viloyatining G'uzor tumani Qo'shtepa qishlog'i "Yulduz 1975" fermer xo'jaligida esa 18,6% tashkil etdi.

Xulosa. Moshda uchragan antraknoz kasalligi moshning o'sishiga, hosildorlikka zarar etkazishini tajribalarimiz davomida kuzatdik. Laboratoriya bu kasallikni qo'zg'atuvchi zamburug' shtammlari ajratib olindi. Moshda uchrayotgan har qanday zamburug'li kasalliklar moshning hosildorligiga shuningdek moshning urug'larini sifati yomonlashishga olib keladi. Kasalliklarga qarshi kurashishda ekishdan urug'dorilagich preparatlarni va o'suv davrida fungitsidlarni to'g'ri qo'llash judayam yaxshi samarasini ko'rsatgan.

Kamola SHAMSIDDINOVA,

O'simliklar karantini va himoyasi ilmiy-tadqiqot instituti tayanch doktoranti.

ADABIYOTLAR

1. Билай В.И. Микроорганизмы - возбудители болезней растений / В.И. Билай, В.И. Гвоздяк, И.Г. Скрипаль и др., Под ред. Билай В.И. - Киев: Наук. Думка, 1988. -550 с
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – Москва. "Агропромиздат". 1985. – С. 351.
- 3.Пересыпкин В.Ф. Сельскохозяйственная фитопатология / В.Ф. Пересыпкин - 4-е изд., перераб и доп. - М.: Агропромиздат, 1989. - С.424 - 429.
4. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунги-цидларни синаш бўйича уسلурий кўрсатмалар (II нашр). – Тошкент, 2004. - 103 б.
- 5.Mubarak A.E. Nutritional composition and antinutritional factors of mung bean seeds (*Phaseolus aureus*) as affected by some home traditional processes. Food Chemistry, 89(4), - 2005. 489–495

LALMIKOR MAYDONLARDA NO'XATNING ASOSIY KASALLIKLARINING TARQALISHI

Annotatsiya. Ushbu maqolada Toshkent viloyati Qibray tumani, Samarqand viloyati Ishtixon tumani, Navoiy viloyati Nurota va Xatirchi tumanlarining tog' oldi, lalmikor maydonlarda no'xatning asosiy kasalliklarining tarqalishi, paydo bo'lishi va turlari kuzatilgan.

Kalit so'zlar: no'xat, yulduz, kasalliklar, Ildiz chirish, Fuzariyoz so'lish, Un shudring, Askoxitoz, lalmikor, maydon, zamburug'.

Аннотация. В данной статье рассмотрены распространение, появление и виды основных болезней гороха в предгорных, неорошаемых площадях Кибрайского района Ташкентской области, Иштиханского района Самаркандской области, Нурагинского и Хатырчинского районов Навоийской области.

Ключевые слова: горох, звездочка, болезни, Корневая гниль, Фузариозное увядание, Мучнистая роса, Аскохитоз, засуха, поле, гриб.

Abstract. In this article, the distribution, appearance and types of the main diseases of peas were observed in the foothills, Lalmikor areas of the Kybrai district of the Tashkent region, Ishtikhon district of the Samarkand region, Navoi region, Nurota and Khatirchi districts.

Keywords: pea, star, diseases, Root rot, Fusarium wilt, Powdery mildew, Ascochytoz, drought, field, fungus.

Kirish. Prezidentimizning 2019-yil 23-oktabrdagi "O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030-yillarga mo'ljallangan strategiyasida belgilangan vazifalar ijrosini samarali tashkil etishga doir qo'shimcha chora tadbirlar dasturida «Dukkakli don va moyli ekinlar urug'larini yetishtirish va yetkazib berishning samarali mexanizmini yaratish» bo'yicha ustuvor vazifalar belgilangan. Shu munosabat bilan Respublikamizning turli iqlim sharoitlarida no'xat mosh va loviyaning kasalliklariga chidamli navlarini tanlab olish, kasalliklarni keltirib chiqaruvchi zamburug' turlari, tarqalishini aniqlash va ularga qarshi hozirgi vaqtda sug'oriladigan va lalmikor maydonlarda kurash choralari o'rganilgan. Lalmikor yerlarda dehqonlar o'z holicha no'xat yetishtirishadi, ammo hosildorlik o'ta past, chunki kasalliklarning zarari yuqori.

No'xat (lot. *Cicer arietinum* L.) dukkakli o'simliklar oilasiga mansub o'simlik bo'lib, yashil no'xat, yasmaq, lyupin va soya bilan bir oilaga kiradi. Dukkaklilar oilasi 650 dan ortiq avlod va 18 000 turni o'z ichiga olgan gulli o'simliklarning uchinchi yirik oilasidir [1.] No'xatning dunyo bo'ylab eng keng tarqalgan navlari Desi va Kabuli turlari hisoblanadi. No'xat (*Pisum sativum* L.) dunyodagi eng qadimiy yovvoyi o'simliklarning xonakilashtirilgan ekinlaridan biridir. [2.]

Uning kelib chiqishi va dastlabki xonakilashtirish hududi O'rta er dengizida va Yaqin Sharq xududlaridir. Ayrim manbaalarda madaniy no'xatning dastlabki tarqalish xududlari G'arbiy Osiyo Turkmaniston va Eron xududlari ekanligi, keyinchalik O'rta er dengizlari, Hindiston va Tibet o'lkalarga tarqalganligi e'tirof etiladi. Bu dukkakli o'simliklarning qoldiqlari

eramizdan avvalgi 10-9-ming yilliklarga oid joylarda yuqori chastotalarda uchraydi, bu esa donli dukkakli o'simliklarni xonakilashtirish hatto donli ekinlardan ham oldinroq xonakilashtirilganligini ko'rsatadi [3.]

Dala no'xati (*Pisum sativum* L.) Amerika Qo'shma Shtatlarining Shimoliy Markaziy tekislik shtatlarida etishtiriladigan muhim dukkakli ekinlardan biridir. Shimoliy Dakota xududida 2013 yilda 320 000 g er maydoniga no'xat ekilgan bo'lib, AQSh hosilining qariyb 38 foizini tashkil qilgan. Qanchalik ko'p hududlarga ekilgan sari no'xatda uchraydigan fitopatogen kasalliklar ham hosildorlikka jiddiy zararlarni etkazmoqda. Tuproqdan o'simliklarga o'tadigan fitopatogen no'xat kasalliklari, shu jumladan vilt va ildiz chirishi katta iqtisodiy ahamiyatga ega bo'lib, hosildorlikning sezilarli pasayishiga olib kelishi mumkin. [4.] Dala no'xatining ildiz chirishiga ko'plab fitopatogenlar, *Fusarium oxysporum* f. sp. *pisi*, *F. solani* f. sp. *pisi*, *Aphanomyces euteiches*, *Mycosphaerella pinodes*, *Pythium* spp. va *Rhizoctonia solani* kabi mikromiset simptomlar ko'pincha no'xat ildizining chirishi kasalligiga olib keladi. [5.]

Ushbu kasallik qo'zg'atuvchilari orasida Ular orasida *Fusarium* turkumi vakillari hosil qiluvchi ildiz chirishi eng jiddiy kasallikka sabab bo'ladi. Sharqiy Vashington shtatida *F. solani* f. bilan zararlangan tuproqdan yuqishi oqibatida hosildorlikni 30% ga kamaytirdi. [6.]

Respublikamizda dastlab dukkakli don ekinlar tog' oldi va lalmikor yerlarda yetishtirilgan. No'xat o'simligi suvga chidamli bo'lganligi sababli hamda ekin turi asosiy bo'lmaganligi uchun faqat sug'orilmaydigan maydonlarda dehqonchilik qilishgan. O'simlik asosan

Lalmikor yerlarda no'xatning asosiy kasalliklarini paydo bo'lishi va turlari
(Toshkent, Samarqand, Navoiy viloyatlari, 2023-y.)

Kuzatuv olib borilgan joylar	Kasallik turlari											
	Ildiz chirish (<i>Rhizoctonia solani</i>)			Fuzariyoz soʻlish (<i>Fusarium oxysporum</i> f.sp. <i>ciceris</i>)			Un shudring (<i>Leveillula</i> <i>taurica</i> .f. <i>ciceris</i>)			Askoxitoz (<i>Ascochyta rabiei</i>)		
	10.04	20.04	30.04	10.04	20.04	30.04	10.04	20.04	30.04	10.04	20.04	30.04
Toshkent viloyati												
Qibray tumani institut tajriba maydoni	-	-	+	-	-	-	-	-	-	-	+	++
“Turkiston Shernazarova Nargiza” fermer xoʻjaligi	-	-	+	-	-	+++	-	-	-	-	+	+
Samarqand viloyati												
“New gold stars” fermer xoʻjaligi	-	-	-	-	-	+	-	-	+	-	-	+
DDEITI Samarqand ilmiy tajriba stansiyasi	-	-	+	-	-	+	-	-	-	-	+	+
Navoiy viloyati												
“Oltinobod qiroli”fermer xoʻjaligi	-	+	+	-	-	+	-	-	-	-	+	+
“Mehnatobod” fermer xoʻjaligi	-	-	++	-	-	+	-	-	-	-	+	+

Izoh: - kasallik yo'q

+ kasallik bor

++ o'rtacha

bahorgi namlik va yog'ingarchili hisobidan rivojlangan.

Mamlakatimizda O'zbekiston 32, Yulduz, Milyutin-6, navlari ekib kelingan, chunki yuqoridagi navlar lalmikorda ekish uchun reestrga kiritilgan. O'suv davrlari 80 kun bo'lib, lalmikor yerlarda 8-12 g s ga hosil bo'lib hosil bergan. 1000 ta don ogirligi 260-300 grammni tashkil etadi, qirgochqillikka chidamli navlar hisoblanadi nisbatan erta pishar navlar hisoblanadi.

Tadqiqot materiallari va uslubi. Mashhurutli kuzatuvlarimizda ham 3 ta viloyatning Toshkent viloyati Qibray tumani institut tajriba maydoni va “Turkiston Shernazorova Nargiza” fermer xo‘jaligi, Samarqand viloyati Ishtixon tumanidagi “Nev gold stars” fermer xo‘jaligi, DDEITI Samarqand ilmiy tajriba stansiyasi va Navoiy viloyati, Nurota tumani “Mehnatobod” fermer xo‘jaligi Xatirchi tumanidagi “Oltinobod qiroli” fermer xo‘jaligining tog‘ oldi, lalmikor maydonlarida amalga oshirildi.

Natijalar va munozara. Kuzatilgan lalmikor yerdagi no'xat o'simligini ekilgan muddatlari va kasallik paydo bo'lgan vaqtlari ushbu jadvalga aks etirilgan. No'xatning yulduz navi 27 martda ekilgan bo'lib, ildiz chirish kasalligi 20 aprelda, fuzarioz so'lish va asxositoz kasalliklari ham 20 apreldan keyin paydo bo'la

boshladi. Faqatgina un shudring kasalligi kuzatilmadi. Havo harorati 14-16°C bo'lishi bilan kasallikni birinchi belgilari paydo bo'lganligi kuzatildi. Samarqand viloyati xo'jaliklarida lalmikor yerlarda no'xat ekish 15 martda ekish boshlanib, kasalliklarni paydo bo'lishi asosan aprel oyining oxirgi dekadasi ga to'g'ri keldi. Barcha kasalliklar kuzatildi. Navoiy viloyati lalmikor yerlarida ekish 20-25 martlarga to'g'ri kelib, kasalliklarni un shudringdan tashqari ildiz chirish, fuzarioz so'lish, askoxitoz kasalliklari yosh nihol paytidan tarqalishi aniqlandi. Sababi zamburug' sporalari ni qishlaydigan joy bu lalmi yerdagi begona o'tlar hisoblanadi. (1-2-jadvallar)

Xulosa qilib aytganda, Lalmikor yerlarda ekilgan no'xatning asosiy fitopatogen kasalliklari no'xat yetish tirishda eng jiddiy xavflardan biri bo'lib, u o'simlikning rivojlanishini to'xtatib, hosildorlikka katta iqtisodiy zarar yetkazadi. zamburug' sporalarini qishlaydigan joy bu lalmi yerdagi begona o'tlar hisoblanadi. Shuning uchun mazkur kasalliklarga qarshi turli profilaktik va agrotexnik choralar ko'rish zarur, jumladan, tuproqni dezinfeksiya qilish, kasallangan o'simliklarni o'tqazmaslik va zararlangan tuproqdan foydalanmaslik (almashlab ekish) muhim omil hisoblanadi.

Lalmikor yerlarda no'xatning asosiy kasalliklarini tarqalishi
(Toshkent, Samarqand, Navoiy viloyatlari, 2023-y.)

Kuzatuv olib borilgan joylar	Noʻxat navi	Kuzatilgan maydon, ga	Kasallik turlari							
			Ildiz chirish (<i>Rhizoctonia solani</i>)		Fuzariyoz soʻlish (<i>Fusarium oxysporum</i> f.sp. <i>ciceris</i>)		Un shudring (<i>Leveillula taurica</i> . f.ciceris)		Askoxitoz (<i>Ascochyta rabiei</i>)	
			Kasallikning tarqalishi	Kasallikning rivojlanishi, %	Kasallikning tarqalishi	Kasallikning rivojlanishi, %	Kasallikning tarqalishi	Kasallikning rivojlanishi, %	Kasallikning tarqalishi	Kasallikning rivojlanishi, %
Toshkent viloyati										
Qibray tumani institut tajriba maydoni	Oʻzbekiston 32	-	12,9	2,5	31,2	9,3	17,7	3,5	31,3	12,5
“Turkiston Shernazarova Nargiza” f/ x	yulduz	5,0	16,5	3,3	26,4	7,9	10,0	1,1	34,9	14,0
Samarqand viloyati										
“New gold stars” f/ x	yulduz	1,0	11,2	2,2	21,9	6,5	19,1	3,8	29,9	8,9
DDEITI Samarqand ilmiy tajriba stansiyasi	yulduz	5,0	14,5	2,9	30,3	9,0	12,0	2,4	32,4	12,9
Navoiy viloyati										
“Oltinobod qiroli” f/x	Milyutin-6	5,0	10,1	2,0	26,9	8,0	15,6	3,1	35,6	17,8
“Mehnatobod” f/x.	Yulduz	15,0	9,9	1,0	33,1	13,2	13,2	2,6	31,7	12,6

Nazigul RAZZOKOVA,

O'simliklar karantini va himoyasi ilmiy-tadqiqot instituti tayanch doktoranti (PhD).

ADABIYOTLAR

1.Lock, M.; Mackinder, B.; Schrirer, B.; Lewis, G. Legumes of the World; 2005; Royal Botanical Gardens: Kew, UK.

2. Ambrose, M.J. From Near East centre of origin the prized pea migrates throughout world. Diversity 1995, 11, 118–119

3.Hopf, M.; Zohary, D. Domestication of Plants in the Old World; 2000; Oxford University Press: Oxford, UK. [Google Scholar].

4. Mathew, F. M., Lamma, R. S., Chittem, K., Chang, Y. W., Botschner, M., Kinzer, K., Goswami, R. S., & Markell, S. G. (2012). Characterization and pathogenicity of Rhizoctonia solani isolates affecting Pisum sativum in North Dakota. Plant Disease, 96, 666–672.

5. Kraft, J. M., & Pflieger, F. L. (2001). Compendium of Pea Diseases and Pests(2nd ed.). St. Paul: The American Phytopathological Society.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ПОЛИЗ ЭКИНЛАР БИОТОПИДА ИККИ ҚАНОТЛИЛАР ТУРКУМИ ТУРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БИОЭКОЛОГИЯСИ

Аннотация. Мақолада Қорақалпоғистон Республикаси шароитида полиз экинлари далаларида учрайдиган икки қанотлилар туркуми вакилларининг турлари, биоэкологик ривожланиш хусусиятига кўра озиқланиши, тарқалган ареаллари бўйича маълумотлар берилган. Шунингдек, полиз экинлари далаларида икки қанотлилар туркуми вакилларининг ривожланиш динамикаси бўйича илмий тадқиқотлардан олинган натижалар келтирилган.

Калит сўзлар: икки қанотлилар, қовун пашша, говақловчи пашша, энтомофаглар.

Аннотация. В статье приведены сведения о видах двукрылых, встречающихся на полях бахчевых культур в условиях Республики Каракалпакстан, их питания, биоэкологическом развитии и ареалах распространения. Также представлены результаты научных исследований динамики развития представителей семейства двукрылых на полях бахчевых культур.

Ключевые слова: двукрылые, дынная муха, минирующая муха, энтомофаги.

Abstract. The article provides information about the species of dipterans found in melon fields in the Republic of Karakalpakstan, their nutrition, bioecological development and distribution areas. The results of scientific studies of the dynamics of development of representatives of the Diptera family in melon and melon fields are also presented.

Keywords: diptera, melon fly, leafminer fly, entomophages.

Кириш. Қишлоқ хўжалик экинларининг асосийларидан ҳисобланган полиз экинлари турларидан қовун (*Cucumis melo* L), тарвуз (*Citullus lanatus* L), қоқоннинг (*Cucurbita pepo* L) вегетатив ва генератив таначалари ривожланиши, гектаридаги туپ сони ва жойлашиш шароитларининг тупроқ юзасида қалин қоплама ҳосил қилиши туфайли биотопдаги ўзига хос микроклимни ташқил қилади. Натижада, вегетация даврининг иссиқ кунларида полиз экинлари далаларидаги ҳаво ҳарароти бошқа далаларга нисбатан 5-6°C паст, ҳаво нисбий намлигининг 5-10% юқори бўлиши биотопда кўплаган бугимоёқлиларнинг турлари тўпланиб, биоценоз аъзоларининг озукланиш занжирини ҳосил қилади. Бундай далаларда ривожланаётган ҳашаротларнинг айрим турлари ўсимлик таналари билан озукланиши туфайли катта зарар келтирадиган турларга айланганлиги исботланган. Икки қанотлилар (*Diptera*) туркуми вакилларидан ҳисобланган қовун пашшаси ва говақловчи пашша турларига қарши кураш тадбирларни олиб боришда вужудга келган муаммолар бугунги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мавжуд муаммони илмий асослаш мақсадида полиз экинлари далаларида тарқалган икки қанотлилар туркуми вакилларининг ривожланиш биоэкологияси, динамикаси, айрим турларига қарши зудлик билан кураш тадбирларини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Тадқиқот материаллари ва усули. Полиз

экинлари турлари далаларида ривожланадиган икки қанотлилар туркуми вакилларининг етук зоти, тухуми, қурти ва ғумбагини ҳисобга олиш, динамикаси ва биоэкологик ривожланиш хусусиятларини ўрганиш ва фенограмма тузишда Б.В.Добровольский [2], К.К.Фасулати [4], В.Ф.Палий [3], зараркунанда турларининг динамикаси, зарар келтириш мезони Б.П.Адашкевич [1], Ш.Т.Хўжаев [5] методик услубларидан фойдаланилиб ўрганилди.

Таҳлил ва натижалар. Полиз экинлари далаларидаги биоценоз аъзоларининг ривожланиш хусусиятлари ўзига хос бўлиб, ёзнинг иссиқ кунлари ҳисобланган июль ва август ойларида мазкур микроклим шароитида икки қанотлилар вакилларининг кўплаган турлари ушбу далаларга тўпланадиганлиги ҳисобга олинди. Ушбу турлар орасидаги биологик жараёнларни аниқлаш мақсадидаги тадқиқотларимиз давомида Қорақалпоғистон Республикаси полиз экинлари биоценозида икки қанотлилар туркуми вакилларининг кўплаган турлари етук зоти, тухум, қурт ва ғумбаклари ривожланадиганлиги ҳисобга олинди. Ушбу турларнинг кўпайиш жараёнлари ўсимлик турлари ва фазаларига боғлиқ ўзгариб борадиганлиги қайд этилди.

Полиз экинлари худудининг об-ҳаво шароитига қараб, апрель ойининг II-III ўн кунликларидан бошлаб экилиб, июнь ойига бориб эртапишар навларининг ўсиб-ривожланиш даврида барглари сонининг кўплиги, палак ёйиб ўсиши қулай микроклим ҳосил



қилади. Ушбу навларидан бошлаб вегетация даври охиригача олиб борилган кузатувлар натижасида, далада икки қанотлилар туркуми вакиллари-нинг кўплаган турлари тўпланиб ривожланадиган биотоп эканлиги исботланди (Жадвал 1).

Худуднинг агроиклим шароитида тарқалган икки қанотлилар туркуми вакиллари-дан полиз экинлари-нинг вегетация даврининг дастлабки фазаларида қовун пашша, ғовакловчи пашша, пашшачалар, қора пашша, кулранг гўшт пашшалар, қарам пашша, ҳақиқий чивин, тахина пашша, сирфид пашша, галлицалар, шерчалар, юмалоқ чоклилар кўп учрайди. Полиз экинлари далаларидаги чириган мева ва бошқада органик моддаларда қора пашша ва кулранг гўшт пашшаларнинг кўпроқ сонда ривожланиши кузатилди.

Турларнинг ривожланиш биоэкологиясига боғлиқ бўладиган жараёнлардан ҳисобланган ўсимликларга келтирадиган зарарлилик даражаси ўрганилганда белгили турлари ўсимлик танасидаги озуқалар билан озикланиши туфайли зарар келтирадиганлиги аниқланди. Мазкур турлар полиз экинлари-га морфологик жиҳатдан бироз ухшайдиган бодринг турида тўпланиб, ривожланадиганлиги қайд этилди.

Илмий изланишларимиз натижасига кўра, полиз экинлари далаларида учрайдиган икки қанотлиларнинг морфологик тузилиши, тарқалиш ареаллари, биоэкологик ривожланиш хусусиятлари, ўсимликка боғлиқ бўлган ўзига хос озикланишлари асосида учта гуруҳга ажратилди.

Биринчи гуруҳга икки қанотлилардан қовун пашша ва ғовакловчи пашша турлари полиз экинларининг вегетатив ва генератив таналари билан озикланиши натижасида ўсимликнинг ўсиб-ривожланишдан орқада қолдиради, олинадиган ҳосилдорликка салбий таъсир этади.

Иккинчи гуруҳ вакиллари-га ўсимликка зарар келтирадиган зараркунандаларнинг паразит ва йиртқич энтомофаглари-дан сирфид пашша, тахина пашша ва галлиц афидимиза турлари ҳисобланиб, сонини камайтиришда фаол биологик омиллардан ҳисобланади.

Учинчи гуруҳ вакиллари-га полиз экинларининг вегетация даври давомида учраб, озикланишига копрофаг типига мансуб турлар эканлиги аниқланди.

Икки қанотлиларнинг ўсимлик танасидаги озуқалар билан тирикчилик қилиб, зарар келтирадиган турларидан ҳисобланган қовун пашшанинг тарқалган ареаллари кенгайиб бормоқда. Республиканинг шимолий туманларда етиштирилаётган қовун биотопида қовун пашшаси етук зоти сони ўртача 100 туп ўсимликка 2,5-4,3 дона, тарвузда, марказий ҳудудларда 2,1-3,5 донегача учраганлиги қайд этилди.

Далаларда ривожланиш жараёнларида асосий зараркунандалар ҳисобланган қовун пашша ва ғовакловчи пашша етук зотлари, қовун далаларида вегетация даври охиригача фаол даражада тарқалиб, зарар келтирганлиги ва август ойи охири сентябрь бошида 100та ўсимликда 9,6-7,8 дона, тарвузда 5,0-2,9 дона, қоқоқда 11,2-14,2 дона қовун

1-жадвал.

Қорақалпоғистон шароитида полиз экинлари биотопида учрайдиган ва зарар келтирадиган икки қанотли ҳашаротлар турлари

№	Ҳашаротлар турлари	Латинча номи	Полиз экинлари			Бодринг
			Қовун	Тарвуз	Қоқоқ	
1	Қовун пашша	<i>Myiopardalis pardalina</i> Big	++	++	++	++
2	Ғовакловчи пашша	<i>Liriomyza bryoniae</i> (Kaltenbach)	++	++	++	++
3	Қарам пашшаси	<i>Delia floralis</i>	+	+	+	+
4	Қора пашша	<i>Musca domestica</i>	++	+	+	+
5	Ҳақиқий чивин	<i>Culex pipiens</i>	++	+	+	+
6	Дрозифила мева пашша	<i>Drosophila melanogaster</i>	++	+	+	+
7	Сирфид пашша	<i>Scaeva pyrastris</i> L	+	+	++	+
8	Тахина пашша	<i>Chytomyia helluo</i> F	+	+	++	+
9	Галлиц афидимиза	<i>Aphidoletes aphidimyza</i> Rand	+	+	++	+
10	Пашшачалар	Simuliidae	+	+	+	+
11	Шерчалар	Stratiomyidae	+	+	+	+
12	Юмалоқ чокилар	Cyclorrhapha	+	+	+	+
13	Кулранг гўшт пашшалар	Sarcophagidae	+	+	+	+

Изоҳ: + - ҳашарот далада учради,
++ - далада учраб, зарар келтирди.

пашшаси тарқалиб, ҳосилнинг камайишига катта зарар келтирилганлиги қайд этилди.

Икки қанотлилардан энтомофаг турларнинг тарқалиши июнь ва июль ойларида фаол даражада эканлиги, август ойи охиригача 11,5 дона, сентябрь ойидан сони камайганлиги кузатилди. Тарвуз далаларида сони август ойида 6,0-6,5 дона, сентябрь ойида кам сонда ривожланишини давом этди. Қовоқ далаларида август ойи охирида 9,2 донагача ривожланганлиги қайд этилди.

Полиз экинлари далаларида ўсимликнинг чирган ва бошқада қисмлари билан озикланадиган турлари сентябр ойи бошида қовун далаларида 100та ўсимликда 16,5 дона, тарвузда 12,4 дона, қовоқда 8,2 дона атрофида кўпайганлиги маълум бўлди. Бундан кўриниб турганидек, полиз экинлари далаларида ривожланадиган икки қанотлилар туркуми вакиллари зараркундалари, энтомофаглари билан бошқа турларининг қовоқ даласида фаол даражада ривожланишига абиотик ва биотик омиллар элементлари таъсир этиши қайд этилди.

Ғовакловчи пашшанинг ривожланиш динамикасини аниқлаш учун май ойидан бошлаб, август охиригача қовун, тарвуз, қовоқ ва бодринг экилган далаларда кузатувлар ўтказилди. Қовун далаларида май ойининг иккинчи ўн кунлигидан ғовакловчи пашша етук зоти учради. Июнь ойидан сони кўпайиб, июл ойида 100та ўсимликда ўртача 2,8-4,2 дона, кечпишар навларда август охиригача фаол ривожланди. Тарвузда май ойидан учраганлиги қайд этилиб, июн ойида 0,9-1,3 дона, июлда 1,4-0,6 дона, август охиригача 0,4 донага камайганлиги маълум бўлди. Қовоқ далаларида май ойидан учраб, июнь ойи охириги ўн кунлигида ўртача 3,6 дона, июль ойида 3,9-6,3 дона, августнинг биринчи ўн кўнлигида 6,8 донагача кўпайганлиги аниқланди.

Бодрингда зараркунанда кўртлари фаол ривожланиб, май ойи давомида 1,3-3,2 дона, июнь ойида 4,1-5,2 дона, июлда 6,3-6,9 дона ва август ойида эса 7,6-11,4 донагача кўпайиши аниқланди. Бодринг кўчатлари иссиқхоналарда тайёрланиб, май ойи бошидан далага ўтказилиши, кечпишар навларининг ўсиб-ривожланиши август-сентябрь ойларида фаол бўлиши зараркунанданинг юқори даражада ривожланишига имконият яратилади.

Хулоса. Қорақалпоғистон шароитида полиз экинлари далаларида вегетация даврининг бошидан то охиригача икки қанотлилар туркуми вакиллари қовун пашша - *Myiopardalis pardalina* Big, ғовак ҳосил қилувчи пашша - *Liriomyza bryoniae* (Kaltenbach), карам пашшаси - *Delia floralis*., қора пашша - *Musca domestica*., ҳақиқий чивин - *Culex pipiens*., дрозифила мева пашша - *Drosophila melanogaster*., сирфид пашша - *Scaeva pyrastris* L., тахина пашша - *Clytiomyia helluo* F., галлиц афидимиза - *Aphidoletes aphidimyza* Rand., пашшачалар - *Simuliidae*., шерчалар - *Stratiomyidae*., юмалоқ чокпилар - *Cyclorrhapha*., кулранг гўшт пашшалар - *Sarcophagidae* турлари фаол ривожланиши аниқланди.

Полиз экинлари далаларида биоэкологик ривожланиш хусусиятлари, ўсимликка боғлиқ бўлган ўзига хос озикланишлари асосида учта гуруҳга: зараркундалар, энтомофаглари ва зарар келтирмайдиган бошқа турларга ажратилди. Икки қанотли туркуми зараркундалардан қовун далаларида август ойи охири ва сентябрь бошида 100та ўсимликдаги сони 9,6-7,8 донани, тарвуз даласида 5,0-2,9 дона, қовоқда 11,2-14,2 дона эканлиги, энтомофаглари сони июл ойида 4,9 дона, августда 9,2 дона, сентябрь 7,3 дона ривожланганлиги қайд этилди. Зарар келтирмайдиган бошқа пашша турлари қовоқда август ойида 7,4-11,7 дона, сентябрь ойи бошида қовунда 16,5 дона, тарвузда 12,4 донагача ривожланганлиги қайд этилди.

Ғовакловчи пашша май ойидан полиз экинлари далаларида тўпланиб, июн, июл ва август ойларида фаол ривожланади. Август ва сентябрь ойларида қовун ва тарвуз навлари ҳосили йиғиб-териб олиниб, барглари ва палакларининг қуриши натижасида зараркунанда етук зотлари бодринг ва иссиқхона ўсимликларига миграция қилади.

Турлар орасидаги бир-бирига нисбатини таққослаган ҳолда, зарар келтирадиган турларига қарши кураш тадбирларини олиб борилганда, бошқаларига қиладиган таъсир даражасини ҳисобга олиб, мазкур далалардаги энтомофагларида самарали фойдаланишни жорий этиш тавсия этилади.

Рисназар ЮСУПОВ, қ.х.ф.д., доцент,
Елмурат ТОРЕНИЯЗОВ, қ.х.ф.д., профессор,
Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Адашкевич Б.П. «Биологическая защита крестоцветных овощных культур от вредных насекомых». – Ташкент: «ФАН», 1983. – С. 180-188.
2. Добровольский Б.В. Фенология насекомых. – М.: Высшая школа, 1969 – 231 с.
3. Палий В.Ф. Методика изучения фауны и фенологии насекомых. – Воронеж, 1970. – 189 с.
4. Фасулати К.К. Экология и хозяйственное значение насекомых. – Ленинград, 1961. – 231 с.
5. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар (II-нашр). – Тошкент, 2004. – 102 б.

МАҲАЛЛИЙ ВА ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН ЎЗГИ ОЛМА НАВЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИ

Аннотация. Мақолада Тошкент вилояти шароитида ўрганилган ўзги олма навлари ҳосилдорлиги бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич бўйича маҳаллий «Ойдин», «Рустамий» ва интродукция қилинган Дейтон, Вадимовка навлари бошқа навлардан ҳосилдорлиги юқорилиги билан ажралиб чиққан ва уларнинг ҳосили ўртача 30,3-39,2 туп/кг ни ташкил этган.

Калим сўзлар: интенсив, бог, олма, ўзги навлар, ҳосилдорлик, маҳаллий, интродукция, сифат кўрсаткич.

Аннотация. В статье приведены данные по урожайности летних сортов яблони, изученных в условиях Ташкентской области, по этому показателю местные сорта «Ойдин», «Рустамий» и интродуцированные Дейтон, Вадимовка отличались от других сортов высокой урожайностью, и их урожайность в среднем составила 30,3-39,2 дер/кг.

Ключевые слова: интенсивные, садовые, яблони, летние сорта, урожайность, местные, интродукция, показатель качества.

Abstract. The article presents data on the yield of summer apple varieties studied in the conditions of the Tashkent region, according to this indicator, the local varieties «Oydin», «Rustamiy» and introduced Dayton, Vadimovka differed from other varieties in high yield, and their yield averaged 30.3-39.2 tree/kg.

Keywords: intensive, garden, apple, summer varieties, yield, local, introduction, quality indicator.

Кириш. Ўзбекистоннинг суғориладиган ҳудудлари паст бўйли пайвандтагга уланган мева-ли боғларни барпо қилиш учун жуда қулай, шунинг учун ҳам бу, ҳосилдорлиги ва мева сифати юқори бўлган олма навларидан боғлар барпо қилиш, ички ва ташқи бозорни таъминлаш имконияти кенг эканлигидан далолат беради.

Мевачиликни интенсивлаштириш олма навлари-га бўлган талабни ҳам ўзгартирмоқда. Ҳозирда интенсив технологияларга мос келадиган ушбу тип-даги олма навларига талаб ошиб бормоқда. Бунинг учун эса паст бўйли, ҳосилдорлиги юқори, бог-да ишлатиладиган механизацияларга мос, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, солкашликка кам учрайдиган, мева шохлари спур типда бўлган навлар устида тадқиқотлар олиб бориш ва уларни интродукция қилиш муҳимдир.

Мевасининг фойдаланиш йўналишига кўра, янги ҳолича истемолга яроқли-сувли, таъми ширин, ўзоқ муддат сақланувчан, узоққа ташишга чидамли бўлган навларга талаб юқоридир. Интродукция қилинган навларни биологик хусусиятлари, помоло-гик белгиларини ўрганиш, хўжалик хусусиятларини таҳлил қилиш, уларни мавжуд олдиндан экиб келин-ган навлар билан таққослаш ва экиш мумкин бўлган ҳудудни танлаш ҳамда селекцияда фойдаланиш имконини беради.

Олма навини қийматининг муҳим кўрсаткичи бу унинг маҳсулдорлиги бўлиб, унинг асосий компоненти ҳосилдорликдир [1,2]. Оптимал ўсиш шароитида олма дарахтининг ўртача ҳосилдорлиги кучли ўсадиган пайвандтагларда бир туп дарахтдан

70-100 кг гача, ўрта бўйли пайвандтагларда экилган дарахтлардан 50-75 кг, турли хил экиш схемаларида паст бўйли пайвандтагларда экилган дарахтлардан 25-50 туп/кг мева ҳосили олиш мумкин [7,6].

Кўпгина замонавий олма навларининг маҳсул-дорлиги юқори бўлиб, нав ва пайвандтагларнинг хусусиятлари, тупроқ-иқлим шароитлари ва ўсиш жойи, шунингдек бог-да амалга ошириладиган агро-технологиялар билан белгиланади [3,4].

Тадқиқот материаллари ва услублари. Интен-сив ўзги олма навлари ҳосилдорлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар Тошкент вилояти тупроқ-иқлим шароитида 2014 йилда олманинг паст бўйли М-IX пайвандтагида экилган интенсив бог-да олиб борил-ди. Олма навлари дарахтлари 4,0х2,5 м.схемада экилган, тик симбағазларда, пальметта усулида шакл бериб ўстирилган бўлиб, ҳар бир вариантда 5 та дарахтдан 4 тақорланишда ҳисоб ва кузатув-лар олиб борилди.

Меваларнинг теримбоп етилиш муддатини аниқлаш – Н.А.Целуйко услуги бўйича, мевалар-даги крахмални аниқлаш учун калий йодид эрит-масидан (1 л дистилланган сувга 1 г) фойдаланган ҳолда ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» ком-пьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан Б.А.Доспехов [5] услуги бўйича ҳисобланди.

Натижалар ва мунозара: М-IX пайвандтагида экилган ўзги олма навлари 4,0х2,5 м. схемада экилганда бир туп дарахтдаги ўртача ҳосилдорлик 11,3-39,2 кг.ни ташкил қилди. Энг юқори ҳосил

«Рустамий», «Ойдин», Дейтон ва Вадимовка навларида энг юқори 30,3-39,2 кг. гача олинганлиги аниқланди. Энг кам ҳосилдорлик эса Пристин, «Қизил Жонақи» «Елена» навларида (11,3-14,8 кг) қайд қилинди. Оралиқ олинган ҳосил Вильмс Прайд навида 25,4 кг.ни ташкил қилди. Ҳосилдорлик назорат «Первенец Самарканда» (st) навиға нисбатан «Рустамий», «Ойдин», Дейтон, Вадимовка ва Вильмс Прайд навларида 43,5-121,5% га юқори, Пристин ва «Қизил Жонақи» навларида эса 26,6-36,2% га паст натижани қайд этди (1-жадвал).

Ўзги олма навлари ҳосилдорлиги (2020-2022 йй.)

Навлар	Ҳосилдорлик, кг/дар.				Назоратга нисбатан, %
	2020 й.	2021 й.	2022 й.	Ўртача	
«Первенец Самарканда» (st)	18,75	14,10	20,33	17,7	100
«Ойдин»	32,80	34,50	40,05	35,8	202,2
«Елена»	13,50	12,98	17,95	14,8	83,6
Қизил Жаноқи	13,30	10,15	15,50	13,0	73,4
«Рустамий»	35,40	34,28	47,78	39,2	221,5
Мантет	24,50	12,78	12,98	16,8	94,9
Старк Эрлист	22,30	13,48	13,90	16,6	93,8
Вильмс Прайд	25,80	18,83	31,58	25,4	143,5
Пристин	11,50	11,03	11,40	11,3	63,8
Дейтон	28,30	23,48	39,13	30,3	171,2
Вадимовка	30,83	21,08	40,10	30,7	173,4
ЭКФ _{0,5}	0,6	0,5	0,6	0,3	-
Sx	0,09	0,08	0,09	0,05	-

Навнинг иқтисодий самарадорлигини белгилашда унинг ҳосилдорлиги билан бирга мева сифатининг бир қатор кўрсаткичлари ҳам инобатга олинади. Жумладан, меваларининг пишиш муддати, ҳажми, мева таркибидаги қанд миқдори, кислоталилик кўрсаткичи, мевани дигустация баҳоси кабилар ҳам муҳим ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичлар ва унинг озукавий афзалликлари олма навларини ўсиш шароитларига, вегетация даврининг об-ҳаво шароити, боғда ўтказиладиган агротехник тадбир-

лар мажмуасига, нав ва пайвандтаг хусусиятларига боғлиқдир.

Ўсиш даври шароитлари мева сифатини шаклланишига сезиларли таъсир қилади. Ўсиш мавсумининг қулай шароитида меваларнинг тижорат сифати 99,8% га етиши мумкин. Зараркунандалар, касалликлар, қурғоқчилик, ортиқча намлик мева сифатига салбий таъсир қилади натижада, уларнинг ҳажми ва вазни камаяди, бу одатда уларни иқтисодий кўрсаткичини пасайтиради.

Олма сифат кўрсаткичларининг мутлақ 1-жадвал. қийматлари йилга қараб фарқ қилади, аммо бу навга хос бўлиб қолади. Шунинг учун ҳосилдорлик кўрсаткичлари юқори бўлган ўзги олма навлари тавсифини келтираимиз.

«Ойдин» гуллаш давридан меваларни терим давригача бўлган кунлар сони 106-109 кунни ташкил этади, меваси 25-30 июль саналарида пишиб етилади, мевалар ҳажми ўртача катта, бир дона мевасининг ўртача оғирлиги 140-160 г. Мева таркибидаги қанд моддаси 11,3%, кислоталилик 0,51%, қуруқ моддаси 14,3%, ва сув миқдори 85,7%. Мевани дигустация баҳоси 4,6 балл.

«Рустамий» гуллаш давридан меваларни терим давригача бўлган кунлар сони 104-110 кунни ташкил этади, меваси 22-29 июль саналарида пишиб етилади, мевалар ҳажми ўртача катта, бир дона мевасининг ўртача оғирлиги 170-180 г. Мева таркибидаги қанд моддаси 11,5%, кислоталилик 0,85%, қуруқ моддаси 13,5%, ва сув миқдори 86,5%. Мевани дигустация баҳоси 4,5 балл.

Дейтон гуллаш давридан меваларни терим давригача бўлган кунлар сони 102-105 кунни ташкил этади, меваси 22-28 июль саналарида пишиб етилади, мевалар ҳажми катта (йирик), бир дона мевасининг ўртача оғирлиги 230-240 г. Мева таркибидаги қанд моддаси 12,2%, кислоталилик 0,57%, қуруқ моддаси 14,9%, ва сув миқдори 85,1%.



«Ойдин»



«Рустамий»



Дейтон



Вадимовка

Олма навлари меваларининг кўриниши

Мевани дигустация баҳоси 4,6 балл.

Вадимовка гуллаш давридан меваларни терим давригача бўлган кунлар сони 103-107 кунни ташкил этади, меваси 20-31 июль саналарида пишиб етилади, мевалар ҳажми катта (йирик), бир дона мевасининг ўртача оғирлиги 250-260 г. Мева таркибидаги қанд моддаси 12,0%, кислоталилик 0,67%, қуруқ моддаси 14,1%, ва сув миқдори 85,9%. Мевани дигустация баҳоси 4,5 балл.

Хулоса. Энг юқори ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича ёзги навлар орасидан маҳаллий «Ойдин»,

«Рустамий» ва интродукция қилинган Дейтон, Вадимовка навлари ажралиб чиқди. Ушбу навлардан бир туп дарахтдан олинган ҳосил 30,3-39,2 кг ни ташкил этди ва назорат навага нисбатан 71,2-121,5% юқори эканлиги аниқланди.

Ушбу навларни мевасининг сифати ҳам юқори бўлиб, ёзги нав сифатида ишлаб чиқаришга тавсия қилиш мумкин.

Хилола БОБОЕВА,

Академик М.Мирзаев номидаги БУВаВИТИ докторанти.

АДАБИЁТЛАР

1. Абаев, С.А. Влияние подвоя на продуктивность яблони в Центральном Предкавказье: материалы 4 международной науч.-практ. конф. (5-6 авгус.2001 г.) / Владикавказ, 2001. – С. 596-598.
2. Балашов, А.А., Григорьева Л.В., Ершова, О.А. Урожай и рост привойно-подвойных комбинаций яблони в интенсивном саду // Достижения науки и техники АПК.– № 11. – 2010. – С. 59-61.
3. Витковский, В.И. Плодовые растения мира / СПб: издательство «Лань», 2003. – 592 с.
4. Григорьева, Л.В. Факторы повышения продуктивности яблоневого насаждений // Садоводство и виноградарство. – 2002. – № 4. – С. 3-5.
5. Доспехов Б. А. Методика полевого опыта с основами статистической обработки результатов исследований. Изд. 5. доп. и перераб. - М.: Агро-промиздат, 1985. –С. 301-325.
6. Седова, З.А., Седов, Е.Н., Соколова, С.Е. Источники и доноры высокого содержания аскорбиновой кислоты у яблони // Садоводство и виноградарство. – 1997. – № 3. – С. 19-21.
7. Сергеев, Ю.И. Влияние системы формирования на уровень освещённости кроны в условиях интенсивных насаждений яблони на юге России // Плодоводство и виноградарство Юга России [Электронный ресурс].– Краснодар: СКЗНИИСиб, 2013. – № 23 (5).– С. 76-85.

UO‘T: 636.084.03

TADQIQOT

GOLSHTIN ZOTLI SIGIRLAR YELIN KO‘RSATKICHLARINING KONSTITUTSIYA TIPIGA BOG‘LIQLIGI

Annotatsiya. Ushbu maqolada turli seleksiyasiga mansub golshtin zotli sigirlar yelining morfomunkSIONAL (yelin shaklli va so‘rg‘ichlari uzunligi, aylanasi, eni va yelin shartli hajmi) xususiyatlari konstitutsiya tipiga bog‘liq holda taqqoslab o‘rganildi va ma‘lumotlar keltirildi.

Kalit so‘zlar: seleksiya, zot, yelin funksiyasi, yelin morfologiyasi, yelin shartli hajmi, kosasimon, vannasimon, yelin shaklli, silindirsimon, konussimon.

Аннотация. В данной статье сопоставлены и изучены морфофункциональные характеристики вымени коров голштинской породы, принадлежащих к разным селекциям (форма вымени и длина сосков, окружность, ширина и условный размер вымени) в зависимости от типа конституции, а также представлены данные.

Ключевые слова: селекция, порода, функция вымени, морфология вымени, условный размер вымени, чашевидная, кадкообразная, вымяобразная, цилиндрическая, коническая.

Abstract. In this article, the morphofunctional characteristics of the udder of Holstein cows belonging to different selections (udder shape and teat length, circumference, width, and conditional size of the udder) were compared and studied depending on the type of constitution, and data were presented.

Keywords: selection, breed, udder function, udder morphology, conditional udder size, cup-shaped, tub-shaped, udder-shaped, cylindrical, conical.

Kirish. Dunyoda qoramolchilik tarmoqlarini yanada rivojlantirish, aholi uchun iste‘mol mahsulotlarini

yetkazib berish va bu mahsulotlar turlarini ko‘paytirish amaliy ahamiyatga ega. Respublikamizda chorvachilik

tarmog'iga katta e'tibor berilmoqda. Bunga O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi «2022-2026 yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida»gi PF-60-sonli Farmoni chorvadorlar sohasiga qaratilayotgan e'tibor natijasidir. Bizning tadqiqotlarimizda sutbop qoramollar ustida olib borilayotgan ilmiy izlanishlar aholini sifatli sut va sut mahsulotlari bilan ta'minlashdan iborat. Bu esa sigirlarda sut ishlab chiqariladigan organing (yelin alveolalari) morfofunksional xususiyatlarini o'rganish mavzuning dolzarbligini bildiradi.

Material va metodlar. Turli seleksiyaga mansub golshtin zotli sigirlarning yelin ko'rsatkichlari konstitutsiya tipiga bog'liqligini anqlashda ilmiy tadqiqotlar "Siyob Shavkat Orzu" qoramolchilikga ixtisoslashgan fermer xo'jaligida olib borildi. Tajriba uchun 3 ta guruh ajratildi: I guruhga Gollandiya (nozik-zich, mustahkam konstitutsiya tiplari), II guruh Germaniya (nozik-zich, mustahkam konstitutsiya tiplari), III guruh Daniya seleksiyasiga mansub (nozik-zich, mustahkam konstitutsiya tiplari) har bir konstitutsiya tiplaridan n=10 bosh olindi.

Olingan natijalar va ularning tahlili. Bizning izlanishlarimizni natijalari tajriba guruhlaridagi sigirlari yelinining shakl (vannasimon, kosasimon), so'rg'ichlari shakli (silindirsimon, konussimon) jihatidan tajriba guruhimizdagi turli seleksiyalarda farqlanish kuzatildi. Sut qoramolchiligiga ixtisoslashtirilgan xo'jalikda tajriba sigirlar guruhlarida sigirlarning barchasini yelin shakli zootexniyada umumma'lum bo'lgan ko'rsatkichlari orqali, vannasimon va kosasimon ekanligi aniqlandi. I guruh, II guruh va III guruhlariga mansub golshtin sigirlarida vannasimon shaklli yelining ega bo'lgan nozik-zich konstitutsiya tipiga ega sigirlarning miqdori 40 dan 50 foizgacha, mustahkam konstitutsiyaga ega sigirlarda 40-70 foiz bo'lsa, kosasimon shakliga ega

bo'lgan nozik-zich tipli golshtin sigirlari 50–60 foizni, mustahkam konstitutsiyaga ega sigirlar 30-60 foizni tashkil etgan.

Vannasimon shaklli yelining ega bo'lgan I tajriba guruhidagi mustahkam konstitutsiya tipidagi sigirlarda ko'p bo'lib, 70 foizga teng. O'z tengqurlari I guruh nozik-zich, II guruh nozik-zich va mustahkam, III guruh nozik-zich hamda mustahkam konstitutsiya tipidagi sigirlardan tegishli 20,0; 20,0; 10,0 ;30,0 va 30,0 foiz yuqori yelin shakli uchragan.

Tajriba xo'jaligimizdagi sigirlar guruhlarining ko'pchiligi silindirsimon shakldagi so'rg'ichga ega bo'lishgan. I guruh, II guruh, III guruh tajriba guruhidagi turli seleksiyadagi nozik-zich konstitutsiya tipidagi sigirlarda 60 foiz va I guruh, II guruh, III guruh mustahkam konstitutsiya tipidagi golshtin sigirlari 50-60 foizni tashkil qilgan. Konussimon shaklli so'rg'ichga ega bo'lgan nozik-zich konstitutsiya tipidagi golshtin zotli sigirlarda I guruh, II guruh, III guruhlarida 40 foiz bo'lgan bo'lsa, mustahkam konstitutsiya tipidagi turli seleksiyaga mansub sigirlarda 40-50 foiz atrofida bo'lgan.

Tashqi ko'rinish va eksteryer o'lchamlari asosida baho berilganda, turli seleksiyaga mansub tajriba guruhlarida tajribadagi sigirlarning yelinini qorin sohasiga zich joylashganligi aniqlandi. Tajribadagi turli seleksiyaga mansub golshtin zotli sigirlar konstitutsiya tipiga qarab sut bezlari yaqqol ko'zga tashlanadi, sigirlar yelinining osti asosan gorizontol holda bo'lib, to'liq ma'lumotga ega bo'lish va tahlil qilish uchun yelinining asosiy o'lchamlari o'rganildi (2-jadval).

2-jadval ma'lumotlariga ko'ra, golshtin zotining konstitutsiya tipi bo'yicha yelin o'lchamlari turli xil bo'lganini ko'rsatdi. Tajriba tadqiqotlarda eng yuqori ko'rsatkichlar, I guruhga mansub nozik-zich va mustahkam konstitutsiya tipidagi sigirlarida kuzatildi

1-jadval.

Tajribadagi sigirlarning konstitutsiya tipiga qarab yelin va so'rg'ichlarini shakli bo'yicha taqsimlanishi (n=10)

Ko'rsatkichlar	Guruhlar											
	Gollandiya seleksiyasi				Germaniya seleksiyasi				Daniya seleksiya			
	nozik-zich		mustahkam		nozik-zich		mustahkam		nozik-zich		mustahkam	
	bosh	%	bosh	%	bosh	%	bosh	%	bosh	%	bosh	%
Yelinning shakli:												
Vannasimon	5	50,0	7	70,0	5	50,0	6	60,0	4	40,0	4	40,0
Kosasimon	5	50,0	3	30,0	5	50,0	4	40,0	6	60,0	6	60,0
Jami	10	100,0	10	100,0	10	100,0	10	100,0	10	100,0	10	100,0
So'rg'ichlar shakli:												
Silindirsimon	6	60,0	6	60,0	6	60,0	5	50,0	6	60,0	5	50,0
Konussimon	4	40,0	4	40,0	4	40,0	5	50,0	4	40,0	5	50,0
Jami	10	100,0	10	100,0	10	100,0	10	100,0	10	100,0	10	100,0

Tajriba guruhlaridagi sigirlarning, II-laktatsiyada yelinning morfofunksional ko'rsatkichlari (n=10)

Ko'rsatkichlar	Guruhlar											
	I guruh				II guruh				III guruh			
	nozik-zich		mustahkam		nozik-zich		mustahkam		nozik-zich		mustahkam	
	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %
Yelin aylanasi	121,7±1,16	3,02	120,9±0,88	2,3	120,4±0,79	2,1	120,1±0,73	2,29	119,4±0,81	2,14	118,8±0,77	2,05
Yelin uzunligi	37,7±0,4	3,4	37,1±0,3	2,9	36,3±0,38	3,3	35,8±0,36	3,1	35,2±0,31	2,8	34,7±0,34	3,07
Yelin eni	31,8±0,45	4,5	31,4±0,5	5,1	30,8±0,44	4,6	30,3±0,4	4,2	29,8±0,47	4,9	29,6±0,38	4,1
Yelinning oldingi qismi chuqurligi	28,5±0,47	5,2	28,1±0,48	4,4	27,9±0,47	5,3	27,7±0,46	5,3	27,5±0,4	4,4	27,1±0,5	5,8
Yelinning orqa qismi chuqurligi	31,3±0,46	4,7	31,1±0,42	4,3	30,8±0,44	4,6	30,4±0,47	4,8	29,9±0,46	4,8	29,6±0,42	4,5
Yelinning shartli hajmi, sm ³	3468,4	X	3397,3	X	3359,2	X	3326,8	X	3283,5	X	3219,5	X
Orqa so'rg'ichlar uzunligi	8,33±0,06	2,3	8,31±0,046	1,7	8,29±0,04	1,5	8,27±0,063	2,4	8,24±0,033	1,3	8,21±0,03	1,14
Oldingi so'rg'ichlar uzunligi	7,78±0,043	1,76	7,74±0,05	2,0	7,67±0,048	1,96	7,63±0,04	1,6	7,51±0,05	2,01	7,48±0,04	1,7
So'rg'ichlar diametri, sm	2,31±0,014	1,9	2,29±0,015	2,1	2,3±0,018	2,4	2,28±0,014	1,9	2,26±0,015	2,0	2,23±0,011	1,6
Sut berish tezligi, kg/daqiqqa	2,26±0,049	6,80	2,31±0,043	5,8	1,87±0,03	4,7	2,15±0,047	6,9	1,82±0,023	3,9	1,76±0,02	3,4
Yelin indeksi, %	44,3±0,1	0,72	44,6±0,08	0,6	43,9±0,09	0,7	44,1±0,09	0,63	43,5±0,09	0,65	43,8±0,09	0,67

va ularning yelin aylanasi II-laktatsiyada, o'z tenqurlari II va III tajriba guruhidagi sigirlardan shunga mutanosib ravishda: nozik-zich tipi I- guruh II va III guruhlardan 1,3 sm. yoki 1,07 foiz, 2,3 sm. yoki 1,89 foiz, I guruh mustahkam konstitutsiya tipi II va III guruhdan 0,8 sm. yoki 0,66 foiz, 2,1sm. yoki 1,74 foiz, yelin uzunligi 1,4 sm. yoki 3,7 foiz, 2,5 sm. yoki 6,6 foiz, mustahkam tipida 1,3 sm. yoki 3,5 foiz, 2,4 sm. yoki 6,5 foiz, yelin eni 1,0 sm. yoki 3,1 foiz, 2,0 sm.yoki 6,3 foiz, mustahkam tip 1,1 sm. yoki 3,5 foiz, 1,8 sm. yoki 5,7 foiz; yelinning orqa qismi chuqurligi 0,6 sm yoki 2,1 foiz, 1,0 sm. yoki 3,5 foiz, mustahkam tipli golshtin sigirlari 0,4 sm. yoki 1,4 foiz, 1,0 sm. yoki 3,6 foiz, yelining oldi qismi chuqurligi 0,5 sm. yoki 1,6 foiz, 1,4 sm. yoki 4,5 foiz, mustahkam tip 0,7 sm. yoki 2,2 foiz, 1,5 sm. yoki 4,8 foiz, yelinning shartli hajmi 109,2 sm³ yoki 3,1 foiz, 184,9 sm³ yoki 5,3 foiz, mustahkam konstitutsiya tipi 70,5 sm³ yoki 2,1 foiz, 177,8 sm³ yoki 5,2 foiz; oldingi so'rg'ichlar uzunligi 0,04 sm. yoki 0,5 foiz, 0,09 sm. yoki 1,1 foiz, mustahkam 0,04 sm. yoki 0,5 foiz, 0,10 sm. yoki 1,2 foiz; orqa so'rg'ichlar uzunligi 0,11 sm yoki 1,4 foiz, 0,27 sm. yoki 3,5 foiz, mustahkam 0,11 sm. yoki 1,42 foiz, 0,26 sm.yoki 3,4 foiz, so'rg'ichlar diametri 0,01 sm. yoki 0,4 foiz, 0,05 sm. yoki 2,2 foiz, mustahkam 0,01 sm yoki 0,4 foiz, 0,06 sm. yoki 2,6 foiz; sut berish tezligi 0,39 kg/ daqiqa yoki 17,2 foiz, 0,44 kg/ daqiqa yoki 19,5 foiz, mustahkam 0,16 kg/ daqiqa yoki 6,9 foiz, 0,55 kg/daqiqqa yoki 23,8 foiz yuqori bo'ldi.

Yelin indeksleri bo'yicha I guruh nozik-zich va mustahkam konstitutsiya tipidagi sigirlar II va III guruh nozik-zich hamda

mustahkam konstitutsiya tipidagi sigirlardan 0,4 yoki 0,9 foiz; 0,8 yoki 1,8; 0,5 yoki 1,1 foiz va 0,8 yoki 1,7 foizga ustunlik qilgan.

Xulosa. Shunday qilib, tadqiqotlarda sigirlarning sutbop podalarda seleksion jihatdan sigirlarning II laktatsiyasida o'rganish natijasida yelin hajmi ko'rsatkichlaridan tashqari sut berish tezligi, so'rg'ichlarining

diametri hamda yelin indeksleri hozirgi zamon talabiga mosligi katta amaliy ahamiyatga ega.

Zuxra MIRSAIDOVA, doktorant,
Jurabek XUJAMOV, q.x.f.f.(PhD) dotsent,
Samarqand davlat veterinariya meditsinasi,
chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti.

ADABIYOTLAR

1. Axtamova M.T. G'unojinlarni laktatsiyaga tayyorlash sut ishlab chiqarishni ko'paytirishning muhim omilidir. J. Chorvachilik va naslchilik. Toshkent-2023 № 01(29) 12-13 bet.
2. Madraximov Sh.N., Ro'ziboyev N., Qurbonova Sh.E., Gulbutayev B.X. "Turli seleksiyaga mansub golshtin zotli sigirlarning sut mahsuldorligi va eksteryer xususiyatlari" J. Chorvachilik va naslchilik. T. 2021y. №6 (23) 12-14 betlar.
3. Xujamov Jurabek Nayimovich. Turli zot va zotdorlikdagi sigirlarning sut mahsuldorligini oshirish yo'llari. Qishloq xo'jaligi fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. Samarqand 2019, 41 bet.
4. Z.S. Mirsaidova, Yu.N. Khudzhomov, Kh.S. Mirsaidov, Dependence of milk productivity of Holstein cows of different breeds on the type of constitution, Agrobiotechnology
5. Zuhra Mirsaidova, Mokhigul Narzullayeva, Rasul Amonov, Jurabek Xujamov, Kadyken Rizabek Clinical and hematological indicators of cows belonging to different selections of the holshstin breed by seasons. <https://doi.org/10.1051/bioconf/20249501022> BIO Web Conf. Volume 95, 2024 III International Conference on Current Issues of Breeding, Technology and Processing of Agricultural Crops and Environment (CIBTA-III-2024)
6. Xujamov Jurabek Nayimovich, Soyibjonov Ahmadillo Tohirjono'g'li, Mirsaidova Zuxra Shuxratovna, Kurbanova Shahnoza Ergashevna, Gapparov Shovkhiddin Tazhievich WAYS TO INCREASE MILK PRODUCTION USING BIOLOGICAL CHARACTERISTICS AND PARATYPICAL FACTORS OF COWS. Journal of Advanced Zoology ISSN: 0253-7214 Volume 44 Special Issue-2 Year 2023 Page 4687:4694

ЎЎТ: 528.575.1.055

ТАДҚИҚОТ

ЕР ФОНД ТОИФАСИ МИҚДОР ҲОЛАТИНИНГ ТУМАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИГА МОСЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Аннотация. Ер ҳисобини замонавий усулларда тўғри юритиш ва, ер майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, кадастр маълумотларининг аниқлиги иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш ривожланишини башоратлаш ва режалаштиришга, ҳудудларда иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан мақолада юридик фаол бўлмаган пассив ер участкаларини иқтисодий активга айлантириш, орқали ҳудудларда иқтисодий ривожлантириш услубларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш юзасидан маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: кадастр, давлат кадастрлари, давлат кадастрлари ягона тизими, ер ҳисоби, кадастри тизими, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, ҳудуд, самарадорлик.

Аннотация. Ведение учета земли правильными современными методами, проведение полного обследования земельных площадей и рационального использования земельных ресурсов, точность кадастровых данных важна для прогнозирования и планирования развития производства в отраслях экономики и обеспечения экономической стабильности в регионах. С этой точки зрения в статье представлена информация о превращении юридически неактивных пассивных земельных участков в экономический актив, разработке методов экономического развития регионов и их использовании.

Ключевые слова: кадастр, государственные кадастры, единая система государственных кадастров, земельный учет, кадастровая система, социально-экономическая стабильность, территория, эффективность.

Abstract. Keeping the land account in the correct modern methods and conducting a complete survey of land areas and rational use of land resources, the accuracy of cadastral data is important for forecasting and planning the development of production in economic sectors and ensuring economic stability in the regions. From this point of view, the article provides information on the transformation of legally inactive passive land plots into an economic asset, the development of methods of economic development in the regions and their use.

Keywords: cadastre, state cadastres, unified system of state cadastres, land registration, cadastral system, socio-economic stability, territory, efficiency

Кириш. Яқин йилларгача кадастр тизими фақат аҳолига хизмат кўрчатувчи соҳа сифатида қаралган ва у ислоҳ қилишга энг муҳтож соҳалардан бири ҳисобланган. Одамлар учун уй-жой, ер олиш бир масала бўлса, уни ҳужжатлаштириш ишлари давлат рўйхатидан ўтказиш энг оғриқли масала эди. Натижада уй жой эгалари, тадбиркорлар коррупция ва қоғозбозликлар туфайли сарсон бўлган, бу эса энг аввало аҳолининг кайфиятига салбий таъсир кўрсатиб, ҳудудларнинг ривожланишига катта тўсиқ бўлиб келган. Ҳозирда бу соҳа деярли тўлиқ рақамлаштирилиб, барча хизматлар давлат хизматлари маркази ёки ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали шаффоф, тезкор тарзда кўрсатилиб, энг асосийси, тизимда қоғозбозликка чек қўйилмоқда. Ер кадастрида кўчмас мулкларни давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари такомиллаштрилмоқда, олиб борилаётган ишлар ҳудудларда ер ресурслари бошқариш тизимида сезиларли восита бўлмоқда, шунингдек иқтисодий барқарорликка эришишда ер кадастри маълумотлари асосий тизим ҳисобланмоқда.

Кадастр тизимини ислоҳ қилишга қаратилган 36 та меъёрий ҳужжат қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Дастлаб 2017–2021 йиллар давомида соҳада халқаро тажрибани ўрганишга бағишланган фаол давр кечган бўлса, кейин ўрганилган ана шу тажриба ва кўникмалар аста-секинлик билан қонун ва қонуности ҳужжатларни қабул қилиш йўли билан ҳаётга татбиқ этила бошлади. Улар асосида одамлар истаган тезкор, шаффоф, рақамли хизмат кўрсатиш тизими шаклланиб бормоқда. Натижада тизимда хизмат кўрсатиш имкониятлари бир неча баробарга кенгайди. Демак, рақамли технологиялар имкониятлари соҳада натижадорликни ошириб, аҳоли ишончига кириб бормоқда[1].

Ер кадастри тизимини бошқариш ва ундан самарали фойдаланиш нафақат конституциявий, балки келажақ авлод олдидаги энг катта бурчимиздир. Кейинги йилларда юртимизда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ер муносабатлари соҳасида қонунийликни таъминлашга алоҳида

эътибор қаратилаётганининг боиси шунда. Жумладан, ер ресурсларини асраш, ундан самарали фойдаланиш борасида ҳам кенг кўламли ислохотлар кечмоқда. Хусусан, ҳудудларни ривожлантиришда биринчи навбатда қишлоқ ҳўжалиги ерлари билан боғлиқ муносабатлар барқарорлиги таъминланиб, уларнинг мониторингини юритиш, ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш зарур.

Бу ҳаётий зарурат ҳамдир, чунки ер хазина бўлиб, унинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиш мўл ҳосил ва барака дегани. Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги дунёни жиддий ташвишга солаётган бир вақтда соҳага замонавий ёндашув, аниқ ҳисоб-китоб билан бирга, мавжуд ер майдонларидан тўғри фойдаланиш талаб этилмоқда. Қолаверса, ҳудудлардаги иқтисодий ўсиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, иш ўринлари ва инвестиция оқими, аввало, ерга боғлиқ[2].

Тадқиқот материаллари ва услуби. Аммо соҳада камчиликлар йўқ эмас, Қорақалпоғистон Республикасида 2023 йилда олиб борилган тадқиқодлар ва таҳлилларга кўра, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 2023 йил январь ҳолатига бўйича 6 242 635 гектар. Уни кенгайтириш бўйича катта ишлар қилинаётганига қарамай, қишлоқ ҳўжалигида 1 245,6 гектар ернинг ҳуқуқ белгилловчи ҳужжатлари тўлиқ эмас. Доимий фойдаланиш учун ажратилган 84 520 гектар ернинг ҳуқуқий мақоми аниқ эмас, 3 435,9 гектар ернинг ҳужжатдаги ва амалдаги майдони бир-биридан фарқ қилади, яъни ердан фойдаланувчиларнинг ерлари қарорига нисбаттан жойида кам, 5 305,6 гектар ердан фойдаланувчиларнинг ерлари қарорига нисбатан жойида кўп, 7 088,5 гектар янги аниқланган бўш ер учаскаларини давлат захирасига олиш бўйича тақдимнома киритилган, амалда ердан фойдаланувчиси мавжуд, 146,9 гектар ернинг жойида ноқонуний қурилиш мавжуд экин экиш имконияти йўқ, 82 740,7 гектар ерлар фойдаланишдан чиқиб кетган экин экиш имконияти йўқ, натижада жами 184 483,3 гектардан зиёд қишлоқ ҳўжалиги ерлари кадастр рўйхатидан

ўтмасдан турибди (1-жадвал). Демак, ҳудудларда ер ҳисобининг тўғри юритилмаганлиги сабабли туман ҳокимининг захирага олиш бўйича қарори чиққан ёки ер ажратиш қарори бекор қилинган бўлсада ҳалигача захирага олинмасдан, ерлардан фойдаланиб келинаётганлиги аниқланди.

Демак, ушбу ерлардан тегишли солиқ тушумлари амалга оширилмаяди, кадастри йўқлиги сабабли уларни такрорий экинлар учун расман иккиламчи ижарага бериш имкони бўлмаяпти. Булар туфайли камида 98 000 иш ўрни, такрорий экиндан олинаётган маҳсулот ҳамда норасмий ижаранинг ҳисоби юритилмаяпти. Иқтисодиётимиз барқарорлиги учун ҳам, аввало, ерни увол қилмаслик, озиқ овқат хафсизлиги нуқтаи назардан ер кадастри тизимини янада такомиллаштириш ва ундан самарали фойдаланиш лозим. Олиб борилган тадқиқодлар натижасида ер ҳисобининг тўғри юритилмаганлиги сабабли туман ҳокимининг захирага олиш бўйича қарори чиққан ёки ер ажратиш қарори бекор қилинган бўлсада ҳалигача захирага олинмасдан, ерлардан фойдаланиб келинаётганлиги аниқланди[3].

Биргина Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманида ер ҳисобининг тўғри юритилмаганлиги сабабли туман ҳокимининг захирага

олиш бўйича қарори чиққан ёки ер ажратиш қарори бекор қилинган бўлсада 411,2 гектар ерлар захирага олинмасдан, фойдаланиб келинган.

Бундан ташқари туманда 120,3 гектар қишлоқ хўжалиги ерларига ўзбошимчилик билан якка тартибдаги уй жойлар қурилган ҳолатлари тадқиқотимиз натижасида аниқланди.

Демак, шу пайтгача ер ресурслари салоҳиятининг туманни ривожлантириш дастурларига мослигини таҳлолашда ер кадастри индикаторларидан фойдаланиш услуби бўлмаган, кадастр тизими фақат фермер хўжаликларига ҳамда фуқароларга тегишли ер участкаларининг ҳужжатини қилиш, йил охирида ер балансига маълумот бериш киби умумий вазифалар билан банд бўлишган, умуман олганда хизмат кўрсатиш тизими сифатида иш олиб борилган[4].

Таҳлил ва натижалар. Ҳудудларни ривожланишда туманлар йиллик дастурларни ер ресурсларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб озиқ овқат хавфсизлигини инобатга олган ҳолда ер кадастри маълумотларидан самарали фойдаланиб ишлаб чиқиш зарурлиги тақлиф қилинди. Шу каби номутоносибликларни аниқлаш, уларни бартараф қилиш бўйича ҳудудларда ер ҳисобини тўғри юритиш ва унинг мониторингини олиб бориш юзасидан жой-

1-жадвал.

Қорақалпоғистон Республикасидаги Қишлоқ хўжалиги ер фонд тоифаси ҳолатининг таҳлили (гектар)

№	Туман шаҳар номи	Мой сон	Қишлоқ хўжалигига мўлажалланган ерлар ер баланси	жами	I. ҳўжатлари мавжуд фақат юридик фаол эмас	Шўқилинган				II. Бошқа объектлар ҳўлатлар	Жўқтилган	
						Низолли ерлар суд ҳарёиинда	Ерлан фойдаланувчиларнинг ерлари қарорига инсбаттан жойида кам	Ерлан фойдаланувчиларнинг ерлари қарорига инсбаттан жойида кўп	Янги аниқланган Буш ер участкаларининг Захирага олиш бўйича тақдирини кўритилган		жойида мўқоний қурилш мавжуд экан экан инсбаттан жўқ	қишлоқ хўжалигига фойдаланишдан чиқиб кетган экан экан инсбаттан жўқ
КК Рес	452	6 242 635,0	100 074,4	17 075,7	1 245,6	3 436,0	5 305,6	7 088,5	82 998,7	258,0	82 740,7	
1 Нукус шаҳар	71	4 707,0	88,2	88,2	88,2							
2 Амуларё тумани	49	74 110,0	2 295,8	1 834,8				218,0	1 616,8	461,0	136,0	325,0
3 Беруний тумани	40	334 560,0	2 481,6	124,2		8,0	56,5	59,7	2 357,4	1,7	2 355,7	
4 Бўзатов тумани	5	210 106,0	7 620,5	2 745,3	2,7			184,0	2 558,6	4 875,2		4 875,2
5 Кетейин тумани	16	86 411,0	283,3	69,2				69,2		214,1		214,1
6 Қўнғирот тумани	39	1 789 009,0	23 532,4	348,6				348,6		23 183,8		23 183,8
7 Қонликўл тумани	11	62 322,0	8 158,5	1 612,5				124,2	1 488,3	6 545,9		6 545,9
8 Мўйнок тумани	12	314 722,0	5 320,3	562,2				562,2		4 758,1		4 758,1
9 Нукус тумани	13	66 207,0	3 074,6	1 444,6	669,6	342,3	342,3	90,3	1 630,0			1 630,0
10 Тахтакўшар тумани	17	1 454 836,0	1 350,7	28,0	12,0			16,0		1 322,7		1 322,7
11 Туртқўл тумани	49	666 968,0	164,9	136,8				124,0	12,8	28,1		28,1
12 Хўжайли тумани	28	43 375,0	1 895,2	135,0				135,0		1 760,2		1 760,2
13 Чимбой тумани	22	123 656,0	6 268,4	1,0				1,0		6 267,4		6 267,4
14 Шўманой тумани	13	68 561,0	11 744,6	4 041,0	470,0	57,9	3 027,7	485,3	7 703,7			7 703,7
15 Эллиқалъа тумани	40	410 203,0	11 270,6	3 496,9		3 027,7	57,9	411,2	7 773,8	120,3		7 653,5
16 Қорақўзақ тумани	13	518 139,0	13 953,8	57,6			39,0	18,6	13 896,2			13 896,2
17 Тахтатўш тумани	14	14 743,0	571,1	349,9	3,0			346,9	221,2			221,2



нинг таҳлили картасини яратилиб фойдаланишдан чиқиб кетган экин экиш имконияти йўқ ерларни ўз ҳолатига қайтариш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди[5]. Натижада Қорақалпоғистон Республикасида аукционга 7 088,5 гектар ер рўйхатга олиш, 5 305,6 гектар ерлар қарорига ўзгартиришлар кирилиб фойдаланиш режасига киритиш, қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган экин экиш имконияти йўқ 82 740,7 минг гектар ерлардан интенсив фойдаланиш бўйича режага киритиш юзасидан тавсиялар берилди.

Шу каби номутносибликларни аниқлаш, уларни бартараф қилиш бўйича ҳудудларда ер ҳисобини тўғри юритиш ва унинг мониторингини олиб бориш юзасидан жойнинг таҳлили картасини яратиш таклиф қилинди (1-расм).

Ҳозирда амалга оширилган ишлар натижасида таклиф қилинаётган усул ҳар томонлама қулай, камҳаражатли ва сифатли эканлиги исботланди, унга кўра янги аниқланган ерлар тўғрисидаги ахборотларнинг хариталарини яратишда асосан жойнинг фотосурати, қишлоқ хўжалиги харитаси ва космосурати керак бўлади, харитада тегишли объектлар битта жойга жамланади ва аниқланган ерларнинг атрибутив маълумотлари берилади, бундан ташқари жойнинг локациясини аниқ библиш учун QR-код (Қуиск Респонсе Соде - тезкор аниқладиган код ҳисобланади) қўйилади бу эса, турли хил тушунмовчиликлар, контурлар

алмашишининг олдини олади. Ҳудудда ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш услуби асослаб берилди, натижада Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодиёти олдига экспорт салоҳиятини ошириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларини ишлаб чиқиш ҳамда йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархларини бир хил ушлаб туриш мақсадида асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадга мувофиқ, бу эса мамлакатимизда экин майдонлари чекланган шароитида ер ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланишни тақозо қилмоқда[6].

Қорақалпоғистон Республикасида ер ҳисобини олишнинг янги йўналишдаги услуби натижасида аниқланган қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни фойдаланишга қайтариш бўйича ишлар амалга ошириш юзасидан биргина Беруний тумани “Шаббоз” массиви 3-участка ҳудудидаги “Беруний ёшлар эко агро” МЧЖ га қарашли ҳолати ёмонлашган ер майдонлари ҳозирги кунда экин экиш имконини яратиш мақсадида шўр ювиш дренажларни тозалаш каби агротехник тадбирлар ўтказиш юзасидан тавсиялар берилди. натижада қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган 2 355,7 гектардан 1 831,2 минг гектарини фойдаланишга қайтариш имконияти яратилди. Бу эса туманни ривожлантириш дастурига қўшимча ресурс жалб қилиш, солиқ



1-расм. Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида ер баланси бўйича экин ери лекин жойида қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган экин экиш имконияти йўқ ерлар

тушумини ошириш, қўшимча иш ўрни яратиш, озиқ овқат нуқтаи назардан қўшимча экин турларини экиш имконини берди [7].

Ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари юзасидан ер кадастри тизимида ерни иқтисодий ресурс (актив)га айлантириш йўналишлари ишлаб чиқилди. Унга кўра ҳудудда мавжуд юридик кучга эга бўлмаган ерларнинг ҳисобини олиб улардан интенсив фойдаланиш бўйича туман режасига киритиш орқали қўшимча ресурс яратилди. Натижада туманни ривожлантириш дастурига қўшимча ресурс жалб қилинди, ҳудудларда солиқ тушумлари ошириш, қўшимча иш ўрни яратиш, озиқ овқат нуқтаи назардан қўшимча экин турларини экиш ерларни бозор активига айлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш имконини берди.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагиларга асосан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига қуйидагиларни амалга ошириш тавсия этилади:

1. Тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори билан депутатлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳи тузиш;

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда ерга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқ эмаслиги, ҳужжатлардаги ва амалдаги ер майдонларининг бир-бирига мос келмаётганлиги ва доимий фойдаланиш учун ажратилган ерларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ эмаслиги тўғрисидаги фактларни ўрганиш ва уларнинг

оқибатларини баҳолаш;

3. Ишчи гуруҳ ер ижараси шартномасини тузиш ва кадастр рўйхатига олишни мақсадга мувофиқ эмас деб топган тақдирда ушбу ерларни ҳокимлик захирасига қайтариш юзасидан тегишли хулоса ишлаб чиқиб, мазкур ҳужжатларни халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тақдим этиш;

4. Ишчи гуруҳ хулосалари, шунингдек, тумандаги тегишли ташкилотлар раҳбарларининг мазкур масала юзасидан ахборотлари ва ҳисоботларини халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши мажлисида эшитиб бориш;

5. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши мажлисида ишчи гуруҳ хулосаси асосида:

— фаолияти ижобий баҳоланган деҳқон, фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ер ижараси шартномасини тузиш ва кадастр рўйхатига олиш;

— фаолияти қонқиқарсиз баҳоланган деҳқон, фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг захирага олинган ерларини тегишли тартибда ер участкасига талабгорни аниқлаш мақсадида аукционга қўйиш бўйича Кенгаш қарорини қабул қилиш.

Мамлакатимизда ер ҳисоби аниқ бўлса қишлоқ хўжалиги бўйича самарали иқтисодий дастур ишлаб чиқиш мумкин. Бундан самарали фойдаланиш, табиат неъматини борида қадрлаш керак.

Бегенч ЮНУСОВ,

т.ф.ф.д., (PhD),

Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлиги.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 15- моддасига ҳамда “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонун

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги “Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 299-сон Қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 апрелдаги “Фаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-262-сон Қарор

4. Алтийев А.С. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш муаммолари: Монография. – т., “Фан”, 2018.

5. Рахмонов Ш. К. Ер ресурсларини тармоқлараро тақсимоотида қишлоқ хўжалигининг устиворлигини таъминлаш.-2018

6. Чертовский А.С., Базаров А.к. Система землепользования Узбекистана. /Т: “Фан”, 2007.

7. Юнусов Б.М. Кадастр маълумотларининг аниқлик даражасини таҳлил қилиш орқали ҳудудларни комплекс ривожлантиришга таъсирини баҳолаш / “ТИҚХММИ”МТУ “Ўзбекистонда ер ресурсларни бошқаришнинг устувор йўналишлари: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги халқаро конференция, № 1 сон, Нашр: 2023йил 25 май.

Миллатимиз тарихи ўз ичига турли даврларни қамраб олган. Бу даврларнинг ҳар бирида элига, юртига фидойилик, жонқурлик билан хизмат қилган шахслар яшаб ўтган ва улар ўзларининг эзгу аммалари билан атрофдагилар хотирасида сақланиб қолган. Бундай инсонлар яқин ўтмишимиз - собиқ шўролар даврида ҳам юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб, эл ҳурматиغا сазовор бўлган. Шундай замондошларимиздан бири - устозимиз раҳматли Парда Тилагов эди.



АВЛОДЛАРИ СИЙМОСИДА БАРҲАЁТ ИНСОН

Болалиги ва ўсмирлиги Иккинчи жаҳон уруши ва урушдаги кейинги халқ хўжалигини тиклаш йилларида тўғри келган бу авлод вакиллари ўз елкаларида фронтга кетган эркаклар ўрнига ҳам оғир меҳнат қилиб, ҳаётнинг аччиқ қисматини тотганлар. Фронт ортидаги жанг майдонларидан кам бўлмаган машаққатларда тобланган Парда аканинг ҳаёти синовларга бой бўлди.

Етакчилик ва ташкилотчилик қобилиятлари Парда Тилаговга ирсият орқали ўтган, дейишарди унинг аждодаларини билган кишилар. Парда ака ўсмирлигидан бошлаб ўз тенгқурлари орасида ғайрат-шижоати, етакчилик қобилияти билан ажралиб турган. Шу жиҳатлари сабабли дастлаб мактабда, кейинчалик талабалик ва меҳнат фаолиятининг дастлабки йилларида жамоат ишларида фаол қатнашиб, тенгқур ёшлар ўртасида танилди. Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини битирган ёш мутахассис фаол ташкилотчилиги туфайли Зомин тумани ёшлар қўмитасига масъул лавозимга ўтказилиб, кейинчалик раҳбарликка сайланди.

Унинг ёшлар иттифоқидаги қайноқ ҳаёти Мирзачўлни ўзлаштириш бошланган илк йилларга тўғри келди. Зомин тумани худудида бўлган дашт ерлар ўзлаштирилиб, ҳозирда Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги хўжаликлар айнан ўша даврда минглаб инсонларнинг меҳнати билан пайдо бўлган. Дашт ерларни ўзлаштиришга

бел боғлаган чўлқуварлар дастлаб қишин-ёзин ертўлаларда яшаб, Бекободнинг ёзда гармсел, қишда изғирин шамолида матонат билан меҳнат қилганлар.

Ўша даврда минглаб гектар майдонларга замонавий ирригация-мелиорация иншоотлари қурилиб, ижтимоий-ишлаб чиқариш инфратузулмалари, уй-жойлар, мактаб, болалар боғчалари барпо этилиб, республикамиз вилоятларининг кўплаб аҳолиси иш ва уй жойларига эга бўлишган. Ўзлаштирилган ер майдонларида юксак механизациялашган деҳқончилик маданияти йўлга қўйилган.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлиги, чўлқуварлар матонати, шижоати ва фидокорона меҳнати билан чўлда бўстон яратилди. Амалга оширилган бу ишлар нафақат собиқ иттифоқ, балки кўпчилик давлатлар учун ҳақиқий ибрат ва тажриба мактаби бўлди. Ўша пайтларда ёшлар ташкилотида Парда ака билан елкама-елка туриб ишлаган Тўхтамиш Боймиров, Умурзоқ Маматқуловлар кейинги йилларда туман ва вилоят даражасида раҳбар лавозимларда ҳам ҳамкасб сифатида ҳамкорликда фаолият юритиб, эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлдилар.

Устозимизнинг Зомин туманидаги “Қизил Чорвадор” қорақўлчилик, “Ударник” ғаллачилик-чорвачилик давлат хўжаликларида партия қўмитаси котиби лавозимларида юритган фаолияти ҳам осон кечмаган. Собиқ иттифоқини 1953-1964 йилларда бошқарган раҳбарларнинг аҳолини гўшт билан таъминлашда Американи қувиб ўтиш мақсадида давлат ва жамоа ҳамда аҳоли шахсий томорқа хўжаликларидаги чорва молларининг сўйиб юборилиши, тупроқ-иклим шароити ҳисобга олинмасдан эркин майдонларига маккажўхори оммавий равишда экилиши қисқа фурсатда ўз салбий таъсирини кўрсатди.

Мол бош сони, бошоқли дон майдонлари кескин камайиб кетиб, ички истеъмол бозорида гўшт, сут, тухум, ун ва ун маҳсулотлари тақчиллиги юзага келди. Натижада озиқ-овқат таъминоти издан чиқиб, кўпгина маҳсулотлар минимал тиббий меъёрлардан ҳам сезиларли даражада паст миқдорларда марказлашган тақсимот-талон тизимига ўтказилди. Бундай шароитда чорва мол боши сонини тиклаш, ғалла ишлаб чиқаришни талаб даражасига қайта кўтариш қишлоқ хўжалиги ходимлари учун нияҳотда долзарб эди.

Ўрол Тошбеков, Ленура Алиева сингари омилкор, ташкилотчи раҳбарлар билан ҳамкорликда кадрларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, селекция ва уруғчилик тизимини тизимли йўлга қўйиш, мавжуд барча имкониятларни ишга солиш орқали “Қизил чорвадор” ва “Ударник” хўжаликлари нафақат аввалги салоҳиятини тиклаш, балки маҳсулот етиштириш суръат ва ҳажмларини салмоқли миқдорда ошириб, вилоят ва республикада пешқадам хўжаликларга айланди.

Бир муддат Зомин тумани партия қўмитаси ташкилий бўлими мудири бўлиб ишлаган Парда ака 1970 йилнинг октябрь ойида янги ташкил этилган Дўстлик тумани партия қўмитасига котиб этиб сайланди. Дашт ерларигина ўзлаштирилиб, ижтимоий инфратузилмаси тўлиқ шаклланмаган, туманга асосан лалмикор ҳудудларнинг аҳолиси кўчириб келинган хўжаликларда пахта етиштириш осон кечмаган. Чўлқуварларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитлари яратиш билан

бирга уларнинг суғорма деҳқончилик маданиятини ошириш айнан Парда аканинг зиммасига тушган. Расулмат Ҳусанов, Хўжам Исроилов каби юксак малака ва маҳоратга эга туман раҳбарлари билан биргаликда фаолият юритиб, у Дўстлик туманининг пахта ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосили вилоятда энг юқори ҳудуд даражасига етишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

1978 йилда Парда Тилагов Жиззах вилояти партия қўмитаси тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири лавозимига тайинланади. Асосий вазифаси маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишдан иборат бўлган устозимиз Содиқ Нишонов, Наби Ўралов, Ўктам Жавлонов, Насим Нориевлар билан ҳамкорликда миллий ўзлигимиз ва қадриятларимизни сақлаган ҳолда замон билан ҳамнафас яшаш, турмуш маданиятини ошириш борасида тизимли ишларни амалга оширди. Бу жабҳада зиёлилар ва ижодкорлар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатди. Бойналминалчилик байроғи остида кенг миқёсда олиб борилган партия сиёсати даврида сабот ва вазминлик билан миллий маънавиятимизни сақлаш борасида иш юритиш қандай мушкул бўлганини ўша даврда ишлаган ходимлар яхши билишади.

Оғир ва мураккаб ҳаёт синовлари инсон юрагида беиз ўтмас экан. 1979 йилнинг 17 ноябрида бешафқат ўлим устозимизни 45 ёшида – айни жўшқин даврида орамиздан олиб кетди. Ҳаёт бўлганларида шу йил 5 декабрда 90 ёшни қаршиларди, ўзи доимо орзу қилган ҳалқимиз озодлигини, янги Ўзбекистонни кўрарди...

Шундай кунларда ўз даврининг фарзанди бўлган устозимизни хотирлаш, унинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида эслашни ўзимизнинг инсоний бурчимиз деб билдик.

Парда аканинг турмуш ўртоғи Рухсатой опа 7 нафар фарзандни вояга етказиб, эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб улғайтирди.

Таскин шулким, узтозимиз фарзандлари, набиралари сиймосида барҳаётдир.

Бир ғуруҳ шогирдлари.

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrар-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV XO'JALIGI
VAZIRLIK LARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIIYEV

Tahrir hay'ati:

Ibrohim ABDURAHMONOV

Shavkat XAMRAYEV

Bahodir TOJIYEV

Ravshan MAMUTOV

Abrol VAXOBV

Bahrom NORQOBILOV

Nizomiddin BAKIROV

Shuhrat TESHAYEV

Bahodir MIRZAYEV

Ravshanbek SIDDIQOV

Mirziyod MIRSAIDOV

Baxtiyor KARIMOV

Ibrohim ERGASHEV

2024-yil, dekabr №12.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi" jurnalidan
olindi, deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига	1
Б.ТОШЕВ. Конституцияда тадбиркорлик ва мулк ҳукукининг кафолати	3
Б.ЖУЗБАЕВ. Ватан равнақида дахлдорлик ҳисси	4
А.УБАЙДУЛЛАЕВ, Б.БУРХОНЖОНОВ. Сув – текин эмас	6
З.ЎЛДОШЕВ. Галлазорларда декабрь ойида ўтказиладиган энг муҳим агротехник тадбирлар	8
С.ҚУЛМИРЗАЕВ. Кооператив деҳқонлар бирлашудир	10
Глобал муаммонинг бугунги ечими	14
Ёрдамчи хўжаликдан – ишчилар дастурхонига	15
Б.РАҲМАТОВ. Сув ва сувчи кадрланадиган хужжат	16
Ў.РАҲМАТ. Мироб	17
У.МАМАЖОНОВ. Фаол маънавиятчилар тақдирланди	18
С.ЗАЙНАБУДИНОВ. “Истикбол умидлари” танлови ғолиблари Германияда	20
Р.СИДДИҚОВ. Янги Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги инновацион ривожланиш йўлида	22
Ш.НОРМУРОДОВ. Яшил маконлар — экологик софлик ва барқарор тараққиёт гарови	24
Ш.ҲАЗРАТҚУЛОВ, Ш.ЁҚУБОВ. Чикиндиладан биокўмир ишлаб чиқариш	26
Ветеринария хизмати – чорвачилик ривожда камарбаста	28
Р.ТОЖАЛИЕВА. Интиланнинг иши унуми	30
Имтиёзлар — тараққиётга замин	32
Д.АЛИМБЕТОВ. Қорақалпоғистон Республикаси шароитида тақрорий экингда маҳаллий ва хорижий тарих нав намуналарининг ўсиши, ривожланишини ўрганиш	35
Ш.АКРАМОВ. О'тказилган агротехник тадбирларнинг экологик соф кузги bug'doy hosili olishdagi ahamiyati	37
Ғ.БО'РОНОВ, А.МАЛИКОВ, Х.ЖУМАБОВЕВА. Issiqxona sharoitida banan o'simligini yetishtirish	39
Х.ШУКУРОВ, Ш.НАЗАРОВ, М.БОҚИЙЕВА. Yong'oq biotsenozida tengsiz ipakchiga qarshi qo'llaniladigan ayrim insektitsidlar hamda ularni parazit entomofaglariga ta'siri	41
К.ШАМСИДИНОВА. Moshda antraknoz kasalligining tarqalishi	44
Н.РАЗЗОКОВА. Lalmikor maydonlarda no'xatning asosiy kasalliklarining tarqalishi	46
Р.ЮСУПОВ, Е.ТОРЕНИЯЗОВ. Қорақалпоғистон шароитида полиэ экинлар биотопида икки қанотлилар туркуми турларининг ривожланиш биоэкологияси	49
Х.БОБОЕВА. Маҳаллий ва интродукция қилинган ёзги олма навлари ҳосилдорлиги	52
З.МИРСАЙДОВА, Ж.ХУЖАМОВ. Golshtin zotli sigirlar yelin ko'rsatkichlarining konstitutsiya tipiga bog'liqligi	54
Б.ЮНУСОВ. Ер фонд тоифаси миқдор ҳолатининг туман қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастурига мослигини баҳолаш	57
Авлодлари сиймосида барҳаёт инсон	62

Jurnal O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida 2019-yil
10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta
ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 100004, Toshkent sh.,
Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 93 500-54-99,
+998 90 946-22-42.

Veb sayt: qxjurnal.uz
E-mail: qxjurnal@mail.ru
Telegram: qxjurnal_uz
Facebook: qxjurnal

Bosmaga topshirildi: 2024-yil 9-dekabr.
Ofset usulida chop etildi.
Qog'oz bichimi 70x100 1/16.
Shartli bosma tabog'i – 5,5.
Nashr bosma tabog'i – 1,31.
Buyurtma: №23. Nuxsasi 700 dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ
matbaa bo'limida chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahri,
Uchtepa tumani, Sharaf va To'qimachi
ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrir – **A.TAIROV**
Dizayner – **U.MAMAJONOV**



профессионал ем-хашак тайёрлаш техникаси



тойлаб-зичлагич



рулонли
тойлаб-зичлагич



рулон ўрагич



дискли ўргич



хаскашлар



юкни ўзи туширувчи
тиркама



органик ўғит сочиш
мосламаси



рулон
майдалагич



Манзил: Тошкент ш., 8 март кўчаси, 57-уй
(мўлжал: Сарикўл, Яшил бозор, Топчан меҳмонхонаси)

+ 998 93 555-00-95

+ 998 99 987-20-50

"О'ЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХО'ЖАЛИГИ" ва "AGRO ILM" журналларига 2025 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Агар сиз журналларимизга обуна бўлсангиз:

- қишлоқ ва сув хўжалигига оид долзарб мавзудаги мақолалар, қонунчиликдаги янгиликлар;
- агросаноат мажмуига кирувчи корхона ва ташикilotлар, жумладан, илғор фермерлар, чорвадорлар ҳамда ирригация-мелиорация тармоқларида ибратли ишларни амалга ошираётган замондошларимиз ҳақидаги материаллардан мунтазам баҳраманд бўласиз.
- Олим ва мутахассисларнинг ўзингиз учун зарур бўлган таҳлилий ҳамда амалий тавсия, маслаҳатлари;
- қишлоқ хўжалиги фанида эришилаётган илмий ва инновацион натижалар, яратилаётган ихтиролар билан яқиндан танишиб, касбий маҳорат ҳамда малакангизни ошириб борасиз.

Обунани тўғридан-тўғри таҳририятимиз орқали, шунингдек, "Ўзбекистон почтаси" АЖ ва "Матбуот тарқатувчи" АКнинг жойлардаги бўлимларида расмийлаштиришингиз мумкин.

Обуна индекслари:

**О'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi – 895
Agro ilm – 859**

